

МАЪРИФАТ –
ТИНЧЛИК АСОСИ



66,4

ISBN: 978-9943-306-28-8
9 789943 306288


160090



66.4
M-34

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

**Маърифат —
тинчлик асоси**



«Тошкент ислом университети»
нашрият-мағоза бирлашмаси
Тошкент — 2007

O'Z.B.K.WO: M.I. NF
M.R. WO
INV. №

ББК 66.4(0)
86.38
66.3 (5У)
М 34

Тўйламда соф ислом таълимотининг эзгу моҳияти, диний экстремизм ва терроризмнинг салбий жиҳатлари, унга қарши кураш масалалари буйича ислом дини манбалари — Қуръони карим, ҳадиси шариф ҳамда буюк аجدодларимиз асарларидан иқтибослар жамланган.

Тузувчи:

Д. Раҳимжонов, тарих фанлари номзоди, доцент.

Масъул муҳаррир:

Масъул филология фанлари доктори, профессор.

Муаллифлар гуруҳи:

т.ф.д. Баҳром Абдуҳалимов

фил.ф.д., акад. Азиз Қасимов

фил.ф.д., проф. Саидбек Ҳасанов

фил.ф.д., доц. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний

т.ф.д. Маҳмуд Ҳасаний

фил.ф.д., проф. Зоҳиджон Исломов

т.ф.н., доц. Раҳматилла Қори Обидов

т.ф.н., доц. Дурбек Раҳимжонов

т.ф.н. Шовосил Зийёдов

т.ф.н. Нетьматулла Муҳамедов

Абдулазиз Мансуров

Илёс Мирзиётов

Абдурашид Абдуллаев

Ҳамидбек Ҳасанов

Дониёр Муротов

Абдуазиз Солиев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари буйича қўмитанинг 750-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-306-28-8

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2007.

МУҚАДДИМА

Мана, XXI асрга қадам қўйибмизки, диний экстремизм, терроризм ва ақидаларастлик инсоният ҳаётига хавф солишида давом этмоқда. Бундан маънаётдор кучлар ҳам борки, биз уларнинг гаразли ниятларидан доимо огоҳ бўлишимиз лозим.

Одамзодни ҳамиша ташвишга солувчи мазкур салбий иллатларнинг илдишлари, афсуски, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Зеро, мозийда ҳам буюк аллома аждодларимиз уларга қарши курашда сермазмун ва пурҳикмат сўз қудратидан унумли фойдаланганлар.

Маънавиятни тоқсалтириш, хуусан, келажагимиз бўлмиш ёшлар ахлоқини юксак инсоний фазилатлар билан бойитиш давримизнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турган айни пайтда, тарихимиз зарварақларида битилган бебаҳо меросимизни чуқурроқ ўрганиш ва уларни халқимиз эътиборига ҳавола қилиш олимларимиз олдида турган масъулиятли вазифалардандир. Чунки «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»¹.

Амалга оширилган ишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири — таъсирчан ҳикматли сўзлар ёрдамида мутаассиблик ва жаҳолатга қарши кураш, кейинги пайтларда турли бадғараз гуруҳ ва оқимлар томонидан жиҳод, газот, шахидлик каби сўзларнинг бузиб талқин этилаётгани, аслида мазкур тушунчаларнинг илк ислом даврида мамлакатга ташқариладан бостириб келган душманга қарши Ватан ҳимояси йўлида олиб борилган муқаддас жанг ва бу йўлда қурбон

¹ Каримов И.А. *Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур»* жўрнали боши муҳаррирининг саволларига жавоблар // *Тафаккур*. 1998. № 2.

8909

бўлиш тушуниганини асл манбаларга таянган ҳолда кенг китобхоналар оммасига етказишдан иборат. Ҳаттоки, бу сўзлар ўз юртига қарши қилич кўтарган кимсаларнинг қўлида курул бўлмасин. Зеро, жиҳод ва ғазот байроғи остида мамлакат тинчлиги ва осойишталигига раҳна солишга уринаётганларнинг ишлари ислом динида энг қаттиқ жазо ва маломатга лойиқ жиноят ва Яратганнинг ҳузурига улкан гуноҳ эканини аҳдодларимиз қолдирган фикҳий манбалар таъкидлайди. Ўз жонига қасд қилиш бу шахидлик эмас, балки энг катта гуноҳлардан экани Қуръон оятлари асосида ёритилди.

Ушбу тўпламда ислом динининг асл манбалари – Қуръони карим оятлари, Пайгамбаримиз ҳадислари, халқ мақоллари, шу билан бирга юртимиз алломалари ҳамда ислом оламидаги машҳур уламоларнинг диний бағрикентлик, миллатлараро тотувлик, илм-маърифат, эзгу инсоний хислатларни улуғловчи ҳамда диний экстремизм, терроризм, мутаассиблик ва жаҳолатга қарши айтган ҳикматли сўзлари, шеърый мисралари жамланди.

Мавзуга оид Қуръони карим оятларини жамлашда таниқли диний арбоб Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири»² дан унумли фойдаланилди. Шунингдек, ҳадисларни белгилашда ҳам у киши томонидан 1991 йилда таржима қилиниб, чоп этилган икки жилдли «Минг бир ҳадис»³ тўплами асосий ўринни эгаллади. Муайян мавзуларга оид оятлар ва ҳадиси шарифлар Дурбек Раҳимжонов, Дониёр Муротов, Абдуазиз Солиев ва Ҳамидбек Ҳасановлар томонидан саралаб, мажмуага киритилди. Қуръони карим оятларидан иқтибос келтирилганда мухтасар тарзда сура номи ва оят рақами келтирилди (масалан: Бақара, 257, яъни “Бақара” сурасининг 257-оят). Оят маънасида келмаган, аммо уни тушуниш учун зарур шарҳлар қавс ичида берилди.

Ҳадислар, асосан, ишончли тўпламлардан олинди ва соддалаштириш мақсадида уларнинг ровийлари келтирилмади, фақат «Ҳадис» сўзи билан чекланилди.

Ушбу хайрли ишни амалга оширишда юртимизда кўзга

² Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсири муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент ислом университети, 2006. - 624 б.

³ Минг бир ҳадис / Арабчадан А. Мансуров таржимаси. 2 жилдлик.

кўринган олимлар, фан арбоблари самарали меҳнат қилдилар. Жумладан, Алишер Навоий ҳикматлари фил.ф.д., проф. Азиз Қадомов, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб рубоийлар фил.ф.д., проф. Саидбек Ҳасанов, Хусайн Воиз Кошифий ҳикматлари фил.ф.д., проф. Нажмиддин Комилов, Маҳмуд аз-Замахшарий ўғитлари фил.ф.д., проф. Зоҳиджон Исломов, Абу Райҳон Беруний насихатлари фил.ф.д. Баҳром Абдуҳалимов, фикҳий масалаларга оид фатволар Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Хожа Ахрор Валий ўғитлари т.ф.д. Маҳмуд Ҳасаний, Қуръони карим мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамиятига оид қисм т.ф.н., доц. Раҳматилла Қори Обидов, Имом Могуридий ҳикматлари т.ф.н. Шовосил Зиёдов, Абу Лайс Самарқандий тафсиридан олинган маълумотлар Абдурашид Абдуллаев, ибратли ривоятлар ва халқ мақоллари Илёс Мирзиётовлар томонларидан жамланди. Абу Бакр Қафол Шошый ўз даврида саҳиҳ ҳадис тўпламлари ичидан ҳикматли ибораларни саралаб «Жавомибул калим» асарини таълиф этган. Ушбу маърифий-дидактик асардан олинган иборалар, ҳамда Шошлик уламоларга тегишли ҳикматлар т.ф.н. Нёзматулла Муҳамедов томонидан мавзулар бўйича тақсимлаб тайёрланди. Шунингдек, ишда тасаввуфшунос олим, «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали муҳаррири Нёзмат Жабборов маслаҳатларидан унумли фойдаланилди.

Маълумки, Ҳадиси қудсий – маъноси Аллоҳдан, лафзи эса Расулulloҳдан айтилган ҳадислар бўлиб, улар улкан тарбиявий аҳамият касб этади. Шу сабабли тўпламда оятлардан кейинги ўринда Ҳадиси қудсийлардан ҳам унумли фойдаланилди.

Тўламни тузишда юртимизда кўп йиллар давомида жамланган тажрибадан кенг истифода этилди. Магнларда учраган энг мураккаб истилоҳ (термин)лар зарур ҳолларда шарҳлар билан кенгайтирилди. Мазкур тўплам халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, хусусан, ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бу китоб маънавият соҳаси хизматчилари учун ҳам асосий қўлланма бўлиб қолади деган умиддамиз.

Муаллифлар жамоаси ушбу лойиҳани молиявий таъминлаб, уни қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар марказига ўз миннатдорчилигини билдиради.

1. ИСЛОМНИНГ МАЪРИФАТЛАРВАРЛИК МОЪЖАТИ

1.1. Ислом — бағрикенглик дини

«Эй, инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабилалар (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азия) мукарамроғингиз тақводороғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир».

Ҳужурот, 13

«Динда зўрлаш йўқ...»

Бақара, 256

«Дин тўғрисида сизлар билан уришмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас, албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар».

Мумтаҳана, 8

«...Агар Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариятда) қилиб қўйган бўлур эди. Лекин Ўзи берган нарса (шариятлар)да сизларни синаш учун (бир хил қилмади)...»

Моида, 48

«Эй, одам фарзанди, сен ҳузурингга келган менинг меҳмонларимни сийла, мен ҳам ҳузуримга келган сенинг меҳмонларингни (яъни сенга қарашли кишилар вафот этиб келганда) сийлайман».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзандлари, агар менинг раҳматимни яхши кўрадиган бўлсангизлар, бас, мен яратган нарсаларга раҳм-шафқат қилинглар».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, ғазаб келганда мени ёдингга олгил, мен ҳам сени ғазабим келганда ёдимга олурман (яъни ҳалок қиладиган кишиларга сени ҳам қўшиб ҳалок қилмасман)».

Ҳадиси қудсий

«Имоннинг афзали сабр ва бағрикенгликдир».

Ҳадис

«Кимки зиммийга⁴ озор берса, мен унга душмандурман. Менинг душманлигим қиёмат куни бўлур».

Ҳадис

«Менинг вафотимдан кейин яҳудийлар ва насронийлар ўз ибодатхоналарини ҳашамагли қилиб, кўтариб қурганларидек сизлар ҳам масжидларингизни кўтариб қуришга ўтиб кетасизлар деган гумондаман».

Ҳадис

«Масжидларингни пастроқ, шаҳарларингни баландроқ қурилинглар!»

Ҳадис

«Кимки зиммийга зулм қилса, менга зулм қилибди».

Ҳадис

«Бирор қабиланинг улуг кишиси ёки бошлиғи келса, сизлар ҳам уни иззаат-иқром қилинглар».

Ҳадис

«Зиёратингизга келган одамнинг хурматини жойига қўйинглар».

Ҳадис

⁴ Зиммий — мусулмонлар юртида яшовчи бошқа дин вақили.

«Қайси бирларингиз намозда одамларга имом бўлиб қолсангиз, намознинг (қироатини) енгил ўқинг! Чунки улар ичиди ёш болалар, кексалар, заиф кишилар, беморлар ва ҳожатманд кишилар бордир. Аммо ўзингиз якка ўқиганда хоҳлаганча узоқ ўқийверинг».

Ҳадис

«Қайси бирларингда жаҳду ғазаб қўзиса, дарҳол у сукут сақлашга ўтсин!»

Ҳадис

«Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб тик турган пайтда келса, дарҳол ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазаби кетмаса, ётиб олсин!»

Ҳадис

«Қўлингиздаги асирларга яхши муомалада бўлинглар».

Ҳадис

«Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар».

Ҳадис

«Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Аллоҳ таоло қиёмат куни қаттиқ азоблайди».

Ҳадис

«Мўминларнинг афзали савдо-сотихда қўли очикроғи ва бошқалар устидан ва ўзи устидан ҳам бўладиган ҳукмларга рози бўладиганроғидир».

Ҳадис

«Кимки одамларнинг хатоларини кечирувчи бўлса, Аллоҳ унга шундай муомалада бўлади. Кимки афв этувчи бўлса, Аллоҳ таоло ҳам унинг гуноҳларини афв этувчи бўлур».

Ҳадис

«Аллоҳ афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутади».

Ҳадис

«Аллоҳ одамларнинг юзига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирмайди».

Ҳадис

«Ўлим муҳйиш ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз, динрҳол ҳурмат юзасидан ўринларингиздан туринглар».

Ҳадис

«Мен Марям ўгли Исо пайғамбар билан бу дунёда ҳам, охирагда ҳам яқиндирман. Мен билан унинг ўртасида пайғамбар ўтмаган. Пайғамбарларнинг ҳаммаси бир отанинг фирзандларидир, оналари ҳар хил, аммо динлари бирдир».

Ҳадис

«Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Аллоҳдан кўрқиш ва тақво билангина физилагинг зиёда бўлиши мумкин».

Ҳадис

«Тонгла қиёмат куни кимга дўзах ўти ҳаром бўлишини айтмайми?! У ювош, мулойим, яхши муомалали, бир гапга осон келишадиган одамдир».

Ҳадис

«Ислоом, яъни мусулмончилик ошқора нарсадир, имон эса дилда бўлур».

Ҳадис

«Сизларга ва сизларнинг орқаларингизда турган кишиларга башорат (хушхабар) шулки, ҳар ким сиққидидан: «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик берса, жаннатга киргай»⁵.

Ҳадис

«Яхшилиқ эскирмайди, гуноҳ унутилмайди, жазоловчи Аллоҳ эса ўлмайди. Хоҳлаган ишни қил, дийнанинг қандай бўлса, жазоинг ҳам шундай бўлади».

Ҳадис

⁵ Ушбу ҳадис имон қалимасини айтган кишининг мўмин эканлига, уни кофирликда айбаш мумкин эмаслигига далил бўлади.

«Сизлардан олдин ўтган бир одам ҳисоб-китоб қилинади. Қаралса, номаи аъмолида бирорга савоб амали йўқ экан. Лекин ўзи бой бўлиб, камбағаллардаги ҳақларини кечиб юрар экан. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳам: «Кечишга мен лойиқроқман» деб унинг гуноҳларини кечириб юборган экан».

Ҳадис

«Менинг сифатим яхшиликка ёмонлик эмас, яхшилик қайтарилган, қўпол ва бадфеъл бўлмаган, ёмонликни кечирадиган таваккул қилувчи Аҳмаддир».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, сенинг мағфиратинг менинг гуноҳларимдан кенгроқдир, раҳматинг эса менинг амалларимдан умиддироқдир», — деб дуо қилинг!

Ҳадис

«Бир киши одамларга қарз бериб юрар ва хизматчиларига айтардики: «Камбағалларнинг қарзларини кечиб юбораверинглар, шояд Аллоҳ таоло ҳам бизларнинг гуноҳларимизни кечириб юборса!» Шундан кейин у ўлгач, Аллоҳ таоло ҳам унинг гуноҳларини кечиб юборди».

Ҳадис

«Кимки бирор мўмин кишининг айби ёки гуноҳини билиб туриб уни фош этмай яширса, гўё тириклай кўмилган гўдакни тирилтирганчалик савобга эга бўлур».

Ҳадис

«Биродарининг узрини қабул этмаган кишининг гуноҳи судхўрнинг гуноҳи билан баробардир».

Ҳадис

«Кимки (муслмонлар дийрида) сулҳ битими билан яшаётган ғайридинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди. Ваҳоланки, унинг бўйи қирқ йиллик масофадан сезилиб туради».

Ҳадис

«Кимки ғайридинни ҳақорат қилса, қиёмат куни олов қамчи билан урилади».

Ҳадис

«Дин эзгуликка даъват ва ёмонликдан қайтаришдир».

Жавомибул калими

«Ўзи табиатан дилкаш одам бўлса-да, қизиққон дўстга умид боғлама».

Абул Фараж

«Энг оғир ҳақорат сендан ҳеч бир ёмонлик кўрмаган кишининг ҳақоратидир».

Абул Фараж

«Сендан ҳеч қандай мурувват кўрмаган кишининггина мақтови энг дуруст мақтовдир».

Абул Фараж

а) Кечиримлик

«Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўтиринг!»

Аброф, 199

«Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам Аллоҳ таоло қиёмат куни кечирур».

Ҳадис

«Қалбига Аллоҳ таоло инсониятга нисбаган раҳм-шафқат нго этмаган банда энг зиёнкор бандадир».

Ҳадис

«Қийналиб қолган қарздорга белгиланган муддатни узайтирган кишига ҳар куни шу қарз миқдорига садақа қилганнинг савоби ёзилиб туради. Борди-ю белгиланган муддат етгач, яна узайтурса, ҳар куни қарзига икки баробар садақа қилганнинг савоби ёзилиб туради».

Ҳадис

«Биродари билан бир йил аразлашиб юриш унинг қонини тўкиш билан баробардир».

Ҳадис

«Раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди, кечирмаганни кечирилмайди ва бировнинг узрини қабул қилмаганнинг тавбаси ҳам қабул қилинмайди».

Ҳадис

б) Қўл остидаги ходимларга яхши муносабатда бўлиш

«Кимки ўз хизматкорини ноҳақ урса, қиёмат куни ундан қасос олиб берилади».

Ҳадис

«Кимки ходимини йўқ айби билан ноўрин ҳақоратласа, қиёмат куни унга ҳад урилади. Унда бор айби билан ҳақоратланган бўлса, зарари йўқ».

Ҳадис

Яхшироқ Жамшид бўлмоқдин гаделик дайр аро,
Ўзга қилмоқ яхшироқким, ўзгага қилмоқ ситам.

Навоий

1.2. Мехр-мурувват, эзгулик — ҳаёт манбаи

«Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилгувчиларни яхши кўради».

Бақара, 195

«Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир».

Ар-Раҳмон, 60

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур».

Фуссилат, 34

«..Қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош кўшни-ю бетона кўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди».

Нисо, 36

«(У) бўйинни (қулни) озод қилиш ёки очарчилик кунинда (муҳтожга), таом беришдир. Хоҳ (у) қариндош етим бўлсин хоҳ тупроқли (хор) мискин».

Балад, 13–16

«Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрмаган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз».

Нисо, 114

«Парвардигорларнинг «юзини» истаб, (турли мишқақатларга) сабр қилиб, намозларини баркамол адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошқора эҳсон қилган ҳамда ёмонликка яхшилик қайтарадиган зотлар динан ўшалар учун дунё оқибати (жаннат) бордир».

Рабъ, 22

«Албатта, Аллоҳ адолагга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (у) сизларга (доимо) насиҳат қилур».

Наҳл, 90

«(Улар) Аллоҳга ва охираг кунига имон келтирадилар, яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадилар ва хайрли ишлар сари шошиладилар. Айнан улар солиҳ кишилардандир».

Оли Имрон, 114

«Бас, қариндошга ҳаққини адо этинг! Мискин ва мусофирга ҳам. Ана шу Аллоҳнинг «юзи»ни истайдиганлар учун яхшидир! Айнан ўшалар (охиратда) нажоғ толувчилардир».

Рум, 38

«Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар фақат Аллоҳникидир! У ёмонлик (гуноҳ) қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва эзгу амал қилган зотларни гўзал (савоб, жаннат) билан мукофотлагай».

Нажм, 31

«Эй, одам фарзанди, ҳамиша яхши ва эзгу ишларни қилишга одаглан. Зеро, эзгулик жаннатнинг қалитидир. Ҳар ким уни қўлга киритса, жаннатга йўл топган бўлади».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзандлари, нафсларингни тавба ва яхши амал билан иқром ва эҳтиром қилинглар. Бир куни эллик минг йилга тенг бўлган қиёмат келмасидан илгари мендан кўрқинглар ва амалларингни қилиб олинглар».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, агар уйингга меҳмон келмай қолса, Парвардигорга: «Лаянати шайтон ёмонлигидан мени ўзинг сақла», дея илтижо қил».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, барча мол-дунё менинг мулкимдир. Сен қўлимсан. Сенинг қулбанга таклифингсиз келган меҳмон эса, менинг элчимдир. Қўлингдаги ўзим берган неъматларимни қайтариб олиб қўйишимдан кўрқмайсанми?»

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, ўзим берган мол-дунёдан ҳақимга закот ажратиб фарзимни адо этмасанг, фақир ва miskinлар ҳақини ушлаб турадиган бўлсанг, билгилки, мажбуран мол-дунёнгни тортиб оладиган зolimларни юборурман. Улар қўлига ўтиб кетган молинг учун сен ҳеч қачон, ҳеч қандай савоб ололмайсан».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, билгилки, бу дунёда тўплаган бойлигинг меросхўрларга қолади. Ундан емоқ ва ҳузурини кўрмоқ кўпинча бошқаларга насиб бўлур. Унинг ҳисоб-китоби ва надомати эса сенинг бўйинингга тушгай. Қабрда сенга фақат ҳаётлик вақтингда қилган яхши амалларинггина ёрдам бергай».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди! Қайси бандам бирон яхшилик амал қилишга қасд қилса, лекин уни қилмаса, унга (ўша яхшиликни ниёт қилгани учун) бир савоб, агар уни амалга

оширса, мен унга ўн марта ҳасанот – савоб қилиб етти юз маргилгача зиёда қилиб ёзаман. Агар бир ёмонликка қасд қилиб, уни амалда бажо келтирмаса, унга ёмонликни ёзмайман».

Ҳадиси қудсий

«Манзилни сўраганга йўл кўрсатиш ҳам бир яхшиликдир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло айтадики: «Раҳматим ғазабимдан зиёдадир».

Ҳадис

«Одам боласи жаннат амалларини қила бориб, охири аҳли душманлардан бўлиб қолиши ҳам мумкин. Аксинча, одам боласи душманлар амалини қилиб юриб, сўнг аҳли жаннатлардек жаннатий бўлиб қолиши ҳам мумкин. Амаллар охирига қараб белгиланади».

Ҳадис

«Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон умматларимдан қутинглар. Шунда сизлар улардан умид қилган марҳаматларга эришурсизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм умматларимдан экинчор яхшилик қутманглар, зеро, уларга Аллоҳнинг лаянати ёғилиб туради. Эй, Али, Аллоҳ таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадга эришаверади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказурлар. Бу дунёдаги яхши кишилар охиригда ҳам яхшилар қаторида тургайлар».

Ҳадис

«Ўзингизга ёққан нарсани бошқаларга ҳам раво кўринг!»

Ҳадис

«Мўминнинг ўлимидан сўнг ҳам ёзлиб турадиган амаллар – тарқатган илми, қобил фарзанд, мерос қолдирган Курьони, қурган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви, соғлиқ ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир».

Ҳадис

«Харом нарсалардан сақланинг, одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Аллоҳнинг тақсими қилган ризқиға рози бўлинг, одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг, мўмин бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг, мусулмон бўласиз. Кўп қулманг, чунки бу дилни ўлдиради».

Ҳадис

«Аллоҳдан қўрқинг. Яхши ва хайрли амалларнинг бирортасини кичик санаманг, сув сўраган кишининг идишига челагингиздан сув куйиб бериш билан ёки биродарингизни очик юз билан қарши олиш билан бўлса-да эзгулик қилинг».

Ҳадис

«Дўзахдан яримта хурмо садақа қилиб бўлса ҳам сақланинглар! Агар шуни ҳам топа олмасангиз ширин сўзлик билан сақланинг».

Ҳадис

«Аллоҳ таолоға фарз ибодатларидан кейин энг маъқул иш мусулмон кишини хурсанд қилишдир».

Ҳадис

«Кимники Аллоҳ таоло дўст тутса, унга одамларнинг ҳожаглари тушадиган қилиб кўяди».

Ҳадис

«Қачонки бирор гуноҳ иш қилиб қўйсанг, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш ҳам қилиб қўй!»

Ҳадис

«Қачонки бирор ёмон (гуноҳ) иш қилиб қўйсанг, дарҳол бир савобли иш ҳам қилиб қўй!»

Ҳадис

«Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, демак сиз ҳақиқий мўминдирсиз».

Ҳадис

«Одамлар менга айтишмасайди, деган гапни сен ҳам одамларга айтма. Шу ишни менга нисбатан қилмасалар эди дегани ишни уларга нисбатан сен ҳам қилма».

Ҳадис

«Мусулмонлар йўлидан азият берувчи ва зарарли ишларни четладинг».

Ҳадис

«Аллоҳ ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст қилди».

Ҳадис

«Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, уларга одамларнинг ҳожаглари тушиб, ҳузурларига тез-тез келиб турадилар. Бундай кишилар Аллоҳнинг азобидан омонладирлар».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло раҳмдил бандаларигагина меҳрибонлик қилади».

Ҳадис

«Мен лаънат айтувчи эмас, балки раҳмат учун юборилгандирман».

Ҳадис

«Мен мўминларга ўзларидан ҳам яқиндирман. Улардан қайси бири ўлиб, қарз қолдирган бўлса, уни узиш менинг зиммамгадир. Агар мерос қолдирган бўлса, у меросхўрларигадир».

Ҳадис

«Одамлардаги айбларни тапиришдан ўз айбингиз тўсиб турсин. Уларга ўзингиз ҳам қиладиган иш туфайли ғазаб қилманг».

Ҳадис

«Учта сифатга эга бўлган киши айбли ҳисобланур: 1. Ўзидаги айбларни кўрмай, ўзгалардагини кўрса; 2. Ўзида ҳам бор



(айбли) ишда бошқаларни айблаб, устидан кулса; 3. Сухбагдошига азият берса».

Ҳадис

«Васият қилманки, Аллоҳ таолога ҳам махфий ва ҳам ошқора ҳолда тақво қил, агар ёмон иш қилиб қўйсанг, уни ювиш учун яхши, савобли иш ҳам қилиб қўй».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз яхшилиги умид қилинадиган ва ёмонлиги ҳеч кимга тегмайдиганларингиздир».

Ҳадис

«Зақотини адо элувчи, меҳмондўст ва мусибатли кишига ҳамдард бўлган одам бахиллик ва қизганчиқлик иенодидан фориғдир».

Ҳадис

«Бир-бирларингизга ҳадя бериб туринглар, шунда ўзаро меҳр-муҳаббатли бўласиз, қўл бериб сўрашиб юринг, шунда дилларингиздаги гина, адоваг кетади».

Ҳадис

«Бир-бирларингизга совға-салом бериб туринглар, чунки совға-салом муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади».

Ҳадис

«Уч хил сифат бордирки, кимда-ким уларга эга бўлса, Аллоҳ таоло қиймат кунни уни ҳимоя қилиб, ўз жаннатига киргизур: 1) заифлар билан хўшмуомала бўлиш; 2) ота-онага шафқатли бўлиш; 3) қўл остидагиларга ҳимматли бўлиш».

Ҳадис

«Салақа қилган билан банданинг моли камайиб қолмайди».

Ҳадис

«Уч хил нарса бордирки, улар ҳар бир мусулмон зиммасига вожибдир: 1. Беморни бориб кўриш; 2. Жанозада иштирок

этиш; 3. Аксириб «алҳамду лиллоҳ» («Аллоҳга шукур»), деган кишига «ярҳамукаллоҳу ва яшфик» («Аллоҳ сизга ўз раҳмати ва шифосини ато қилсин»), деб жавоб қилиш».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз — узоқ умр кўриш билан бирга яхши амалларда бўладиганларингиздир».

Ҳадис

«Одамларнинг яхшиси — одамларга фойдалироғидир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло раҳмдил, бандаларига меҳрибондир. Сизлар ер юзидаги одамларга меҳрибон бўлинглар, сизларга осмондаги Зот меҳрибон бўлур».

Ҳадис

«Аллоҳга ибодат қил, бирор нарсани унга ширк келтирма ва Аллоҳ учун амал қилганда ўзингни гўёки уни кўриб тургандек ҳис қил. Ўзингни ўликлар қаторида деб ҳисобла. Ҳар бир тош ва дарахтни кўрганда Аллоҳни эсла. Агар ёмон иш қилиб қўйсанг, уни ювиш учун яхши иш ҳам қилиб қўй. Махфий гуноҳингга махфий яхшилик, ошқора гуноҳингга ошқора яхшилик қил».

Ҳадис

«Касал кўргани борувчи одам гўё жаннат боғида юргандек бўлур».

Ҳадис

«Одамлар савоб умидида бозордан кулларни сотиб олиб сўнг озод қилиб юборадилар. Лекин хурларни (озод кишиларни) ҳам ўз яхшиликлари билан сотиб олишлари мумкин эди ва бунинг савоби ҳам кўп эди, бунга улар бепарводирлар».

Ҳадис

«Бетоблигингда сени кўргани келмаган одамни сен бориб кўравер. Сенга ҳадя бермаган одамга сен беравер».

Ҳадис

«Йўлда ётган тикан шохларини олиб ташлаган одамнинг олдинги-ю кейинги гуноҳларини Ҳақ таоло мағфираг қилур».
Ҳадис

«Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди».
Ҳадис

«Бир нарсани қарзга бериш уни садақа қилиб тоборгандан яхшидир».
Ҳадис

«Ҳар бир қилинадиган яхшиликка садақа савоби берилур».
Ҳадис

«Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити мискин фақирларни севишдир».
Ҳадис

«Ёнида кўшниси оч туриб, ўз қорнини тўйгазиб юрадиган одам мўминни комил эмас».
Ҳадис

«Кимки кичикларга раҳм-шафқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у бизлардан эмас».
Ҳадис

«Ўз хизматкорининг ишини енгиллаштиришинг сен учун қиёмат кунни тарозингдagi савобингни кўпайтиришга сабаб бўлади».
Ҳадис

«Вафотидан сўнг надомат қилмайдиган одам бўлмайди. Яхши кишилар бу дунёда хайрли ишларни зиёдароқ қилмаганидан, ёмон кишилар эса ёмонликдан қайтиб тавба қилмаганидан надомат чекадилар».
Ҳадис

«Қайси бир мусулмон бирор экин экса ёки мевали дарахт ўтқаза-ю, улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар еса, бу унинг учун садақа ҳукмида бўлади».
Ҳадис

«Сизлар кимни яхши деб баҳоласаларингиз унга жаннат вожиб бўлур. Кимни ёмон деб агасаларингиз, унга дўзах вожиб бўлур. Зеро, сизлар Аллоҳ таолонинг Ердаги гувоҳларидирсиз».
Ҳадис

«Кимки дуоларим ижобат бўлсин, ташвишларим бошимдан арисин деса, камбағаллар ҳолидан хабар олсин».
Ҳадис

«Кимки чумчүқдек қушни сўйишда ҳам ўз раҳмдиллигини кўрсатган бўлса, Аллоҳ таоло бундай кишига қиёмат кунни ўз меҳрибонлигини кўрсагади».
Ҳадис

«Қаровсиз қолган мусулмон оилаларига кеча-ю кундуз моддий ёрдам кўрсатиб юрувчи одамнинг гуноҳларини Аллоҳ таоло кечириб тоборади».
Ҳадис

«Кимки кўзи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган бўлса, унинг жаннатга кириши муқаррардир».
Ҳадис

«Кимнинг ёш гўдаги бўлса, унга гўдакларча қилиқ қилиб эрқалатсин!»
Ҳадис

«Кимки бировга пул қарз берса ёки сут эҳсон қилса, ёки адашган одамни йўлга солиб қўйса, гўё бир қулни озод қилганчалик савобга эга бўлур».
Ҳадис

«Кимки ўзаро муомалада қаттиққўллик қилса, ҳалокатга юз тутади».
Ҳадис

«Кимки бошқаларга раҳму шафқат қилмаса, ўзига ҳам ҳеч ким раҳму шафқат қилмайди».
Ҳадис

«Одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган киши-одамларнинг яхшироғидир».

Ҳадис

«Бир киши йўлда ётган тиканни кўриб, буни йўлдан олиб қўйиб, бирор мусулмонга зарар қилмасин деб, олиб қўйгани учун унинг гуноҳи кечиради».

Ҳадис

«Одамларнинг яхшироғи одамларга фойда етказадургандир».

Ҳадис

«Кимки бир мусулмон биродарининг дунёвий бир гам-ташвишини кўтаришга ёрдамлашса, кимки дунё ишларидан қўйинчиликка, машаққатга учраган, қийналиб турганга ёрдамлашиб, унинг машаққатини енгилатса, кимки бир мусулмоннинг айбу нуқсонини, гуноҳларини яширса, ошкор қилмаса, Аллоҳ ҳам бу банданинг гуноҳ, хато, камчиликларини ошкор қилмас, яширар, мукофоти ўлароқ ҳар икки дунёда айблари очилиб қолишидан паноҳ топади».

Ҳадис

«Меҳмон кутиш (зиёфат)нинг муддаги уч кундир. Ундан ортиғи садақа ҳисобланади, бировга қилинган ҳар бир яхшилик ҳам садақадир».

Ҳадис

«Қалблар яхшилик қилган одамни севиш ва ёмонлик қилган одамни ёмон кўриш туйғусида яратилган».

Жавомибул калим

«Эзгулик – одат (домий қилинадиган иш) ва ёмонлик махфий қилинадиган амалдир».

Жавомибул калим

«Ҳар бир яхшилик садақадир»⁶.

Жавомибул калим

«Садақа ёмон ўлимни қайтаради».

Жавомибул калим

«Садақа қилувчи киши одамлар ўртасида ҳукм этиладиган кунгача (қиематгача) садақасининг соясида (паноҳида) бўлади».

Жавомибул калим

«Садақа сув оловни ўчирганидек хағони (гуноҳни) ўчиради».

Жавомибул калим

«Эзгу амаллар ёмон ҳалоқатдан асрайди».

Жавомибул калим

«Бу дунёда яхши ишларни қилувчилар охирагда ҳам ихшиликнинг эгаларидурлар».

Жавомибул калим

Билким, Комил инсон шарият, тарихат ва ҳақиқат даражаларини тўлиқ эгаллаган одамдир. Агар бу иборатни тушунмасанг, бошқа иборат билан айтмай: билпилким, Комил инсон бўлиш учун кишида тўрт сифат камолга етган бўлиши лозим, яъни: эзгу сўз, эзгу феъл (фаолият), эзгу ахлоқ ва маориф. *Насафий*

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату исъмагларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз. *Замахишарий*

Авалл қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, (чунки қуш) қанотдаги кичик пағлари катта пағларига мадаққордир. *Замахишарий*

Одамларнинг энг азиз ва хурматлилари қайғу, ҳасрату ташвиш дамларида билинур, гўёки бу ташвишлар улар (хурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир. *Замахишарий*

⁶ Садақа – чин дилдан қилинган савобли эзгу амал.

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин,
чунончи, Жавзо юлдузи ботгандан кейин Шихара
юлдузининг порлаши гўзалдир.

Замахширий

Хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб,
кейин қиларман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан
урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок
билан иш тут.

Замахширий

Кишининг донороғи ул кишидурки Худойи таолодин гофил
бўлмаса, ўлимни ўзига ёвуқ (яқин) билса ва мардумга (халққа)
яхшилигини ва мардунни онга қилган ёмонлигини унутса.

Хожа Аҳрор

Мардлик улдурки, ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига
яхшилиқ қил! Ва ҳар ким сандан узулса, ёпишгил! Ва ҳар
ким сани ноумид қилса анга эҳсон қил!

Хожа Аҳрор

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгуларни шод
қилмағай, ўлганидин сўнг ани кимса дуо билан ёд
қилмағай.

Навоий

Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак эрур.

Навоий

Яхшилиқни билмасанг, бори яхшиларга кўшул.

Навоий

Яхшилиқ теграсида уйрула олмасанг, яхшилар теграсида
уйрул.

Навоий

Яхшилиқ қила олмасанг, бори ёмонлиқ ҳам қилма.

Навоий

Савоатсиз киши — ёгинсиз абри баҳор
Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёгинсиз
Булут ҳамону тутун ҳамон. Саҳосиз киши бирла
Ганҳарсиз садафнинг бир хукми бор.

Навоий

Киши молдин неким баҳра олди анингдур, ҳар неким
асради ўзанинг. Заҳмат билан топқонингни ўзингдин ама
ни меҳнат била йиққонингни дўстлар била баҳам кўр,
душманлар учун асрама.

Навоий

Боримизни меҳр дастурҳонига ҳозир айладик,
Гарчи арпа нонию сиркодин ўзта нарса йўқ.

Кошифий

Ёвузликдан эзгуликни ажрата оладиган киши эмас, балки
икки ёвузликнинг енгилроғини фарқлай биладиган
кишигина ақлйдир.

Ал-Хоризий

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Бобур

Ички яралар дардидин ҳазар қил!
Чунки ички яра ахир юзага чиқади.
Қўлдан келганча бир дилга озор берма!
Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.

Бобур

Сен ўзингга ёмонлик қилувчини турмуш хукмига ҳавола
қил. Турмуш сенга ўч олиб берувчи хизматқордир.

Бобур

Пояй ҳимматни баланд айлагил,
Риштайи жонингни каманд айлагил!

Бобур

Зоҳиру ботин алаб маръий тут,
Беадаблиқ равишу раҳин унут!

Бир адабни гар киши тарк қилур,
Ушбу эл кўнглидин ул тушгусидур.

Бобур

Дунёдаги барча неъматлардан фақат яхши ном қолади,
Ҳатто шунга ҳам қолдирилмаган одам бахтсиздир.

Саъдий

Тирик улки, ундан кейин қолса жой,
Ҳовуз, кўлу кўприк-ла, қарвонсарой.

Саъдий

Агар сен ўзгаларнинг қайғусига лоқайд қарасанг, инсон
деган номга нолайиқсан.

Саъдий

Агар қайси ерда ғариб хўрланур,
У хил мамлакат тезда вайрон бўлур.

Саъдий

Яхшилар кегидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

Саъдий

Ким ёвузлик уругини сепса — пушаймонлик йигар.

Саъдий

Ёмон ҳам ўтар, яхши ҳам — яхши бил,
Сени яхши ном бирла ёд этсин эл.

Саъдий

Бўлак яхши ном истама, шул етар —
Сени яхши одам деса эл агар.

Саъдий

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолеуси яхши ному иши.

Саъдий

Яхши хулқли бўлгил ҳамда соф кўнгли,
Одамларга доим инсофли бўлгил.
Бу меҳнатхонада яхши-ю ёмон
Учрайди, яхшилиқ қилавер ҳамон.

Жомий

Сахий дема саховатига
Бирор талаб қўйса гар одам.
Сахийликмас, бу савдогарлик,
Бунда йўқдир шараф ва қарам.

Жомий

«Агар мурувват нима, деб сўрасалар фугувват тариқатнинг
бир қисми бўлганидай, мурувват фугувватнинг бир
қисмидир, деб айт».

Кошифий

Яхшилик ерда қолмас (ҳикоя):

Бир ари сув устида учиб борар эди. Бирдан сувга йиқилиб
кетди. Қанолари хўл бўлиб, учарга кучи етмади. Буни бир кабутар
кўриб, арига раҳми келиб, дарҳол бир чўпни тишлаб, сувга
ташлади. Бечора ари бу чўпни кема қилиб, сув балосидан қутулди.

Орадан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўйиб, кабутарни
тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келиб, боланинг
қулогини чақди. Бола оғриқнинг алаmidан тузоқни ташлаб,
қулогини ушлади. Кабутар вақтни ганимат билиб, учиб кетиб
тутқунликдан қутулди.

а) Хайру саховат

«Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз
қўлларингиз (бахилигингиз) билан ўзларингизни ҳалокаатга
ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз».

Бақара, 195

«Садақаларингизни агар ошқора берсангиз, жуда яхши.
Борди-ю, камбагалларга пинҳона берсангиз — ўзингиз учун
янада яхшироқдир ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ
қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир».

Бақара, 271

«Эй, одам фарзанди, ҳамиша овқатланишга ўтирганингда, қорни оч бечоралар ҳам эсингда бўлсин. Шунда Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилишинг осонроқ бўлади».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, қачон бемор бўлсанг, ўзингни садақа бериш билан давола».

Ҳадиси қудсий

«Аллоҳ таоло қиёмат куни айтади: «Эй, инсон фарзанди! Бетоб бўлдим, Мени келиб кўрмадинг». У одам айтади: «Эй, Раббим, Сен бутун оламнинг Парвардигори бўлатуриб, мен сени қандай кўришим мумкин эди?» Аллоҳ айтадики: «Фалончи одамни бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар борганингда унинг олдида Мени топган бўлур эдинг! Эй, инсон фарзанди! Ўзинг овқатландинг, аммо Мени йўқламадинг». Одам айтади: «Эй, Раббим, сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-у, мен сени қандай овқатлангиршим мумкин эди?» Аллоҳ айтади: «Фалон бандам овқат сўраб олдингга борганида, сен унга таом бермадинг. Агар таом борганингда эди, унинг ҳузурида Мени топган бўлур эдинг». Аллоҳ айтади: «Эй, инсон фарзанди, мен сендан сув сўрадим, сув бермадинг». Одам айтади: «Эй, Раббим, сен бутун оламнинг Парвардигори бўлсанг, мен сенга қандай қилиб сув беришим мумкин эди?» Аллоҳ айтади: «Фалон бандам сув сўради, сен унга сув бермадинг. Агар борганингда эди, Мени унинг ҳузурида толар эдинг».

Ҳадис

«Нафақа ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳлу аёлингга бер. Агар яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга бер. Улардан ҳам ортса, бошқаларга бер».

Ҳадис

«Аллоҳ наздида таомларнинг энг маҳбуби кўпчиликнинг кўли билан ейладиган таомдир».

Ҳадис

«Ўт-ўчоғига яраб турган ходими ўз хўжайинига таом тайёрлаб келганда уни ўзи билан бирга (овқатга) ўтқизсин. Агар бирга ўтқизмаса, бир-икки ошам насиба узагиб юборсин».

Ҳадис

«Одамларга таом едиринглар ва ширин сўз бўлинглар».

Ҳадис

«Садақанинг афзали соғлом вақтда, қизганчиқлик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолингиздаги қилган садақангиздир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз халқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур».

Ҳадис

«Садақанинг афзали етарли бойлиги бўлатуриб қилинадигандир (яна бир ривоятда: Садақанинг яхшиси уни қилгандан кейин ҳам яна ўзида қоладиганидир). Пастлаги (олувчи) қўлдан юқоридаги (берувчи) қўл яхшидир. Хайру садақани ўз оилангиздан бошланг».

Ҳадис

«Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир».

Ҳадис

«Саҳий кишининг хатоларини кечиринглар, чунки Аллоҳ таоло ҳар бир қоқинганида уни қўлдан тутиб туради».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло саҳийдир, саҳийларни дўст тугади. Ахлоқи олий кишиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди».

Ҳадис

«Никоҳ тўйида қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфағ бер!»

Ҳадис

«Гўйда мискинлар қолиб, фақат бойларгина еб кетадиган таом ёмон таомдир».

Ҳадис

«Уйларига меҳмон қўнмайдиган кишилар ёмон одамлардир».

Ҳадис

«Бетобларингизни садақа билан даволанглар».

Ҳадис

«Пашша қанотичалик нарса бериб бўлса-да, гадойни куруқ қайтарма».

Ҳадис

«Сахийлик бамисоли жаннат дарахтларидан биридир. Унинг шохлари дунёга осилиб тушиб туради. Кимки шохларидан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб боради. Бахиллик эса дўзах дарахтидир. Унинг шохлари дунёга чиқиб туради. Кимки шу шохлардан бирини ушласа, уни дўзахга бошлаб боради».

Ҳадис

«Таомларнинг ёмони қорни очларни қолдириб, қорни тўқларга берилган зийфатдир».

Ҳадис

«Пинҳона қилинган садақа Аллоҳнинг газабини сўндиради».

Ҳадис

«Садақа хор бўлиб ўлишдан сақлайди».

Ҳадис

«Сахий кишининг таоми шифодир, бахил одамнинг таоми эса касалликдир».

Ҳадис

«Муҳаммад Мустафога бирор қавм садақа келтирса: «Эй, Парвардигор, фалончининг оиласига ўз раҳматингни нозил эт!» – деб дуо қилиб қўяр эдилар».

Ҳадис

«Киши ҳаётида бир дирҳам садақа қилгани ўз ўлими олдидан юз дирҳам садақа қилганидан афзалдир».

Ҳадис

«Кимки бирор мусулмон биродари ёқтириб турган таомни тайёрлаб унга едирса, Аллоҳ таоло бундай кишини дўзахдан омон қилур».

Ҳадис

«Жаннатга кириб унинг дарвозасида: «Садақага ўн савоб, қарз берганга ўн саккизга савоб» деган иборани кўрдим. Шунда мен ҳамроҳимдан сўрадим: «Эй, Жаброил дўстим, нега садақага ўнга, қарзга ўн саккизга савоб берилур?» Жавоб бердики: «Садақа бо-ю камбағал қўлига тушаверади. Қарз эса фақат муҳтож одам қўлига тушади».

Ҳадис

Одамнинг сирти-ю ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузуқ бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва салим бўлур.

Замахиарий

Қайсики молу мулкнинг закоти бажо келтирилса (берилса), унинг хайру баракати кўп бўлади.

Замахиарий

Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эхсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир.

Замахиарий

Саховат (ҳикоя):

Ҳотамнинг тим қора, учқур оти бор эди. Отнинг учқурлиги олдида ҳатто шамол ҳам худди чанг каби ортга қолар экан. Кишнаши эса момоғулдиракка ўшармиш.

Ана шу отнинг донги Рум подшоҳининг қулоғига етибди ва отта ҳаваси келиб: «Уни Ҳотамтойдан сўрасам, менга берармикан?» – деб вазирига маслаҳат солибди. Доно вазир: Ҳотам сахийдир, у мурувват қилиб, сизга отини берса керак. Агар бермаса, унинг шуҳрати пуч, ёлгон бўлиб чиқади», – дебди.

Подшоҳ билимли, ақлли бир одамга ўн кишини қўшиб, Ҳотамнинг уйига юборибди. Улар Ҳотамнинг уйига зўрға

«Довон ошиш, яъни буюк савобли ишлардан бири) қариндош етим(та таом беришдир)».

Балад, 15

«Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайдурлар».

Нисо, 10

«Эй, одам боласи, ғарибларга паноҳ бўлгин, яқин қариндошлар билан алоқа қилгин, гадоларни юпагин (ҳолига мадад бўлгин), мусибат еганга меҳрибонлик қилгин, етимни хурмагла ва унга меҳрибон огадек бўлгин. Ким мана шу сифатга бўлиб, мандан дуо қилиб сўраса, албатта, уни ижобат қиламан (тилаганини бераман)».

Ҳадиси қудсий

«Қалбинг мулоим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳайсанми? Хоҳдасанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошларини сила, ўз таомингдан едир, шунда дилинг эриб, ҳожатинг раво бўлур».

Ҳадис

«Аллоҳнинг наъидида уйларнинг яхшироғи етимлар иззат қилинадиган уйдир».

Ҳадис

«Таомларнинг ёмони етимлар молини емоқликдир».

Ҳадис

«Икки заиф тойфа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан».

Ҳадис

«Мен етимнинг кафилигини олган одам билан мана шу икки бармоғимдек жаннатга бирга бўлурмиз».

Ҳадис

«Кимки ўзининг ёки бировларнинг етим болаларини то вояга етиб мустақил ҳаёт кечирадиган бўлунларича тарбия қилса, унга жаннат муқаррардир».

Ҳадис

етиб келишибди, чунки бу пайт қаттиқ бўрон бошланган экан. Ҳотам меҳмонларни очик чехра билан кутиб олиб, от сўйиб, дастурхонга бор ноз-неъматларини кўйиб, уларнинг дилини хушчуд этибди. Рум элидан келган меҳмонлар эртаси кунни эрталаб Ҳотамга подшоҳ унинг отини сўрагитириб юборганини айтишибди.

Ҳотам паришон бўлиб қолибди ва бармоғини афеус билан тишлаб: «Нима учун олдинроқ менга бу ҳақда айтмадингиз. Кеча кучли бўрон туфайли қўрага бориб кўй ёки от олиб келишнинг иложи бўлмади, шунинг учун мен ана шу учқур отимни сўйган эдим. Менимча, мурувват эмасди шу он қараб турсаму, ётса оч меҳмон», — дебди.

Меҳмонлар кетар пайтида Ҳотам уларга турли совга-саломлар бериб, хайр-хўшлашибди. Улар ўз ватанига етиб бориб, бўлган воқеани шоҳга айтиб беришибди. Шоҳ Ҳотамнинг саҳийлигига қойил қолибди.

б) Етимларга яхшилик қилиш

«То вояга етунича етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан (яқинлашишингиз мумкин)»⁷.

Анбом, 152

«Етимнинг молига, то у вояга етунича, яқинлашманглар, илло чиройли йўсинда бўлса майли...»

Исро, 34

«... Сиздан, шунингдек, етимлар тўғрисида сўрамоқдалар. Айттинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизга) уларнинг молларини қўшиб юборсаларингиз (зарари йўқ), зеро, улар (бамисоли) ўз биродарларингиздир. Аллоҳ бузғунчи билан ислоҳ этувчини (фарқини) билади...»

Бақара, 220

⁷ Уламолар «Чиройли йўл билан етимнинг молига яқинлашиш» деган сўзни сангирлар қўлида қолган бойлик беҳуда сарф бўлиб кетмаслиги ёки ишлатилмай турган мол сифатида закотга тўланаб, улар баалога тга етгунича тўғаб қолмаслиги учун бу бойликни вақтинчалик ишлатиб туриш ёки савдо-сотиққа жалб этиш мумкин, деб тафсир қиладилар. Бунда етимларнинг мазкур молларини имкон бўлса, фойдаси билан уларга қайтариш мақсад қилинган бўлиши шарт.

6) *Тилга эътибор — элга эътибор*

«(Эй, Мухаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳилоят топганларни ҳам У билувчироқдир».

Наҳл, 125

«(Садақа бермасдан) яхши гап (қилиш) ва (бера олмагани учун) кечирим (сўраш) кетидан озор етказиладиган садақадан яхшироқдир. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир».

Бақара, 263

«Эй, имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охираг кунига ишонмайдиган (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!..»

Бақара, 264

«Эй, одам фарзанди, агар дилингда қаролик, баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгинки, буларнинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан».

Ҳадиси қудсий

«Мен бандамнинг гумонидаман, истаганича гумон қилаверсин. Мен сен билан биргаман. Агар мендан яхшиликни гумон қилсанг, яхшилик бўлади. Ёмонликни гумон қилсанг, ёмонлик бўлади».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам боласи, сукут сақлашлик билан мендан тансиҳатлик, хотиржамликни сўрагин».

Ҳадиси қудсий

«Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар».

Ҳадис

«Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни кўп бўлур»..

Ҳадис

«Ҳагаларнинг каттаси ёлгончи тилдир».

Ҳадис

«Ғийбатчилик Аллоҳ наздида гуноҳ ишлардандир».

Ҳадис

«Аллоҳ ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради».

Ҳадис

«Одамларни кулдириш учун ҳар хил беъмани гапларни гапирган киши Аллоҳ таолодан узоқлашади».

Ҳадис

«Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат».

Ҳадис

«Мен ҳам ҳазил-мутоййба қиламан, лекин фақат ҳақ гапни сўзлайман».

Ҳадис

«Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан!»

Ҳадис

«Барча бало тилдандир».

Ҳадис

«Кишининг гўзаллиги унинг тилидан билинур».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз хушхулқ, ширин сўхбатлиларингиздир. Ёмонларингиз эса оғзини тўлдириб, эзмалик ила кўп гапирувчиларингиздир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло тилини тузатган кишига раҳм-шафқатлидир».

Ҳадис

«Ўз мақомида сўзлаб, фурсатни ганимаг билган, ўринсиз сўздан сақланиб саломаг юрган кишига Аллоҳ таоло раҳму шафқат қилсин».

Ҳадис

«Қиёмат кунда одамларнинг паст даражалиги шу дунёда унинг ўзи ёки тилининг ёмонлигидан одамлар қўрқиб юрадиганидир».

Ҳадис

«Гийбат-биродаринг ёқтирмайдиган сўзлар билан у тўғрида гапиришликдир».

Ҳадис

«Мен мажоз билан сўзлашга буюрилдим, чунки ташбих ва мажозли гап яхшидир».

Ҳадис

«Ҳар кимдаги мулойимлик ҳар бир нарсага зийнат беради. Қайси нарсада у бўлмаса, у нарса бўзилади».

Ҳадис

«Кишининг бемаъни гаплардан тилини тийиши унинг мусулмончилиги нақадар чиройли эканлигидан дарак беради».

Ҳадис

«Кимки гапирётган гапларини ҳам номаи аъмолига ёзилдиган амалларидан деб ҳисобласа, бемаъни гаплардан тилини тийишга ўтади».

Ҳадис

«Кимки бировни ўз номи ўрнига бирор лақаб билан чақирса, уни фаришталар лаънатлайдилар».

Ҳадис

«Биров ҳақида гапирсанг, фақат яхшилигини гапир».

Ҳадис

«Икки жаҳинг ва икки оёғинг орасидаги аъзоларингни сақлагин».

Ҳадис

«Ширин сўз — садақадир».

Жавомибул калим

«Мулойимлик донишмандликнинг бошидир».

Жавомибул калим

«Тилидан бошлаб ислоҳ қилган одамни Аллоҳ раҳмат қилсин!»

Жавомибул калим

Агар тилингни ортиқча сўзлашдан қайтара олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан.

Замахиарий

Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.

Замахиарий

Тилингда чикқан садақа (яъни панду насихатинг ва мавъиза-ю ҳасанинг) баъзан қўлингдан чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

Замахиарий

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай гойиб бўлганида унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиларлар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбагидан сергакланиб хулфёр торгарлар.

Замахиарий

Ёзилган китоб нусхасининг тўғрилиги кўз қорачиғининг боққанига боғлиқдир, ривоятнинг инобатлиси (ишончлиси) эса сероб сувдан ҳам ортиқроқ қондирар.

Замахиарий

Мисвоқлар билан оғзингни тозаладинг, кошки энди бундан кейин сен оғзингни (тилингни) бўҳтон, ёлгон, гийбат сўзларни айтиш билан булғамасанг.

Замахиарий

Тилга ихтиёрсиз — элга эълиборсиз.

Навоий

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.

Навоий

Сўзни кўнгулда пиширмагунча тилга келтурма,
Ҳар неким кўнгулда бор — тилга сурма.

Навоий

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалидин
сўз бил.

Навоий

Оқил чин сўздин ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам
демак оқил иши эмас.

Навоий

Сихҳат тиласанг, кўп ема,
Иззаг тиласанг, кўп дема.

Навоий

Оз сўз ҳам ўткурдур — захри
Муҳлиқдур агарчи миқдори ўксукдур.

Навоий

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки аёғр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

Навоий

Тил тиеги билан гуноҳсиз кишига озор бериш — соғ қон
томирга ништар уриб нобуд қилишдир.

Навоий

Ул адабдурки, яхши ва ямонга, улуг ва кичикка баҳо
келтирурлар. Андоққи, барча халойиқдин ўзларин кичик ва
камроқ тутарлар ва барчага хизмат хузурида бўлурлар. Ҳаттоки,
ўз фарзандларига, ходим ва мамлукларигаки, ҳар неча алардан
беқойдалиг қўрсалар, хушунат била аларга сўз демаслар, балки
насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар.

Навоий

Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.

Навоий

Оғизга келганини демак нодоннинг иши,
Олига келганини емак ҳайвоннинг иши.

Навоий

Сергап бўлма, негаки, сергаллик шундай бир бўшлиққа
ўқшайдики, унда қоқиладиган тошлар ҳам кўл.

Абул Фараж

Дарддай оғуси бор сўзни демагил,
Ҳазил бўлганда ҳам оғринади дил.

Абу Шукур

Сўз — гул, иш — мева.

Ал-Хоризий

Одам тили билан ҳайвондан устун, аммо тилдан ножоиз
фойдаланса, ҳайвондан багтар.

Саъдий

Оқиллар наздида гар жим ўлтириш одобдир,
Маслаҳат ташлаганда сўзга кўрсатгил ҳиммат.
Икки нарса ақлга ситмайди агар билсанг,
Сўзлаш пайти сукуту кераксиз жойда суҳбат.

Саъдий

Тоқим бирорта сўз дегунча инсон,
Айби-ла хунари барчадан пинҳон.

Саъдий

Ширин сўзли шилгай душман пустини,
Дағал сўзли душман қилар дўстини.

Саъдий

Сўзлаганинг кумуш бўлса, сукут қилганинг олтин.

Халқ мақоли

Аввал ўйла, сўнг сўзла.

Халқ мақоли

Берган дорим шифо бўлади десанг, хапо қиласан. Даво, аввало, ширин тил, хушмуомала, қулгу-табассум билан қилинади. Бемор қўпол бўлса, табиб мулойим бўлиши, бемор заҳар бўлса, табиб ширинзабон бўлиши, бемор ноумид бўлса, табиб умидли бўлиши, бемор хўмрайса, табиб қулиши керак. Табибда шулар бўлмаса, у табиб эмас, балки ўлимни яқинлаштирувчи бир кимсадир.

Ибн Сино

Агар тариқатнинг руқни — устунни нима деб сўрасалар, хос сўзни хос жойда хос кишиларга айтиш, деб айт. Агар тариқатнинг сужуди (сажалари) нима деб сўрасалар, чуқур маъноли, ҳаммага маъқул сўзларни гапириш ва жавонмардлар билан дўстлашиш, деб айтгин.

Қошифий

г) Адолатли бўлишга чақирув

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур».

Наҳл, 90

«...Адолат қилинглр! Зеро, Аллоҳ адолатлиларни севар».

Ҳужурот, 9

«Одамларга нарсаларни камайтириб берманглр ва ер юзида бузғунчилик тарқатиб юрманглр».

Шуаро, 183

«Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо эпингиз! Ҳеч бир жонни тоқатидан ташқарисига тақлиф (амр) қилмаймиз. Гапирганингизда (гувоҳ сифатида) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам, адолатли бўлинг! Аллоҳнинг (олган) аҳдига эса вафо қилинг. Эслатма олишларингиз учун (Аллоҳ) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир».

Анъом, 152

«Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўз зиёнигадир. Раббингиз бандаларга зулм қилувчи эмасдир».

Фуссилат, 46

«Бас, кимки дунёда зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат кун)и уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрар».

Залзала, 7—8

«Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ни одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир».

Нисо, 58

«Қайси бирларингга қозилик лавозимини ўташлик тўғри келиб қолса, жаҳлу ғазоби келганда ҳукм чиқармасин, хусумат билан келганларга қарашда, уларни ўтқозишда ва уларга имо-ишорат қилишликда баробар бўлсин».

Ҳадис

«Бир кишининг иккита хогини бўлса-да, уларга адолат ила бир хил қарамаса, қиёмат кунни танасининг ярми йўқ ҳолда гўрдан қўпгай».

Ҳадис

«Агар уч киши бўлсанглр, иккиталарингиз алоҳида учинчи шахсга эшиттирмай пичирлаб гаплашманглр, чунки бу уни ранжитади. Одамларга аралашиб кетсанглр, унда гаплашсанглр жоиэ».

Ҳадис

«Одамларга шукур қилувчилар худога ҳам шукур қилувчилардир».

Ҳадис

«Беш хил хислатга сизлар кафил бўлинглр, токи мен ҳам сизлар учун жаннатга кафил бўлай: 1. Меросларингизни

тақсимлашда бир-бирларингизга хиёнаг ва зулм қилманглар.
2. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинглар. 3. Душманлар билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар. 4. Тушган ўлжа тақсимотида хиёнаг қилманглар. 5. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳаққини ундириб беринглар!»

Ҳадис

«Одамларни ўзларига муносиб жойларга ўтқазинглар».

Ҳадис

«Аллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингизга баробар меҳрда бўлинглар! (Уларнинг кийимлари ва таомларини баробар тақсим қилинглар)».

Ҳадис

«Ер юзида битта жиноятга берилган (адолатли) жазо ер аҳли учун қирқ кун ёмғир ёққанидан афзалдир».

Ҳадис

«Икки хил қозилар борки, улар дўзахга маҳкумдирлар. Яна бир хиллари эса жаннатийдирлар. Ҳақни билиб, ҳаққоний ҳукм чиқарадигани жаннатийдир. Ҳақни билсада, ноҳақ ҳукм чиқарадиган ёки умуман илми йўқ бўлатуриб, ўз раъйича ҳукм чиқарадиган қозилар дўзахийдирлар».

Ҳадис

«Заифлари кучлиларидан ҳақларини ундириб ололмайдиган халқни Аллоҳ таоло қандай улуғласин!»

Ҳадис

«Кимки турли воситачилар орқали қозилик мансабини эгаллаган бўлса, у ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бордию ўзи хоҳамаса-да, уни мажбуран қози қилиб қўйилса, Аллоҳ таоло унинг сўзларини тўғрилаб турувчи ёрдамчи бир фаришгани ҳамроҳ қилиб қўяди».

Ҳадис

Агар футуwwат аҳлининг хислатлари нечта, деб сўрасалар, ўнга деб айтгин: биринчиси – ҳақ субҳонаху таолога сидқи дилдан ибодат қилиш, иккинчиси – халқ билан муомалада

инсоф-адолат кўрсатиш, учинчиси – ўз нафсига қаҳр қилиш, туртинчи – улуғларга ҳурмат, бешинчиси – кичикларга шафқат кўрсатиш, олтинчиси дўстлардан насиҳатни аямаслик мп улар маслаҳатига қулоқ солиш, еттинчиси – уламоларга тиновули бўлиш, саккизинчиси ҳикмат аҳли билан мулоим муомала қилиш, тўққизинчиси душманларга саховат кўрсатиш, ўнинчиси – жоҳиллар олдида сукут сақлаш. Агар футуwwатни нима билан қиёсласа бўлади, деб сўрасалар, ток дарахти билан деб жавоб бер. Футуwwат билан дарахт орасида қандай ўхшашлик бор, деб сўрасалар, дегилким, дарахтда тана, пўстлоқ, илдиз, шоху барг ва гулу мева бўлгандай, футуwwатнинг ҳам танаси, илдизи, пўстлоғи, шохи ва гулу меваси бор. Агар буларнинг ҳар бири нимадан иборат деб сўрасалар, жавоб бериб айтким, футуwwат дарахтнинг илдизи, яъни унга қуwwат бериб яшнатадиган, гул ва мева келтирадиган асл манба – пок муҳаббатдир. Ушбу дарахтнинг танаси – тавозу, шохлари – сабру тоқат, япроқлари – парҳез, пўстлоғи – одоб ва ҳаё, гуллари – хушфеллик ва марҳамат, меваси – қарам билан саховатдир.

Кошифий

д) Омонатдорлик

«Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир».

Нисо, 58

«Аллоҳнинг (олган) аҳдига вафо қилинг...»

Анъом, 152

«Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнаг қилган кишига ҳам сиз хиёнаг қилманг!»
Ҳадис

«Омонатни сақлаб, вақтида қайтариш кишининг ризқини зиёда қилади. Омонатга хиёнаг қилиш эса, қашшоқлик келтиради».

Ҳадис

«Берилган нарсани бунорилган жойига розилик билан тўлиқ ҳолда берадиган ишончли мусулмон хазиначи ўз ёнидан садақа қилган билан баробардир».

Ҳадис

«Ваъдага вафодорлик имондандир».

Ҳадис

«Икки кишининг бирга ўтириб қилган суҳбатигадаги гаплари омонатдир. Суҳбат курган кишилар Аллоҳ таолонинг омонати билан тарқалгайлар. Суҳбатдошининг сирини фож қилиш ҳаромдир».

Ҳадис

«Қарзини узмай дунёдан ўтган одам то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади».

Ҳадис

«Киши вафо қилиш ниятида ваъда берган бўлса-ю, уни бажара олмаса, бу ваъдага хилоф қилгани бўлмайди. Аммо вафо қилмаслик нияти билан ваъда қилса, бу айни хилоф (ваъдага вафосизлик)дир».

Ҳадис

«Раҳбарлик қилувчи гўё қарздор одамдекдир. Яъни масъулиятни доимо ҳис этиши зарур».

Жавомибўл калим

«Ўтиришлар ишонччиларга боғлиқдир (уларда айтилган сўзларнинг сир сақланишига боғлиқ)».

Жавомибўл калим

«Бир одам бир сўзни айтиб бўлганидан сўнг у ёқ-бу ёққа қараб қўйдими, демак унинг сўзи (эшитувчи учун) омонатдир».

Жавомибўл калим

«Маслаҳат сўралувчи киши омонат сақлагувчидир (ишонч билдирилган одамдир)».

Жавомибўл калим

«Ишонч қозониш (омонат сақлай оладиган бўлиш) бойликдир».

Жавомибўл калим

«Омонатга хиёнат қилмаслик ризқ етаклаб келади, хиёнат кимбағалликни олиб келади».

Жавомибўл калим

е) Яхши ният

«(Эй, инсонлар) Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир».

Исро, 26

«Эй, одам фарзанди, билгилики, менинг йўлимда холис ният ила қиладиган амалларингни қабул этаман. Холис ният ва ихлос ила амал қилувчиларга қандай ҳам яхши!»

Ҳадиси кудсий

«Албатта барча амаллар ниятга қараб бўлади. Ҳар бир киши ўз ниятига етгусидир...»

Ҳадис

«Аллоҳ таоло сизларнинг ташқи кўринишларингиз ёки молу дунёларингизга эмас, балки дилларингизга ва қиладиган амалларингизга қараб баҳо беради».

Ҳадис

«Одамлар қиёмат куни шу дунёда қилиб юрган ниятларига қараб тириладилар».

Ҳадис

«Сизларга бир ҳадисни айтаман, сизлар уни ёдда тулинглар! Дунё тўрт тоифа одамлар учун яратилгандир: 1. Кимгаки Аллоҳ таоло ҳам бойлик, ҳам илм ато қилган бўлса, шу бойлигидан фақат ўзигина фойдаланмай, балки қавм-қариндошларига ҳам иноят қилиб турса ва илми сабабли Аллоҳ таолонинг ҳаққини ҳам адо этса, бу маргабаларнинг энг афзалидир. 2. Кимгаки фақатгина илм берилиб, бойлик

ато қилинмаган бўлса, «Менда ҳам давлат бўлганда эди, фалончи каби ишлар қилур эдим» деб соф ният билан айтса, шу нияти билан сажий бойнинг савобига эга бўлур. 3. Кимгаки молу дунё берилиб, илм ато қилинмаган бўлса, қавм-қариндошларига силай раҳмда бўлмай, Аллоҳнинг ҳаққини ҳам адо этмаган бўлса, бу мартабаларнинг энг ёмонидир. 4. Кимгаки илм ҳам, молу дунё ҳам насиб этмаган бўлса, «Молим ва илмим бўлганда эди, мен ҳам фалончилар каби яхши амалда бўлур эдим» деса, бу нияти ила улар билан савоблари баробар бўлади».

Ҳадис

«Яхши гумон қилиш ҳам яхши ибодат қилиш билан баробардир».

Ҳадис

«Яхшиликка далолат қилувчи билан уни бажарувчининг савоби тенгдир».

Ҳадис

«Кимки бировлар эшитсин деган риё билан иш қилса, унинг ниятини Аллоҳ таоло билиб турур».

Ҳадис

«Қайси бир мусулмон ўз биродари ҳаққиға гойибона дуода бўлса, бир фаришта бу бандаға: «Сенга ҳам шундай бўлсин», деб туради».

Ҳадис

«Қайси бир банданинг буйнида қарзи бўлиб, нияти уни узишлик бўлса, Аллоҳ таоло унга ўз ёрдамини кўрсатади».

Ҳадис

«Кимки узиш нияти билан одамлардан қарз олса, унга Аллоҳ таолонинг ўзи ёрдам беради. Борди-ю бошқа ният билан қарз олган бўлса, Аллоҳ таоло ҳам унинг дунёсидан баракани кетказиб қўяди».

Ҳадис

«Амаллар ниятларга боғлиқдир».

Жавомибул калим

«Амалнинг маёғи унинг натижаларидир (унинг натижаларига боғлиқ)».

Жавомибул калим

Эй, Раб, ўзинг суйиб ато этган нарсаларға етишувимизда бизни қўлимиздан тутиб етакла ва хасталанган кўнгиларимизға шифо бағишлаб, тузалишларига йўл кўрсатиб, далолат бер.

Замахширий

Ҳар қандай ишни бошлашдан олдин аввал Аллоҳнинг розилигини (ўйла), акс ҳолда қилган ишларингнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб, зое кетади.

Замахширий

Ёмон эътиқод билан қилинган эзгу иш сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

Замахширий

ж) Марҳумларни ёд этиш

«Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро у сизларға охирагни эслагатади».

Ҳадис

«Марҳумларни ҳақорат қилувчи одам ҳалокагга яқиндир».

Ҳадис

«Қабр устида ўтиргандан кўра, чўғ устида ўтириб, кийимлари то этигача куйиб кетгани яхшидир».

Ҳадис

Тариқатнинг суннаги (расм-одаги) нечта, деб сўрасалар, олтига деб айт: аввал вақтни жамоат билан ўтказиш, иккинчи саҳар ва шом пайтларида хотиржам бўлиш, учинчи доимо пок юриш, тўртинчи кўнгилни асрай билиш, бешинчи зикри тақбирни бажо келтириш, яъни «Аллоҳу акбар»ни айтиб туриш, олтинчи пирлар, ога-боболарни яхшилик билан хотирлаб туриш.

Кошифий

Агар тариқатнинг абжади нечта деб сўрасалар, дегилким, тариқат абжади даставвал кичик ва катта абжадларга бўлинади. Агар кичик абжад қайсидир деб сўрасалар, кичик абжад қуйидаги ўн тўрт сўздан иборат деб айт: биринчи — хоксорлик билан ўзини туфроққа айлантириш, иккинчи — мужоҳидаат, яъни сай-интилиш белкураги билан ул туфроқ (ер)ни чопиш, учинчи — унга муҳаббат уругини сепиш, тўртинчи — уни маърифат суви билан парвариилаш, бешинчи — риёзат ўроби билан ўриш, олтинчи — таваккул арқони билан боғлаб, қаноат хирмонжойига келтириш, еттинчи — тақво билага билан хирмонни туйиш, саккизинчи — сабр кўмагида донни сомонидан ажратиш, тўққизинчи — муҳаббат тарозиси билан ўлчаш, ўнинчи — ризо тегиримонига тортиб ун қилиш, ўн биринчи — карам ва мурувват суви билан хамир қориш, ўн иккинчи — ишқ танурида шавқ олови билан нон ёпиш, ўн учинчи — уни ихлос табақига қўйиш ва ўн тўртинчи — уни элга тақдим этиш...

Агар катта абжад қайсидир, деб сўрасалар, у (қуйидаги) йигирма тўққиз сўздан иборат деб айтгин: аввал — зоҳир ва ботинни ораста этиш иккинчи — сабр-тоқат кўрсатиш, учинчи — тақво билан шуғулланиш, тўртинчи — яхшилик йўлида ҳар доим савоб иш қилиш, бешинчи — хотиржамликка интилиш, олтинчи — ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш, еттинчи — хавфу ражо (қўрқув ва умид)ни ўз шиорига айлантириш, саккизинчи — раҳнамолик кафолатини бўйинга олиб, ҳар бир толиб шахсни мақсадига етказиш, тўққизинчи — ўзини (бошқалардан) паст деб билиш ва ўз-ўзидан ҳисоб талаб қилиш, ўнинчи — фақр риёзатини чекиш, ўн биринчи — кўнгилларни зиёрат этиш, яъни кўнгиллар каъбасига сийғиниш, ўн иккинчи — фақр аҳлининг сирини сақлаш, ўн учинчи — халқнинг шукрини қилиш (халқ номидан ҳақ неъматининг шукурини қилиш), ўн тўртинчи сидку сафо кўрсатиш, ўн бешинчи — вақтни бекор кетгизмаслик, ўн олтинчи — фурсатни ганимат деб билиш, ўн еттинчи — тамаъни батамом эсдан чиқариш, ўн саккизинчи — ҳеч кимга зулм, жабру жавони раво кўрмаслик, ўн тўққизинчи — илмни севиш ва олимлар билан ўтириб суҳбатлашиш, йигирманчи — одамлар гийбатини қилмасликка ўзи билан машғул бўлиш, йигирма биринчи — қаноатни ўз ҳаётининг асоси ва фаолиятининг пойдевори деб билиш, йигирма иккинчи — имкону қурби

стунча маърифат камолига интилиш, йигирма учинчи — дилнавозлик қилиш ва кишилар кўнглини кўтариб, қалбини шод этиш учун интилиш, йигирма тўртинчи — ўзини ўзи маломат этиш ва маломатдан қўрқмаслик, йигирма бешинчи — ҳаммага талабгор бўлиш, йигирма олтинчи — аҳдга вафо қилиш, йигирма еттинчи — ростлик йўлида юрганларга йўлдош бўлиш ва эри кишиларга ёрдамчи бўлмаслик, йигирма саккизинчи — фақш сўзини оғизга олмаслик, соқов бўлиш, ёлгон ва зийёни ростлик ва фойдага буриш, йигирма тўққизинчи — худо исмлирини зикр этиб туриш, пирлар ва аждодлар хотирасини эсга олиш.

Кошифий

3) *Тувоҳдан тийилиш*

«Айтинг (эй, Муҳаммад.): «Келинлар, Рабингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: — У зотга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз, Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантируرمىз, фақш ишларнинг ошқорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ тақоқлаган (жон)ни ноҳақ қатл қилмангиз! Ақл юртизилларингиз учун (Аллоҳ) ҳукм қилгани шу(лар)дир.

То вояга етгунича етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йул билан (бўлса дуруст). Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этингиз. Ҳеч бир жонни тоқатидан ташқарисига таклиф (амр) қилмаймиз. Гапирганингизда (тувоҳ сифатида) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам, алолатли бўлинг! Аллоҳнинг (олган) аҳдига эса вафо қилинг. Эслатма олишларингиз учун (Аллоҳ) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир.

Албатта, мана шу (Менинг) Тўғри йўлимдир. Унга эргашингизлар! (Бошқа турли) йўлларга эргашмангиз! Акс ҳолда, улар сизларни Унинг йўлидан айириб қўйди. Тақволи бўлишларингиз учун (Аллоҳ) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир».

Анъом, 151–153

Одамларга ёмонлик қилишдан ўзингни сақласанг, сенга шунга ўзи ҳам садақа ҳисобида ёзилур.

Ҳадис

«Эшиги-ю деразаси йўқ бир силлиқ тошнинг ичида туриб бирор иш қилсаларингиз ҳам одамларга маълум ва ошкор бўлаверадилар».

Ҳадис

«Қайси бир ишни одамлар олдида қилишни уяғ, деб билсанг, уни ёлғиз қолганингда ҳам қилма».

Ҳадис

«Кимки билиб туриб, ўғирланган нарсани сотиб олса, у шу ўғирликнинг ори ва гуноҳига шерик бўлади».

Ҳадис

«Сизларнинг қай бирингиз бирор жиноят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало кўл билан қайтаринг. Бунга имкони бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг. Лекин бу учинчиси имоннинг заифлигидан далолатдир».

Ҳадис

«Диннинг маёғи парҳезкорликдир».

Жавомибул калим

«Аллоҳдан кўрқиб ҳар бир донишмандликнинг бошидир (асосидир)».

Жавомибул калим

«Ичкилик – гуноҳларнинг мажмуасидир».

Жавомибул калим

«Ичкилик барча ёмон ишларнинг онасидир».

Жавомибул калим

Гуноҳкор бандаларга садоқатли бирор кимса бўлмас.

Замахшарий

1.3. Оғир-вазмиш бўлиш фазилати

«Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлгон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан тоз ўтирган ҳолларида) ўғарлар».

Фурқон, 72

«(Юрганинда) ўрта ҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсизси эшаклар овозидир».

Дуҳмон, 19

«Аллоҳнинг бандалари, оғир ва товош бўлинглар».

Ҳадис

«Тез юриш мўминнинг чиройини кетказадилар».

Ҳадис

«Сизлардаги икки хислатни Аллоҳ ва унинг Расули ёқтиради: 1) мулобимлик; 2) виқорлилик (вазминлик)».

Ҳадис

«Икки киши бир-бирларини ҳақорат қила бошлаган бўлсалар, улардан қай бири биринчи бошлаган бўлса-ю башарти буниси ҳақоратда ундан ўтказиб тобормаган бўлса, гуноҳи ўшанга бўлади».

Ҳадис

Ишда ошуққан кўп тойилур,

Кўп тўғилгон кўп йиқилур.

Навой

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Япроқни ифак қилур, чечак баргини бол.

Нзвой

1.4. Саломатлик – туман бойлик

«...Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокагга ташламагиз!...»

Баҳара, 195

«Эй, одам фарзанди, албатта, ризқ ҳаммага тақдим қилиниб ва ажал ўлчаб қўйилгандир. Касал бўлган одам дунё лаззати ва неъматларидан маҳрумдир».

Ҳадиси кўдэй

«Эй, одам боласи, билгинки, саломатлик бирликда, ихлос тақвода, ҳудожўйлик тавбада, ибодат илмда ва бойлик қаноатдадур».

Ҳадиси кўдэй

«Эй, бандаларим, мен бир банданинг севики икки нарасини — икки кўзини йўқотиш билан имтиҳон қилсам, кейин у ўша балога сабр қилса, унинг эвазига жаннатни бераман».

Ҳадиси қудсий

«Бир жойда вабо касали бор деб эшитсангиз, ўша жойга кирманглар. Агар сизлар яшаётган жойга вабо келса, ўшадан қочиб чиқиб кетманглар».

Ҳадис

«Вабо касали тарқалган жойдан қочувчи одам, гўё жангдан қочувчи одам кабилар. Унга сабр қилиб жойида қолган киши гўё урушда сабр қилган каби савоб олур».

Ҳадис

«Аллоҳдан хотиржамлик сўраб кўп дуо қилинглар».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, мен сендан пешликдан, жинниликдан, моҳов касаллигидан ва бошқа ёмон касалликлардан паноҳ тилайман».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, менинг баданимни, қулогимни, кўзимни омон сақлагин. Эй, Парвардигор, мени кўфрдан, фақирликдан ва қабр азобидан паноҳингга сақлагин. Ўзингдан бошқа илоҳ йўқдир».

Ҳадис

«Тугувчи аёл Аллоҳнинг наздида тугмайдиган чиройли аёлдан яхшидир. Мен қиёмат кунида бошқа умматлар олдида сизларнинг кўпчилигингиз билан фахрланаман».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло аксиришни ёқтиради, эсаншни ёмон кўради».

Ҳадис

Дардан шифо топиш Аллоҳ таолонинг тақдири ва изни билан бўлади.

Ҳадис

«Аллоҳдан афв (яна бир ривоятда: тўғри эътиқод) ва офият сўранглар. Чунки ҳеч бирларингиз имондан кейин офиятдек неъматни топа олмайсизлар».

Ҳадис

«Аксирган кишига уч марта «ярҳамукаллоху ва яшфик» деб жавоб қайтар. Уч мартадан ортиқ аксириш шамоллаш ёки тумовдир».

Ҳадис

«Одам танасида қориндан ёмонроқ идиш йўқдир. Инсон бир неча ошам овқат билан кифояланади. Агар зарур бўлса, қориннинг учдан бирини овқатга, яна учдан бирини сувга, қолган учдан бирини нафас олишга ажратсин».

Ҳадис

«Табобат илмида танилмаган одам сохта табиблик қилса, у одамлар учун зоминдир».

Ҳадис

«Икки неъмат борки, одамлар уни қадрламайдилар: سخاّت-саломатлик ва бўш вақт».

Жавомибул калим

Бадантарбия билан машғул бўлинса, ҳеч қандай доридармонга зарураг қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт.

Ибн Сино

Бадантарбияни тарк этган одам кўпинча хароб бўлади, зеро, ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади.

Ибн Сино

Хар доим тўйиб овқатлангандан кўра аҳён-аҳён оч қолган маъқул.

Абул Фараж

Ҳазм бўлмаган таом уни еган одамнинг ўзини ёйди.

Абул Фараж

Ортиқча сув экинга зарар бўлганидай, ҳаддан ортиқ таом ҳам танага зарардир.

Абул Фараж

Меъёр табиатнинг йўлдоши, соғлиқнинг посбонидир. Бинобарин, еб-ичишда ҳам, юриш-туришда ҳам ва ҳатто, муҳаббат бобида ҳам меъёрни сақланг.

Абул Фараж

Тананг имораги дош бера оладиган миқдорда тановул эт.

Жомий

Таомга ортиқ даражада ҳире қўйиш худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

Замахширий

Тансиҳатлик — туман бойлик.

Ҳикоя.

Ўтган замонда бир қашшоқ киши донишманд чолнинг олдига келиб:

— Ота, ейишга ноним, кийишга кийимим йўқ, жуда қийналдим, нима қилишимни билмай қолдим. Энди қаерга бориб, дод десам экан, — дебди. Чол:

— Сен камбағалмисан? — деса, у:

— Ҳа, бола-чақам ва ўзим очман, кийим-кечагим йўқ, — деб ниҳоятда зорланибди. Чол:

— Хўп менга ўнг қўлингни сот, неча гул берай, — деса, ҳалиги йигит:

— Йўқ ўнг қўлим ўзимга керак, сотмайман, — дебди. Шунда чол:

— Бўлмаса ўнг кўзингни сот, — дебди. Йигит:

— Нега мен ўнг кўзимни сотар эканман, у менга доимо керак, — дебди.

Чол шу тарзда йигитнинг тана-аъзоларини бирма-бир сотгин, деб айтиб чиқибди. Йигит “йўқ” жавобини қайтаравергач, чол йигитга:

— Ҳа, тўрт мучанг соғ бўлса, турмушдан зорланиб нима қиласан. Кишининг тан-жони соғлиги туман бойлиги-ку. “Соғ

инда — соғлом ақл”, деб бекорга айтмаганлар. Соғ бўлсанг, ҳар қандай иш бажарсанг қўлингдан келади, кунинг ўтади, — деб жавоб қайтарган экан.

Раҳматни жойига айт
(*Ҳикоя*)

Кунлардан бир кун Ибн Сино далаларда доривор ўсимликларни териб юрган экан. Бу орада дам олиб ўтирган подшоҳ аскарларига дуч келибди. Ибн Синони кўрган подшоҳ лекарлари:

— Сен кимсан? Нега бу ерларда санғиб юрибсан? — деб сўроққа тутишибди.

— Мен табибман, доривор ўсимликларни териб юрибман, — деб жавоб берибди Ибн Сино.

— Табиб бўлсанг, подшоҳимизни тузатасан. У мана неча йилдирки касал, табиблар даволай олмаптилар, сен тузгсанг тузатдинг, йўқса ўласан, — дейишибди ва уни подшоҳнинг олдига олиб келишибди. Ибн Сино подшоҳнинг касалини шикўнай олмабди.

— Эй, улуг подшоҳ, мен билан 40 кун туришингизга тўғри келади, — дебди.

Подшоҳ рози бўлибди. Ибн Сино ҳар кунги шохди тоғнинг хув ана у жойига олиб боринлар, хув манави жойига олиб боринлар, деб соя-салқин, ҳавоси тоза, суви тиниқ жойларга ишорат қилибди ва ўзи доривор ўсимликлар тераверибди. Нима бўлибди-ю ҳаво ёқибдимиз, подшоҳ кундан-кун соғайиб борибди. 40 кун деганда бутунлай соғайиб кетибди.

— Сен зўр табиб экансан, тузалиб кетдим, раҳмат, — дебди подшоҳ.

Ибн Сино: — Подшоҳим, раҳматни менга эмас, ёт-атрофингиздаги табиатга айтинг. Шу жой, ҳаво, доривор ўсимликларнинг ҳиди бўлмаганда, сиз тузалмаган бўлар эдингиз. Бу ернинг об-ҳавоси, суви ҳам, доривор ўсимликлари ҳам шифобахш. Шуларнинг ҳаммаси сизни даволади, — дебди.

Соғайиб қолганидан хурсанд бўлган подшоҳ Ибн Синога бир от билан бошдан оёқ сарпо ҳадя қилибди.

а) Покик имондандир

«Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради, у сахийдирки, сахийликни яхши кўради. Ҳовли, саҳн ва турар жойларингизни покиза тутинглар...»

Ҳадис

«Тишларингизни тозалаб юринг, чунки бу ҳам покизаликка кирди. Покизалик имонга чақиради, имон эса жаннатда эгаси билан бирга бўлади».

Ҳадис

«Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқлари орасини ҳилол қилувчи, таомдан кейин эса тишларини тозаловчи умматларим қандай яхшидирлар».

Ҳадис

«Ҳар бир мусулмондаги Аллоҳ таолонинг ҳаққи ҳар етти кунда бир марта бутун аъзосини ювиб, гусл қилишидир».

Ҳадис

«Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида учта ҳақ бордир: 1. Мисвок тутиш. 2. Жума кунлари гусл қилиш. 3. Хушбўй нарсалардан ўзига сепаиб туриш».

Ҳадис

«Таомнинг баракаси ундан олдин ва кейин қўлни ювишдандир».

Ҳадис

«Мисвок – ўлимдан бошқа ҳамма касалликларга даводир».

Ҳадис

Унга наrsa баданга тегишли суннатдир: 1. Мўйлабни қисқартириш. 2. Соқол қўйиш. 3. Мисвок тутиш. 4. Бурунни сув билан чайқаш. 5. Тирноқни олиш. 6. Бўғин ва ковак ораларини ювиш. 7. Қўлтиқ тукини юлиш. 8. Киндик ости мўйларини тозалаш. 9. Нажосат маҳражларига сув сепиш. 10. Хатна қилдириш.

Ҳадис

«Уйқудан уйфонган одам қўлини уч марта ювмагунча идишга тиқмасин, чунки у билмайдики, қўли қаерларда тунаган».

Ҳадис

«Агар қийинлик қилмаганда умматларимга ҳар бир таҳоратда мисвок ишлатишни буюрар эдим».

Ҳадис

«Мисвок тутиш тўғрисида мен сизларга кўп гапирдим».

Ҳадис

«Қийинлик қилмаганда эди, ҳар бир намоз олдиладан мисвок ишлатиш ва хушбўйланнишга буюрар эдим».

Ҳадис

Қўлларида овқатдан қолган ёғ қолдиқлари билан ёғиб ухлаган одамга бирор касаллик ёпишса, ўзидан кўрсин.

Ҳадис

«Ким соч қўйган бўлса, уни эъзозлаб, тоза ва тартибли тутсин!»

Ҳадис

«Тозалик, покизалик имондандир».

Ҳадис

«Бу икки бадбўй ўсимликни (саримсоқ ва хом пиёз) еб, масжидга киришдан сақланинглар. Мободо есанглар, ўтда яхши пишириб, сўнг енглар».

Ҳадис

«Овқатдан олдин қўлларни ювиш фақирликни кетказди ва гўшт қўзни соғломлаштиради».

Жавомивул калим

1.5. Умрни ганимат билиш

«...Хайрли ишларда ўзиб кетингиз! ...»

Бақара, 148

«Беш нарсдан олдин беш нарсани ганимат бил: 1) Улимнингдан олдин тирикликни; 2) бетобликдан олдин саломатлигингни; 3) бандлигиндан олдин бўш вақтингни; 4) кексалигингдан олдин ёшлигингни; 5) фақирлигиндан олдин бойлигингни».

Ҳадис

«Узр сўрашнинг ёмони ўлим келганда сўрашдир. Надоматнинг ёмони қиёмат кунидасидир».

Ҳадис

«Огоҳ бўлингки, умрингизнинг қолган қисми бамисоли яшаб турган кунингизнинг қолган қисми кабидир».

Ҳадис

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб, тавба қилишга шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмас.

Замахшарий

Бу кунги ишни эргага қўймаслар.

Навий

Ўйлаб ул ишингни, кейинга сурма.

Абу Шужур

Фафлаг уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсалга ҳар ким бўлса бедорроқ.

Бобур

Одам табиатан қизиқ яратилган — бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю умри зое кетаётганига эса парво қилмайди.

Абул Фараж

Вақт қилич кабидир, сен уни кесмасанг, у сени кесур.

Халқ мақоли

Вақтинг кетди — бахтинг кетди.

Халқ мақоли

Вақтдан қимматлироқ, қадрлироқ нарса йўқ
(Масал)

Олтиндек товланиб турган бошоқдан бунчалик бўлишининг бойсини сўрашибди.

— Шу ҳолга келишимга асосий сабабчи Вақт тўра, — жавоб берибди бошоқ. Ҳа, шудгорланган ерга ўз вақтида қадам ранжида қилдим, ўз вақтида сугорилиб, ўз вақтида парваришландим. Мана ўзингиз кўряпсиз — вақтида етилиб, нақтида пишиб, вақтида ҳосилимни кўз-кўз қилиб турибман. Ҳа, вақтдан қимматлироқ, қадрлироқ ва зарурроқ нарса йўқ. Қиссадан ҳисса: Вақтнинг бекор ўтишига йўл қўйманг. Уни фойдали ишлар — илм, ҳунар ўрганишига сарфланг.

а) Қарияларни қадрлаш

«Эй, одам фарзанди, албатта, соч ва соқолингнинг оқи менинг нуримдандир. Мен нуримни ўз дўзахим оловида куйдиргани ҳаё қиламан, шундай экан, сен ҳам мендан ҳаё қилгин».

Ҳадиси қудсий

«Кимки бир улуг ёшга кирган инсонни ёши учун ҳурмат қилса, Аллоҳ унга ҳам шу ёшга етганда, кўрсатган ҳурматидан зиёдароқ ва афзалроқ ҳурмат қиладиганларни тайёрлаб қўяди».

Ҳадис

«Ёшларингизнинг яхшилари ўзини катта ёшдагилардек оғир тутадиганларидир. Катта ёшдагиларнинг ёмонлари эса ўзини ёш болалардек енгил тутадиганларидир».

Ҳадис

«Инсон кексайиб, жисми заифлашгани билан қалби узоқ умр кўриш ва молу дунё йиғишга ёшлардек қизиқадиган бўлади».

Ҳадис

«Эй, Аллоҳнинг бандалари! Беморларингизни даволатинглар, зеро Аллоҳ таоло ҳар бир дарднинг давосини ҳам яратган, фақат кексаликнинг давоси йўқ».

Ҳадис

«Муслмон кишининг умри ўтиб қаригани сари унга яхшиликлар ато этилаверади».

Ҳадис

«Инсон фарзанди яратилганда ёнида тўқсон тўққизга ўлим сабаблари ҳам бирга яратилади. Агар у шу ўлимлардан халос топиб яшасагина унга қарилик насиб этади».

Ҳадис

«Кимнинг сочи муслмончиликда оқарган бўлса, қиёмат кунни шу оқарган сочи нур бўлиб йўлини ёритиб туради».

Ҳадис

Устингга кексалик кийими ташланган бўлса ҳам, бироқ сен узоқ умр кўриш ҳирсида (тамасида) янги-янги кийимлар киймоқдасан.

Замахшарий

Кексайган одам ёшлик ўтида ёнолмайди.

Ибн Сино

Ёшмисан, кексани сен ҳурмаг айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.

Аттор

Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган чоғинг.

Ҳисрав

Қарилик ҳаёт гулларини сўлигиб, нишларини ўткирроқ қилади.

Саздий

б) Қариндошлар билан силаи раҳмда бўлиш

«...Ўргаларингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилиувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир».

Нисо, 1

«Албатта, Аллоҳ адолатта, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузқўчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур. (У) эслатма олурсизлар, деб сизларга насиҳат қилур».

Наҳл, 90

«Бас, қариндош ҳаққини адо этинг! Мискин ва мусофир ҳаққини ҳам. Ана шу Аллоҳнинг «юзи»ни истайдиганлар учун яхшидир! Айнан ўшалар иқболлидирлар!»

Рум, 38

«Агар (имондан) бош тортсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узарсизлар. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) «кар», кўзларини «кўр» қилиб қўйгандир».

Муҳаммад, 22–23

«Қариндошларингизга силаи раҳмда бўлинг, гарчи улар узилишиб кетган бўлса ҳам».

Ҳадис

«Зоту-насабларингизни яхши таниб олингиз, токи қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин. Ўзи яқин тургани билан ўзаро муруввати бўлмаса, унинг яқинлигидан фойда йўқ. Ўзи узоқ тургани билан силаи раҳми бўлса, узоқлигининг зарари йўқ».

Ҳадис

«Икки кишига Аллоҳ таоло қиёмат кунини раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига».

Ҳадис

«Уч хил сифат бордирки, улар кимда бўлса, Аллоҳ таоло уни энгил ҳисоб қилиб, ўз раҳмати ила жаннатига киргизади: 1. Сени маҳрум қилганларга эҳсон қилишинг. 2. Сенга зулм қилганларни афв қилишинг. 3. Қариндошлар билан силаи раҳмда бўлишингдир».

Ҳадис

«Хола ҳам хурмат бобида она билан баробардур».

Ҳадис

«Қариндошнинг қариндошга қилган садақаси ҳам садақа, ҳам силаи раҳм ҳукмидадир».

Ҳадис

«Узилишиб кетган қариндошларингга силаи раҳмда бўл. Биров сенга ёмонлик қилса ҳам сен унга яхшилиқ қилавер».

Ҳадис

«Силаи раҳм умрни зиёда қилади».

Жавомибул калми

в) Яхши кўшниччилик

«Кўшни билан яхши алоқада бўлинглар!»

Ҳадис

«Қариндошларга силаи раҳм қилиш, хушхулқлик ва яхши кўшниччилик юртни обод ва умрни зиёда этади».

Ҳадис

«Кўшнисининг аёли билан зино қилишлик ўнга бошқа аёл билан зино қилгандан ёмондир. Ўнга бегона уйни ўғирлагандан кўшнининг уйини ўғирлаган ёмондир».

Ҳадис

«Кўшнисига ёмонлигини етказиб турадиган одам мўминни комил эмас».

Ҳадис

«Жаброил алайҳиссалом менга доимий равишда кўшница яхшилиқ қилишни тавсия қилар эди, ҳатто кўшница мерос ҳам қолдириш керакми, деб ўйлаб қолар эдим. Хизматкорларга ҳам шундай яхши муомалада бўлишликни айтар эдики, ҳатто муайян бир вақт белгиласа керак ва ўша мuddат етиши билан қуллар ўз-ўзидан озод бўлиб кетса керак, деб ўйлаб қолардим».

Ҳадис

«Кимнинг имони Аллоҳга ва охираг кунига содиқ бўлса, кўшнисига яхшилиқ қилсин, меҳмонини иззаг-икром қилсин ва гапирса фойдалли гап гапирсин ёки жим юрсин!»

Ҳадис

«Жоним ихтиёрида бўлган Аллоҳга қасамки, сизлар токи узингиз севган, яхши кўрган нарсангизни кўшнингизга ҳам раво кўрмагунингизча имонда комил бўла олмайсиз».

Ҳадис

г) Инсонлар орасини ислоҳ қилиш

«Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ эдинглар! Бас, агар улардан бири иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан тузатиб кўйинглар ва адолат қилингллар! Зеро, Аллоҳ адолатчиларни севар».

Ҳужурот, 9

«Албатта, мўминлар оға-инидирлар. Бас, сизлар икки оғанингиз ўртасини тузатиб кўйинглар ва Аллоҳдан кўрқинглар, шояд раҳм қилинсангизлар».

Ҳужурот, 10

«...Аллоҳдан кўрқингиз ва ораларингизни тузатингиз (ўзаро муносабатларингизни ислоҳ қилингиз)! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат эпингиз!»

Анфол, 1

«Уларнинг (одамларнинг) кўпгина пичирлашиб гаплашишларида – агар садақа беришга ёки эзгуликка буюришга ёхуд одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрмаган бўлса – яхшилиқ йўқдир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шунни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз».

Нисо, 114

«Рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзал амалдан хабар

берайми?! У икки кишининг ўртасини яраштириб қўйишликдир. Ўртанинг бузилиши диннинг қиронидир».

Ҳадис

«Кимнинг олдига узилишиб кетган биродари узр сўраб келса, у хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин, узрини қабул этсин. Агар қабул этмаса, ҳавзи кавсар сувидан маҳрум бўлур».

Ҳадис

«Ораларингиздаги алоқани узманглар ва аразлашиб юрманглар. Аллоҳ буюргандек унинг ўзаро дўст ва биродар бандалари бўлинглар».

Ҳадис

«Муслмон кишиларнинг ўзаро уруш қилишлари куфрдир, сўкиишлари эса фосиқликдир. Икки муслмон бир-бирлари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юришлари дуруст эмас».

Ҳадис

«Доимий равишда хусумат қилишинг сенинг гуноҳкор бўлишинг аломатидир».

Ҳадис

«Инсоннинг гапирган ҳар бир ёлгон гапи унга гуноҳ бўлиб ёзилади, уч хили эса бундан мустасно: 1. Урушда, чунки уруш ҳийла ва макрсиз бўлмайди. 2. Эрнинг хотинига муроса учун гапирган ёлгон гапи. 3. Иккита аразлашган кишининг ўртасида сулҳ тузиш ниятида гапирилган ёлгон гап».

Ҳадис

«Одамларни муросага келтириш учун уларга яхши гапларни ташиган киши ёлгончи ҳисобланмайди».

Ҳадис

«Одамлар билан муросаи мадора қилиш садаҳадир».

Жавомибул калим

Олам узра шундай юргинки, то бутун оламнинг елкасига оёқ қўйгандек бўл, шунда жами махлуқотдан (борлиқдан) устун бўлурсан.

Замахширий

1.6. Илм-наърифат ва олимлик фазилатлари

«Ўқинг (Эй, Муҳаммад! Бугун борлиқни) яратган зот бўлиши Раббингиз исми билан!»

(Алақ, 1)

«У инсонга билмаган нарсаларини билдирди».

(Алақ, 5)

«... Айтинг (эй, Муҳаммад,) билганлар ва билмаганлар тенг бўлурми. Фақат ақл эгаларигина ваъз олувлар».

(Зумар, 9)

«Садақанинг афзали муслмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа муслмон биродарларига ҳам ўргатишидир».

Ҳадис

«Кимгаки ақлу идрок насиб этилган бўлса, демак, у омадлидир».

Ҳадис

«Катта ёшдагилар билан бирга суҳбатда бўлинглар, уламолардан масалалар сўранглар ва ҳукамолар билан аралашиб туринглар».

Ҳадис

«Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар. Чунки илм талаб қилишга ҳаракат этиш ҳар бир муслмон учун фарзидир».

Ҳадис

«Аввало олим бўл! Лоақал таълим олувчи ёки тингловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам бўлмагинки, ҳалок бўлурсан».

Ҳадис

«Бахтли киши бошқалардан ибрат олувчидир».

Ҳадис

«Илм ўрганиш ҳар бир муслмон учун фарзидир».

Ҳадис

«Илм ўргатувчи кишининг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтади».

Ҳадис

«Илм талаб қилишлик ҳар бир мусулмон учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади».

Ҳадис

«Бир соат илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс олиш эса, уч ой тutilган нафл рўзадан афзалдир».

Ҳадис

«Билганларингизни бошқаларга ҳам билдиригилар».

Ҳадис

«Уламолар Аллоҳ таолонинг бандалари ичидаги омонатдор кишилاردир. Яъни Аллоҳ номидан амри маъруф (яхшиликка чақиритиш) ишларини қилишлари керак».

Ҳадис

«Илм ибодатдан афзалдир ва тақво диннинг тутиб турувчиси (устуни)дир».

Ҳадис

«Менинг наздимда ибодатга қараганда илмнинг фазилати ортқидир. Диндаги энг яхши хислаг бу тақводорликдир».

Ҳадис

«Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олингилар».

Ҳадис

«Ҳикмат – мўмин кишининг йўқотган нарсаси, уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир».

Ҳадис

«Киши биродари учун ҳикматдан афзалроқ нарса ҳада қилолмайди. Чунки шу ҳикмат сабабли Аллоҳ таоло уни туғри йўлга солиб қўяди ёки ёмон йўлдан қайтаради».

Ҳадис

«Гарчи ўзларингиз амал қилмасангиз-да, одамларга амри маъруф қилаверингилар ва гарчи ўзларингиз сақланмасангиз-да, ёмон ишлардан бошқаларни қайтараверингилар».

Ҳадис

«Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизганиб гапириб бермаса, қиёмат куни оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади».

Ҳадис

«Қайси бир кимсага Аллоҳ таоло яхшиликни раво кўрса, уни фикҳ илмига моҳир қилиб қўяди ва унга туғри йўлни илҳом қилиб туради».

Ҳадис

«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир».

Жавомигулу калим

«Ҳар бир илм соҳиби (илмга) чанқоқдир».

Жавомигулу калим

«Ҳикматли сўз ҳар бир донишманднинг йўқотган нарсасидир».

Жавомигулу калим

«Яхши савол илмнинг ярмидир».

Жавомигулу калим

«Илм мўминнинг дўсти, ҳалимлик унинг вазири (ёрдамчиси), ақл унинг йўлбошчиси, амал унинг бошлиғи, хайрихоҳлик унинг отаси, эзгулик унинг оғаси, сабр унинг лашкарбошисидир».

Жавомигулу калим

«Ҳар бир нарсанинг устуни бор, бу диннинг (исломнинг) устуни фикҳдир».

Жавомигулу калим

Ёшлиқда олинган билим гўё тошга ўйилган нақш каби дур.

Араб халқ мақоли

Илмли бұл ёки илмга таяниб иш тутадиган бұл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бұл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб, ҳалок бўласан.

Замахшиарий

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори киссасида, олимнинг шуҳрати-ю обрў-эътибори ёзган китобларида (асарларида).

Замахшиарий

Илмли бўлиш ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир.

Замахшиарий

Билмагани сўраб ўрганган – олим,
Орланиб сўрамаган – ўзига золим.

Навоий

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Навоий

Йиғитликда йиғ илмнинг махзани
Қарилик чоғи харж қилғил ани.

Навоий

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Навоий

Илм ўқуб амал қилмагон, кариз қазиб тухум солмагонга
ўхшар.

Навоий

Улки буюруб ўзи қилмағай ва ҳеч кимга фойда ва асар
анинг сўзи қилмағай.

Навоий

Иш эрур улким, ўзи они қилур,
Ҳикмат улким, ҳам ўзи они билур.

Навоий

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Навоий

Маърифат бетабаъиййат бўлмас,
Қоидаи раҳ табаъиййаттуру бас*.

Бобур

Гар сидқ бир ўзга ошиқ бўлғай,
Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлғай.
Пир оллида топқуси муродин бетанг,
Ҳар кимки агар муриди содиқ бўлғай.

Бобур

Ким бор анга илм толиби – илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби – илм керак.

Бобур

Ё бўлса муюссар кишига илм ила ҳол,
Ё топса киши салтанат авжида камол.
Ё ошифтае бўлса кўруб хусну жамол,
Ё бўлса тамом ўзлугидин фориғбол.

Бобур

Улким, анга илм ичра ғолиб йўқтур,
Дерларким, бери келурға роғиб йўқтур.
Делимки, бу сўз рост эмастур, нечаким,
Толибни тилар андаки, толиб йўқтур.

Бобур

*Изоҳ: Маърифатга итоатсиз эришиб бўлмайди. Раҳнамога эргашиб
эса итоат бўлди.

Доноликдан маҳрум кўнгил ўликдир. Аммо агар у билим билан бойтилса, бамисоли қақроқ ерга ёмғир ёққанидек жонланади.

Абул Фараж

Тентакликни кечириш ҳар бир ақлли одамга ҳос ишдир.

Абул Фараж

Аввал бошданоқ ўзини тўғри тута билган одам виждон азобидан фориғдир.

Абул-Фараж

Донишманд баққолнинг дўконига ўхшайди: борини индамайгина кўрсатади-қўяди.

Савдий

Одамлар билан уларнинг ақлига монанд гаплаш.

Савдий

Билим — барча кулфатларга қалқон.

Рудакий

Ўқиш ва ёзишни билмоқнинг фойдалари
(*Ҳикоя*)

Бир бола дарё бўйида сайр қилиб юрарди. У йўлда бир кўприкнинг олдида чўкиб қолади. Яқинроқ бориб қараса, кўприк устида бир тахтага: “Бу кўприқдан ўтма, унда ҳаётингга катта хавф-хатар бор” — деб ёзиб қўйилган экан. Ҳалиги бола бу ёзувни ўқиб, бошқа кўприқдан ўтиб, ўз манзилига соғ-саломат етиб олибди. Шундан сўнг ўша кўприкнинг олдида ўқиш ва ёзишни билмайдиган бошқа бола келибди ва ҳалиги тахтадаги ёзилган нарсани эътибор бермай кўприқдан ўта бошлабди. Кўприкнинг ўртасига етганда эса, оёғи остидаги чириган тахта синиб, бола сувга кулаб тушибди. У тез фурсатда сувга гарқ бўлибди.

Бойликдан илм афзал
(*Ҳикоя*)

Ўтган замонда бир қария яшаган экан. Чол “ўзим саводсиз қолган эдим, қани энди ўғилларим ўқиб, олим бўлса”, деб орзу қилар экан. Бобонинг саккиз ўғли ва бир қизи бор экан. Қизи ақлли, зийрак экан. Ота қизига:

— Сендек оқила қизим борлигидан жуда хурсандман. Лекин акаларингдан хафаман. Уларнинг меҳнат қилишга бўйни ёр бермайди, ўқиб илм олиб, одам бўлинглар, десам, гапимга қулоқ солишмайди. «Шунча молимиз, еримиз бор, ўқиб нима қиламиз?!» дейишади. Мен қариб қолдим, бу дунёдан кўз юмсам, акаларингнинг ҳоли не кечади. Уларнинг аҳоли шу бўлса, вафотимдан сўнг менга лаънат келтирадилар, деб кўрқаман, қизим, — дея ҳасрат қиларкан.

— Отажон, сиз акаларимни ёнингизга чақиринг. Кейин улардан “Илм афзалми ёки бойликми?” — деб сўранг. Ҳаммаларидан жавобни эшитиб бўлгач, менга ҳам акаларимга берган саволингизни қайтаринг. Ақлим етганча жавоб бераман, акаларим эшитиб турсинлар, — дебди қиз.

Чол қизининг ақлига тасанно айтиб, кечкурун ўғилларини меҳмонхонага чақирибди.

— Ўғилларим, сизларни едирдим, кийдирдим, вояга етдинглар. Бировдан кам эмассизлар. Мендан кейин рўзгор ташвиши бошингизга тушади. Ўқиб илм олинглар. Ўйлаб кўрсам, илм билан хунарда гап кўп экан, — дебди ота.

Ота тўнғич ўлидан сўрабди:

— Сен катта фарзандимсан. Режанг қандай? Илм яхшими ёки давлатми? Ўғли:

— Эй, ота, худога шукр сиз ҳаётсиз, еримиз, молимиз бор. Ўқиб нима қилдим, — дебди. Иккинчи ўғил отасига:

— Пулу мол бўлмаса илмдан нима фойда, — дебди.

Учинчи ўғил: — Ёшим катта бўлиб қолди, илм олган билан қаерга бораман, давлат яхши-да ота, — дебди. Шу тариқа бошқа ўғиллари ҳам «давлат яхши», деб жавоб беришибди. Гал кенжа ўғилга келибди.

— Отажон, мен давлат эмас, илм афзал дейман. Мени мактабга бering ўқийман. Насиҳатингизга амал қиламан. Сиз борингизда илми бўлиб олай.

— Баракалла ўғлим, — деб фарзандининг пешонасидан ўтибди чол.

— Қани қизим, навбат сенга келди, гапир болам, бу саволга сен нима деб жавоб қиласан?

— Э, отажон, кенжа ўзингизнинг берган жавоби тўғри жавобдир. Давлат бугун бор, эртага йўқ бўлиб кетади. Акаларимнинг еттови давлат зўр, дедилар. Бу ногўғри. Мен бўлсам, илмни афзал, деб айтаман. Акаларим эшитиб олеинлар: илмни қанча сарфласанг, шунча кўпаяди. Давлатни сарфласанг, у камайиб боради. Илмли одам ширинсухан, одобли бўлади, олим одам дунёда доимо фароғатда умр кечиради. Чунки унинг бошидаги илмни ҳеч ким ўғирлаб кета олмайди, илм эскирмайди, чиримайди. Мол-мулкни зах ерга қўйсанг чирийди. Эй, отажон, акаларим ёшлик даврни зое кетказишяпти, қолган вақтдан фойдаланиб қолишсин. Меҳнат илмини, хунарни эгаллаб олеинлар. Зеро, охирги пушаймон ўзларига душман.

Қария ҳам, акалари ҳам оқила қизга қойил қолиб, офарин дебдилар.

Қария қизи билан кенжа ўғлини мактабга берибди. Бошқа ўғиллари эса, меҳнат қилишга киришиб, меҳнат илмини эгаллаб, хунар ўрганиб, мурод-мақсадларига етибдилар.

Устоз синови (Ҳисоя)

Бир вақтлар Мавлоно Танбурий, деган мусиқачи устоз ўтган экан. У киши танбур, дугтор, най, чангни шундай маҳорат билан чалар эканки, эшитган киши сел бўлиб кетаркан. Устоз кўллаб шогирдлар тайёрлаган экан. У кишининг шогирд танлашда қизик бир одатлари бўлиб, ким шогирд бўламан деса, дарров қўлига чўп ёки ҳасаларини тутқазар эканлар. Бир бой ўз ўғлини қобилиятли, зўр мусиқачи бўлади деб, устоз Танбурийга олиб келди. Танбурий берган ҳассани бола бир қарич, икки қарич, деб ўлчаётганини кўрган устоз: “Йўқ, болангиздан мусиқачи эмас, савдогар чиқади”, — дебди. Яна бир кишининг боласи берилган ёғочни кеса бошлаганини кўрган устоз ундан мусиқачи эмас, дурадгор чиқажагини айтибди. Бошқа савдогарнинг ўғли ҳассани от қилиб минишини кўриб, ундан чавандоз чиқишини айтибди. Шундай қилиб, устоз шогирд бўламан деб келган болага синнаш учун берилган чўпни ерга тикса — боғбон, қилич

қилиб ўйнатса — сарбоз деб жўнатиб юбораверибди. Кейин болаларни йиғиб, қўлларига биттадан ҳасса бердириб, пойлаб ўтирибди. Улардан бири ҳассани яна қилич қилиб ўйнатибди, иккинчиси от қилиб минибди... Фақат бир усти юшун бола ҳассани найга ўхшатиб чала бошлабди. Буни кўриб, Танбурий бағоят хурсанд бўлибди-да, болани ўзига ҳам шогирд, ҳам ўғил қилиб олиб, унга бор хунарини кунг ва сабр-қаноат билан ўргата бошлабди. Кечани кеча, кундузни кундуз, ёзни ёз, қишни қиш демай таълим берибди. Бола ҳам зеҳнли экан, устозининг айтганини дарров англаб олиб, қайта-қайта тақрорлаб, кейинчалик машхур найчи бўлиб етишибди. Устози Танбурийни отасидан ҳам аъло билиб, умрбод унинг иззаг-икромини жойига қўйибди, хизматини ўтабди. Устозлик меҳри туфайли оддий бола халқ орасида машхур найчи бўлиб етишибди. Қиссадан ҳисса: устоз ўтиги — камолот калити.

а) Илмга амал ҳақида

«Китоб (Таврот ва Инжил)ни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буюрасиз-у, ўзингизни унутасизми?! Ақлни ишламайсизми?!»

Бақара, 44

«Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди...»

Жумъа, 5

«Эй, Парвардигор, мен Сендан фойдасиз илм, қабулсиз амал ва ижобатсиз дуодан паноҳ тилайман».

Ҳадис

«Илмнинг яхшиси фойда берадиганидир».

Ҳадис

«Аллоҳдан фойдали илмни сўранглар. Фойдасиздан эса паноҳ тиланглар».

Ҳадис

Одамларнинг ёмони улар ичидаги уламоларнинг ёмонидир.

Ҳадис

«Илмига амал қиладиган, ортиқча дунёсидан хайру эҳсон этадиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир!»

Ҳадис

«Илм икки хилдир: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у Аллоҳнинг ҳузурида банда зарарига ҳужжат бўлади».

Ҳадис

«Илмга риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ривоят қилувчи бўлманглар!»

Ҳадис

«Одамларга яхши ваъз-насиҳатлар қилиб, ўзи унга амал қилмайдиган олим, гўёки одамларга ёруғлик таратиб, ўзини куйдириб бораётган шамчироқ кабидир».

Ҳадис

«Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, ундан сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир».

Ҳадис

«Фойда келтирмайдиган илм сарф қилинмайдиган хазинага ўхшайди».

Жавомӣбул калим

Тўрт нарса улуглиққа далолат қилур: илмни азиз тутмоқ ва ёмонни яххилик бирла даф қилмоқ ва аччиқ ғазабларни ютмоқ ва жавобни савоб (тўғрилиқ) бирла бермоқ.

Ҳожа Аҳрор

Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмагай.

Навоӣй

Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: уларнинг бири бойлик тўплаб, фойдалана билмаган ва ановиси эса илм ўрганиб, унга амал қилмаган.

Савдий

Китоби йўқ олим — мевасиз дарахт.

Савдий

Энг зарур билимни кўнг билан ўрган,
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,
Унга амал қилмай умр ўтқарма.

Жомий

Агар тариқаг аркони (устунлари) нечта, деб сўрасалар, бу ҳам олгита деб айт: биринчи — фарз эпилган илмларни ўрганиш, иккинчи — илмни амалда татбиқ этиш, чунки амалга татбиқ этилмаган илм мевасиз дарахт ва ёғи йўқ чироқдир. Шайх Савдий айтганидай:

Дарахтнинг меваси илмнинг амалидир, бил.
Илмнинг қилмасанг амал мевасиз дарахтсан.
Учинчи — халқ ичида яхши хулқ билан ном қозониш.
Тўртинчи — риёзаг чекиш, токи кўнпил кўзгуси жидду жаҳд сайқали билан равшанлик топсин:

То сайқали тажрид ила дил мусаффо ўлмас,
Чехраи Дўст кўзгуда пайдо ўлмас.

Бешинчи — ҳамиша Дўст (худо) номини зикр этиб туриш.
Олтинчи — Дўст дийдорини кўриш учун кучли ишгиёқ ва шавқ билан интилиш, кўнгилни Дўст ёди билан банд этиш.

Кошифий

1.7. Жаҳолатнинг қораланиши

«... Айтинг: «Кўзи кўр одам билан кўрувчи одам тенг бўлурми? Бас, фикр юритмайсизми?»

Анъом, 50

«Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?»

Зумар, 9

«Илмнинг офати — эсдан чиқармоқлик ва уни илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиш эса уни зое қилмоқликдир».

Ҳадис

«Энг ёмон кўрлик — ҳидоятдан кейин яна залолатга кетишлик».

Ҳадис

«Кўрликнинг ёмони — қалб кўрлиги».

Ҳадис

«Қимки илмни уламолар олдида фахрланиш, нодонлар билан баҳслашиш ёки одамларнинг диққатини ўзига тортиш мақсадида ўрганса, унинг жойи жаҳаннамдир».

Ҳадис

Бир тоифа одамлар борки, уларнинг тўшаклари гафлаг бешиқларига обдон йўрғаклангандир. Уларнинг кўзларида қоплонлар сингари бедорлик оз бўлади.

Замахширий

Илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалоқ бўласан.

Замахширий

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

Замахширий

Сенга кўп ҳолларда маломат билан мудом ваъз қилдилар (яъни сенга кўп маломат қилдилар). Бунинг ўрнига сени гафлагнинг давомли уйқусидан уйғотганларида маъқул бўларди.

Замахширий

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осондир. Жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

Замахширий

Қобилга мураббий бўл ва тарбият қил! Ноқобилга эса қарама ва тарбият қилма! Ки қобилни (тарбиятсиз) қўймоқ зулмдир ва ноқобилни тарбият қилмоқ жақд (нодон)ликдир.

Ҳожи Аҳрор

Жоҳилликдан ёмонроқ бахтсизлик борми?

Навоий

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлмай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлмай.

Навоий

Бекорчилик ва айш-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айни вақтда, касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.

Ибн Сино

Ҳар замон бир лаванд⁹ масхарае,
Маъсият¹⁰ дудидин юзи қорае.

Бобур

Калтафаҳмлар фақат одамларнинг камчилигини кўрадилару фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган аъзосига қўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар.

Абул Фароҷ

Истамай мутолаа қилаётган талаба — қанотсиз куш.

Саъдий

Нодоннинг идроки — индамасликда. Агар нодон буни тушуниб етса, унинг ярим доно бўлгани шудир.

Саъдий

Агар оқил одам нодонлар гурунгига тушиб қолса, улардан иззат-иқром кутмасин, агар нодон бемаъни каломи билан оқилни енгса, бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, зеро ёқутни тош ҳам синдириши мумкин.

Саъдий

Агар оқил одам тарбия кўрмаганлар даврасида гапиролмаса, ажабланма: унинг майин товуши ноғора гўмбурда эшитилмай

⁹ Лаванд — фохшиа

¹⁰ Маъсият — гуноҳ

қолади, анбарнинг хуш бўйи саримсоқнинг қўланса исидан йўқолиб кетади.

Савдий

Билурсан ўзингни жуда серақл,
Тўлиқ хумга не ҳам сигар, яхши бил!
Фурур бирла тўлган бошинг бўш кетар,
Фурудан бўшат, сўнгра маъни сигар.

Савдий

Жаҳилнинг сабри йўқ, фикри хом.

Савдий

Нодон учун сукут сақлашдан яхшиси йўқ, бироқ у ўзи учун нима фойдали эканини билганда нодон бўлмас эди.

Савдий

Қайсарга насиҳат қилган кишининг ўзи насиҳатга муҳтождир.

Савдий

Хаддан ошган ғазаб қўрқув тугдирур, меъёрсиз эркалаш оломон кўз ўнгида обрўйингни тўқур. Барчанинг жонига тегар даражада шафқатсиз ва учраган кимса сени туртиб кетар даражада мулоийм бўлма.

Савдий

Иқтидоринг елмаган ишни қилма,
Сабасиз ўзингни донишманд билма.

Хисрав

Донога ёндашгил, қоч нодондан сан,
Ҳатто у хавфлидир доно душмандан.

Румий

Дунёда билимсиз билимдон бисёр,
Улар соғиб юрар ақлни очиб.
Улар ўзга сўзин ёд олиб такрор,
Қилар ўз сўзидек дунёга тортиқ.

Мирза Шафий

Қанча кучанмасин сохта билимдон,
У юксала олмас кўкка ҳеч қачон.
Унга ўз-ўзининг буюклиги бас,
У бундан бошқача оламни билмас.

Мирза Шафий

Қулоқдан дилингда гар кирмаса нур,
Сичқон қавагидан не фарқи бўлур.

Жомий

II. ОДОБ-АХЛОҚ ВА ЮКСАК ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТЛАР

«Эй, одам фарзанди, мен Аллоҳдурман, бандаларни ўз қудратим билан яратдим. Бас, кимларгадир мен яхшиликни ирода қилиб, яхши хулқни бериб қўяман, кимларгадир ёмонлик бўлишини ирода қилсам, унга ёмон хулқни бераман».

Ҳадиси қудсий

«Мен барча яхши хулқларни такомиллаштириш учун юборилганман».

Ҳадис

«Парвардигорим мени ҳусни хулқ билан тарбиялади».

Ҳадис

«Бирор тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчибди, деб эшитсангизлар, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсангизлар ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур».

Ҳадис

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё билан уялинглар, чунки Аллоҳ таоло сизларнинг ахлоқларингизни худди ризқларингиздек тақсимлаб қўйгандир».

Ҳадис

«Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!»

Ҳадис

«Барча яхшилик хушхулқликдадир. Барча гуноҳ ва ёмонлик дилдаги гашлик ва одамлар кўзига уятли ишдадир».

Ҳадис

«Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир. Унга берилган нарсаларнинг ёмони эса, кўриниши чиройли бўлса-да қалбда ёмонлиги боридир».

Ҳадис

«Мулоийимлик ҳикматнинг бошидир».

Ҳадис

«Одамларга сув улашувчи киши ҳаммадан кейин ичади».

Ҳадис

«Одамлар билан хушмуомала бўлинглар. Одамларга қаттиққўллик қилиб беҳаё сўзламанглар!»

Ҳадис

«Қимки қалбини имон учун холис ва соғлом қилиб олган ва тилини ростгўй қилган, ўзини хотиржам этган, хулқини тўғри ва қулোগини тингловчи ҳамда кўзини ибрат назари билан боқувчи қилиб олган бўлса, демак у бахтлидир».

Ҳадис

«Аллоҳнинг ҳар бир хулқи чиройли ва гўзалдир».

Ҳадис

«Банданинг савоб торозусида яхши хулқдан оғирроқ амал йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир».

Ҳадис

«Ҳеч бир ога ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди».

Ҳадис

«Инсонга берилган фазилагларнинг энг яхшиси гўзал хулқдир».

Ҳадис

«Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшироғидир».

Ҳадис

«Одамларнинг азиз ва мукаррами уларнинг тақводорроғидир».

Ҳадис

«Мўминларнинг имони комилроғи — яхши хулқлиси ва аҳли аёлига яхши муомалада бўладигани».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, менинг жисимни қандай чиройли яратган бўлсанг, хулқимни ҳам шундай чиройли қил!»

Ҳадис

«Фаҳш ишлар, фаҳш сўзлар мутлақо исломда йўқ нарсалардандир. Мусулмон одамларнинг яхшиси хушхулқисидир».

Ҳадис

«Мўмин киши ўзининг яхши хулқи билан кечалари қойм»¹¹.

Ҳадис

«Сизлар одамни молу дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ юз ва яхши хулқларингиз билан миннатдор қилишларингиз мумкин».

Ҳадис

«Яхши одам билан ўгириш мушқу анбар, ёмон одам билан бирга бўлиш эса темирчининг босқонига ўхшайди. Мушқу анбари бор кишидан хушбўй ҳид таралади, сен уни сотиб олишинг ёки хушбўй ҳиддан баҳраманд бўлишинг мумкин. Темирчининг босқони эса кийимингни куйдириб қўйиши ёки лоақал ундан қўланса ҳид етиши мумкин».

Ҳадис

¹¹ Қоим — тик турувчи (намоз ўқувчи маъносиди)

«Олижаноблик хулқнинг энг гўзалидир».

Жавомибўл калим

«Гўзал хулқ инсоннинг толейдандир».

Жавомибўл калим

Халқи жаҳонга хуш хулқинг ила маҳбуб бўл,
Жаннат боғига йўл бошловчи шудир, эй дил.

Кошифий

Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан.

Халқ мақоли

Агар фугувватнинг (ёшлик; жавонмардлик, жумардлик);
яхши сифатлар ва намуналар ахлоқ билан машхур бўлиш)
руқнлари (устунлари) нечта деб сўрасалар, ўн иккита деб
айт: олпита зоҳирий ва олпита ботиний руқн бор. Фугувватнинг
зоҳирий руқнлари куйидагилар:

Биринчиси ғийбат, ёлғон ва бўҳтон ва беҳуда сўزلардан
тилни тийиш. Зероким тилидан халққа озор етмайдиган
оламгина фугувватга даъво қила олади.

Иккинчи — ножўя, номақбул сўзлар, бўҳтон, ғийбагдан
қулоқни беркийтиш.

Учинчиси — кўриш ножоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни
юмиш.

Тўртинчиси — ҳаром нарсалардан, халқ озоридан қўлни
тортиш.

Бешинчиси — бориш ман қилинган ношоиста жойлардан
оёқни тортиш. Ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган,
ғамозлик, гап ташиш ва зиён-заҳмат, озорга етаклайдиган
ишларга қадам қўймаслик.

Олтинчиси — ҳаром овқатлардан оғизни, зинодан аъзони
беркийтиш. Зино фугувват аҳдини бузиш, ҳаромхўрлик эса
фугувват ришгасини узишдир.

Аmmo олпита ботиний руқнларга келганда, улар мана
булардир: биринчиси саховат, яъни тилмасдан бурун ўз
маҳалида бағишламоқ, оқибатини ўйламаслик, лаёқату
қобилиятни андеша қилмаслик.

Иккинчиси — тавозуъ, яъни бошқаларни ўзидан афзал
билмоқ, барчага камтар, хоксор муносабатда бўлиш.

Учинчиси — қаноат... Одамлар бошига тушадиган азоб-
изтироблар, фалокалар ортиқча нарсаларга эга бўлиш
хирсандир, чунончи Мавлоно Румий деганлар:

Харис кўзи тўярми ҳеч дунёдин?

Қаноат бўлмаса, дур бўлмайми садафда.

Тўртинчиси — авф ва марҳамат. Яъни халққа шафқат
кўргизмоқ, кишилар гуноҳини кечирмоқ ва илжи борича
уларга яхшилик, мурувват билан муомала қилиш.

Меҳрибон бўл, эй азизим, меҳрибон,

Меҳрибонлик мардликдандир нишон.

Бешинчиси — ҳавобаландлик ва гурурни тарк этиш. Яъни
анчалик маъкул ва мақбул ишларни амалга оширса ҳам мағрур
бўлмаслик, зеро Иблис кибру ҳаво туфайли жаннатдан бадарга
бўлди.

Олтинчиси — қурб (илоҳиётга яқинлашиш) ва васлат
мақомига бутун вужуди, дилу жони билан интилиш. Яъни
кўнгил уйини риёзат супургиси билан чангу губор,
чиқиндилардан тозалаб туриш, токи кўнгил ишқ султони
ўтирадиган тахтага айлансин... зеро, модомики кўнгил дунё
тааллуқоти — ташвишлари галвасидан қутулмас экан, у дўст
муҳаббатининг маконига айланмайди.

Кўнгил токим тааллуқ зангидин пок ўлмас,

Жамоли зулжалол ғайб пардасидан жило этмас.

Кошифий

2.1. Ота-онага хурмат

«Биз инсонга ўз ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик».
Анкабут, 8

«Биз инсонга ўз ота-онасини рози қилишни буюрдик.
Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорғида) кўтариб
юрди. Уни (кўкракдан) ажратиб муддати икки йилда (битар).
(Биз инсонга буюрдикки) “Сен Менга ва ота-онангга шукр
қилгин!»

Луқмон, 14

«Аллоҳга ибодат қилинган ва Унга ҳеч нарсани шерик
қилманган. Ота-оналарга эса яхшилик қилинган!»
Нисо, 36

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси хузурингда кеқсалик ёшига етсалар, уларга «уф» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!

Уларга меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»

Исро, 23–24

«Сиздан (эй, Муҳаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтгин: «Ниманики хайр-эҳсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эҳсонларингизни Аллоҳ билиб турувчидир».

Бақара, 215

Эсланг, Исроил авлодидан: «Фақат Аллоҳгагина сифнасизлар, ота-она, қариндош, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар, одамларга ширинсўз бўлинг, намозни мукамал адо этинг, закот беринг», — деб аҳд олган эдик.

Бақара, 83

«Жаннат оналарнинг қаламлари остидадир».

Ҳадис

«Аввало онанга яхшилик қил, яна онанга ва яна онанга яхшилик қил, сўнг отанга яхшилик қил».

Ҳадис

«Отанг вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттир, акс ҳолда Аллоҳ таоло сенинг нуриңгни ўчиртай».

Ҳадис

«Одамларнинг ичда аёл кишига нисбатан ҳақироғи — унинг эри. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақироғи — бу унинг онаси».

Ҳадис

Гуноҳнинг кагталари: Аллоҳга ширк келтириш, инсон қонини ноҳақ тўкиш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлгон гувоҳлик бериш.

Ҳадис

«Эй, Парвардигор! Мени илм билан бойит, ҳилм¹³ билан безатгин, тақво билан муқаррам этгин ва хотиржамлик билан гўзал қилгин».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло сизларни оталарингиз номи билан қасам ичишдан қайтаради».

Ҳадис

«Яхшиликнинг энг улуғи отаси вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари билан алоқани узмасликдир».

Ҳадис

«Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир».

Ҳадис

«Уч хил дуо бордурки, улар шаксиз мустажоб бўлмай:

1) ота-онанинг фарзанд ҳаққига қарғаб туриб қилган дуоси;

2) мусофирнинг дуоси; 3) мазлум кишининг дуоси».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло қиёмат кўни уч тоифа кишига раҳмат назари билан боқмайди: 1) ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган киши; 2) ўзини (кийим ва пардозда) эркакларга ўхшатиб олган аёл; 3) ўз хотинини рашиқ қилмайдиган эр.

Уч тоифа киши жаннатга кирмайди: 1) ота-онасига оқ бўлган фарзанд; 2) ичимликка муккасидан кетган киши; 3) берган хайру эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи одам».

Ҳадис

«Ота-оналарини тирик вақтида рози қилмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин».

Ҳадис

«Отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир».

Ҳадис

¹³ Ҳили — юмшоқлик, мулоимлик.

«Ота-оналарингизга қандай яхши муомала қилсангиз, фарзандларингиз ҳам сизларга шундай муомала қиладилар».

Ҳадис

«Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онага жавоб қил!»

Ҳадис

«Отанг вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиришинг энг яхши ишлардан ҳисобланади».

Ҳадис

«Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин».

Ҳадис

«Кимки ота-онаси розилигини олган бўлса, унга қандай яхши?! Аллоҳ таоло унинг умрини узайтиради».

Ҳадис

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Тун-кунунга айлангани нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Навоий

Ҳар кимки атога кўп риюят қилгай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилгай.

Навоий

Олудаи юз туман маосий бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб хоси бўлмоқ.
Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида
Ким, оғритибон атони осий бўлмоқ.

Бобур

Отани чунки қибла дебгурлар,
Қибла янглиг анга назар қилгил!
Ота оғритма, эй отам, зинҳор,
Ота озоридин ҳазар қилгил!

Бобур

Бўл талабор истар гар бўлсанг отонинг давлатин,
Тангри носир бўлса, эй Бобур, жаҳонгир ўлғасен!¹³

Бобур

2.2. *Айли эволаши*

Эсланг (эй, Муҳаммад) Имроннинг хотини (Ханна): "Эй, Раббим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. (Уни) мёндан қабул эт! Албатта, Сен Самеъ (эшитувчи) ва Алим (билимдон)дирсан", — деб дуо қилди.

Кўзи ёригач, деди: «Эй, Раббим, мен қиз турдим», — ваҳоланки, Аллоҳ унинг нима туққанини билувчироқ эди. Ахир, (у кутган) ўғил бу қиздек (хислагли) бўлмасди. — «Мен унга Марям деб исм қўйдим ва унга ҳамда зурриётига қуввин этилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан сўрайман».

Оли Имрон, 35—36

«Аллоҳ имон келтирган зотлар ҳақида Фиръавннинг хотинини мисол келтирди. Ушанда у: "Эй Раббим! Ўзинг мен учун ҳузурингда (жаннатда) бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажоғ бергин. Мени золимлар қавмидан халос этгин!" — деди.

Яна ўз номусини сақлаган аёл — Марям бинт Имронни (мисол келтирди). Бас, Биз Ўз (даргоҳимиздаги) руҳимиздан унга пуфладик (ва у Исога ҳомиладор бўлди). У Парвордигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда (Аллоҳнинг амрига) итоат этувчилардан бўлди».

Таҳрим, 11—12

«Аллоҳ таоло аёлларга яхши муомала қилишларингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, хоталарингиздир...»

Ҳадис

«Қачонки эр ўз хотинига ва хогин ўз эрига қарашса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Борди-

¹³ Шарҳ. Аллоҳ мадақкоринг бўлса, жаҳонни оласан! Бу ерда Бобурнинг икки укаси Жаҳонгир мирзо ва Носир мирзоларга ҳам ишора бор.

ю кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади».

Ҳадис

«Аёл дини ёки молу дунёси ёхуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнаглисини танлагин, барака топгур!»

Ҳадис

«Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак».

Ҳадис

«Қайси бир хотин эридан беузр ва бесабаб талоқ қилишини сўраса, унга жаннат бўйи ҳаромдир».

Ҳадис

«Аллоҳнинг наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли аёлига фойдаси кўпроқ тегадиган кишидир».

Ҳадис

«Хотиннинг эрдаги ҳақлари: Эр овқатланганда хотинини ҳам овқатлантириши, ўзи янги кийим кийса, хотинга ҳам янги кийим олиб безантириши, юзига урмаслиги, ҳақорат қилиб сўкмаслиги, аразлаганда узоққа кетиб эмас, фақат бўлак ётишлигидир».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига хушмуомалада бўлганларингиздир».

Ҳадис

«Никоҳнинг яхшиси унинг маҳри енгилроқ бўлганидир».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганингиз. Мен сизларнинг орангиздаги аҳли аёлига яхши муносабатда бўлувчингизман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, уларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур».

Ҳадис

«Ҳалол ва руҳсат этилган нарсаларнинг ичида Аллоҳ таолога хуш келмайдигани — талоқдир».

Ҳадис

«Сизларнинг ёмонларингиз уйланмай юрадиганларингиздир».

Ҳадис

«Одамларнинг ёмони аҳли аёлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир».

Ҳадис

«Қайси бир мўминга Аллоҳ таоло солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демак, динининг ярмига ёрдам қилибди. Қолган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракаат қилсин!»

Ҳадис

«Икки қиз фарзандни боқиб, тарбиялаб вояга етказган одам билан мен жаннатда бирга бўлурман».

Ҳадис

2.3. Раҳбарга итоат

«Эй, имон келтирган зотлар, Аллоҳга, Пайғамбарга ва сизлардан иш эгаларига (раҳбарларга) итоат этинглар...»

Нисо, 59

«Эй, имон келтирганлар! Ёлпасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга очиқ душмандир».

Бақара, 208

«Қачонки Аллоҳ таоло бир подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга солиқ вазирни беради. У унутган пайтда эслагани, эслаган пайтда ёрдамлашади. Агар Аллоҳ подшоҳга ёмонликни истаса, унга ёмон вазир ато қилади: у унутса, эслатмайди эсласа, ёрдамлашмайди».

Ҳадис

«Сизларга қора майиз каби қоп-қора ҳабаш бошлиқ қилиб сайланган бўлса ҳам, унга қулоқ солинглар ва итоат қилинглар».

Ҳадис

«Хар қандай амирга итоат қил ва хар қандай имомнинг орқасида намоз ўқи! Саҳобаларимнинг бирортасини сўкма».

Ҳадис

«Ўз хожатини бошлиқларга етказа олмайдиған кишиларнинг хожатларини етказинлар, бас кимки ўзи етказа олмайдиған кишининг хожатини подшоҳга етказса, Аллоҳ таоло қиёмат кунининг оёқларини қиёмат кўприги узра собит қадам қилғай».

Ҳадис

«Уч хил киши бордирки, уларнинг аҳволларини (қанчалик ёмон бўлишлигини) менадан сўрамай қўя қолинглар: 1. Жамоатни тарк қилиб, ўз султонига бўйсунмай шу осий ҳолида ўлган одам. 2. Хожасидан қочиб ўлган кул. 3. Дунёвий хожатларига яраб турган эри йўқлигида ўзига оро бериб, ясаниб, очик-сочик ҳолда кўчага чиқадиган аёл».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло қиёмат кунининг тоифа кишилар билан сўзлашмайди ва уларга раҳмат назари билан боқмайди, гуноҳларини ҳам кечмайди, балки уларга қаттиқ азоб беради: 1. Саҳрода ортиқча сувини бошқа йўловчилардан қизғанган одам. 2. Асрдан кейинги улуг бир соатда ўз молинини бунчага сотиб олганман, деб Аллоҳ номи билан ёлғон қасам ичиб, сотувчи одам. 3. Ўз подшоҳи билан дунё умидида аҳдлашган, агар ундан фойда кўриб турса, аҳдига вафо қилиб, фойда кўрмаса хиёнатга ўтадиган одам».

Ҳадис

«Подшоҳ бамисоли Аллоҳнинг Ердаги соясидир. Кимки уни иззат-икром қилса, Аллоҳ таолони иззат икром қилган бўлади. Агар кимки уни хорласа, гўё Аллоҳни хорлаган бўлади».

Ҳадис

«Хар бир мусулмон кишига итоат этиш вожибдир. Хоҳ у буни ёқтирсин, хоҳ ёқтирмасин, башарти маъсият (гуноҳ) амалларга буюрилмаган бўлса. Мабодо гуноҳ ишларга буюрилса итоат қилиш йўқ».

«Сизларнинг хар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хогин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отасининг мулкига масъулдир. Демак, хар бирларингиз масъулдирсизлар».

Ҳадис

«Қандай бўлишларингизга қараб сизларга бошлиқ тоборилади».

Ҳадис

«Кимки ўз подшоҳини гуноҳ ва маъсият ишларига тарғиб этса, қиёмат кунининг ўзи хижолат ва шармисор бўлур».

Ҳадис

«Қулоқ солиб, итоат қилиш хар бир мусулмон киши учун лозим. Буюрилган нарса у кишига ёқадими, ёқмайди унинг аҳамияти йўқ. Фақат гуноҳ бўлмаса бўлди».

Ҳадис

«Султон (давлат раҳбари) Аллоҳнинг соясидир. Хар бир мазлуум ундан паноҳ қидиради».

Жавомибул калим

Халқ аро кимки подшоҳдурур,
Тоатин қилмасанг гуноҳдурур.

Бобур

Подшоҳе агарчи золимдурур,
Аҳли ислом ичра ҳокимдурур.
Анга қилмоқ хуруж бўлди ҳаром,
Будурур шаръ ичра рабту низом.

Бобур

¹⁴ *Изоҳ: Бобурнинг Ахсида яқин Санг қишлоғидаги жангалдан бирини айтаган ҳикмати. Шу кезларда у Карнон деган жойда душман қуришовада қолади. Кейинчалик Хожа Яқуб, Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари бир илоҳий каромат туфайли Бобурнинг қуришова қолгаллигини билиб, уни душман исканжасидан қутқарадилар.*

Енгилган сафга бир "ҳой" кифоядир¹⁴.

Бобур

Агар тариқатнинг имони нима, деб сўрасалар, руҳнинг (шахенинг) иролада оғишмай мустаҳкам туриш, яъни пир ва устоз амрини устивор туриб адо этишидир, деб айт. Агар тариқатнинг интиҳоси — хатми нимага асосланади деб сўрасалар, қуйидаги ўн нарсга асосланади деб айт: аввал — зикр, иккинчи — шукур, учинчи — хизмат, тўртинчи — тоат, бешинчи — мурувват, олтинчи — қаноат, еттинчи — муҳаббат, саккизинчи — таслим (итоат), тўққизинчи — таваккул, ўнинчи тавҳид.

Кошифий

2.4. Ватанпарварлик ва ватанга муҳаббат ҳақида

«Жангга кетганларнинг хотинлари узр туфайли уйда қолганлар учун бамисоли оналаридек маҳрамдирлар. Улардан қайси бири омонат қолган шу аҳли аёлларга нисбатан шаҳвоний хиёнат қилса, қиёмат кунда уни тик турғизилиб, мазлумга: «Унинг савобларидан хоҳлаганингча ол!» деб буюрилади. Шундай қилиб, унинг амалларини олади. Яна қандай гумон қилурсизлар».

Ҳадис

«Беш хил гуноҳнинг каффорати йўқ. 1. Аллоҳга ширк келтириш. 2. Ноҳақ қон тўкиш. 3. Мўминларга нисбатан бўҳтон уюштириш. 4. Жангдан қочиб. 5. Қасам ичиб бировнинг ҳаққини ноҳақ ўзлаштириш».

Ҳадис

«Аллоҳ йўлида қилинган газотда шериклари мағлубиятга учраб орқага чекинганда қочмай душманга юзма-юз бўлиб қони тўкилган кишидан Парвардигор рози бўлур. Аллоҳ таоло ўз фаришталарига: «қаранглр, бу бандам менинг ҳузуримдаги мукофотга рағбатини ва ризолигини топиш йўлидаги хоҳишини билдириб шаҳид бўлди», — деб айтар экан».

Ҳадис

«Болаларингизга сузиш ва ўқ отишни ўргатинглр».

Ҳадис

«Узр туфайли уйда қолганлардан қуруқликда газот қилганнинг савоби қанча ортиқ бўлса, қуруқликдаги амалчилардан кўра денгиздаги жангчиларнинг савоби шунча ортинқдир».

Ҳадис

«Кимки душман билан жанг майдонида тўқнашганда сабру матонат билан урушиб ҳалок бўлса ёки галаба қилса, ўлганда кўр азобидан омон бўлур».

Ҳадис

«Мард киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас».

Замахиарий

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбаг ҳавас айлама.

Навоий

Элга қўшулгон эш топпи.

Навоий

Эл ғусасини сингурмагинг мақсуд эт,
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

Навоий

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлгил.

Навоий

Неким ўз қошингда эрур нораво,
Улусқа они кўрма асло раво.

Навоий

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ гамидин гами.

Навоий

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ганий.

Навоий

Жавонмардликнинг ниҳояти яхшилик йўлида жондан кечишга тайёр туриш, фидойи қалб эгаси бўлишдир. Хусрав Деҳлавий ёзадилар:

Олгин-қумуш ҳада эгувчи мардлар кўп,
Жонни фидо эгувчилар марддир, мард!

Кошифий

Жавонмардликнинг бутун моҳияти куйидаги икки сифатда мужассамдир: бири — дўстларга наф етказиш, яъни саховат, иккинчиси дўстларни душман зараридан ҳимоя қилиш, яъни шижоат...

Кошифий

Ватанпарвар — ўз ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган инсондир, халқи ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

Охундов

Ямон от билан тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқдир¹⁵.

Бобур

Шуҳрат билан ёдланишни ҳақимлар иккинчи умр демишлар¹⁶.
Бобур

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Гурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу гурбат шарҳин,
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Бобур

Ёд этмас эмиш кишини гурбатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатга киши.

¹⁵ Исоҳ: Бобурнинг жангдаги аскарларига қилган даъват сўзларидан намуна.

¹⁶ Исоҳ: Бобурнинг Султон Ҳусайн фарзандлари билан биргаликда Шайбонийхонга қарши курашга аҳдлашганларида, Музаффар мирзонинг иттифоққа қўшилмай ёмон отлиг бўлганига форсий тилдаги ҳикмати эслатиб утади.

Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатга севунмас эрмиш, албатта, киши¹⁷.

Бобур

Андин бериким, қасдим учун турди фироқ,
Юз дарду аламни манга еткурди фироқ.
Мени эшикингииздин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чорас, йўқ эрса ўлтурди фироқ.

Бобур

Борми экин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,
Ҳар неким, ондин ямонроқдур, будур ондин ямон.

Бобур

Жонига етишди тузу тоғ бирла кўнгул,
Дардини тугатмас айтмоғ бирла кўнгул.
Гурбатга оёқ бирла бадан тинмас, лек
Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла кўнгул.

Бобур

Ҳижрон ғамидин заиф жоним сўлди,
Гурбат алами бирла ичим қон тўлди.
Юз шукрки, мунча йилги ғам бирла алам,
Роҳат била ишратқа мубаддал ўлди.

Бобур

Кўпдин бериким ёру дийрим йўқтур,
Бир лахза-ю бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин борурифта ихтиёрим йўқтур.

Бобур

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқида кўнглумдин ҳар дам оқар сў¹⁸.

Бобур

¹⁷ Бобур она юрти Андижон ва Самарқанддан айрилиб сарсону саргардончилиларда Тошкентдалик вақтида ёзган рубоиси.

¹⁸ Бобурнинг Хандистонда туриб Андижонни, унинг оқар сувлари-ю медаларини сотиниб ёзган шеъри.

Яна мўмин ишида ёрлиғ эт,
Элу тил бирла мадакдорлиғ эт!

Бобур

Агар фугувватнинг шартлари нечта, деб сўрасалар, етмиш битта деб айт: бунинг қирқ саккизгаси вужудий, йигирма учгаси азалийдир.

Аммо вужудийлар (қуйидагилардир): биринчи — ислом, иккинчи — имон, учинчи — ақл, тўртинчи, илм, бешинчи — ҳилм (ҳалимлик), олтинчи — зуҳд (тақво), еттинчи — вараъ (парҳез), саккизинчи — сидқ, тўққизинчи — қарам, ўнинчи — мурувват, ўн биринчи — шафқат, ўн иккинчи — эҳсон, ўн учинчи — вафо, ўн тўртинчи — ҳас, ўн бешинчи — таваккул, ўн олтинчи — шижоат, ўн еттинчи — гайрат, ўн саккизинчи — сабр, ўн тўққизинчи — истиқомат, йигирманчи — насиҳат, йигирма биринчи — нафс таҳорати, йигирма иккинчи — олиҳимматлилик, йигирма учинчи — сирни яшириш, йигирма тўртинчи — раҳмдиллик, йигирма бешинчи — шариат риояси, йигирма олтинчи — амри маъруфни бажариш, йигирма саккизинчи ота-она хурматиғи бажо келтириш, йигирма тўққизинчи — устоз хизматиғи бўлиш, ўттизинчи — ҳамсоя ҳаққини адо этиш, ўттиз биринчи — тилга фақат савобга қарагилган каломни келтириш, ўттиз иккинчи — кўп билиб, оз гапириш, яъни билим мўллиғидан сукут сақлаш, ўттиз учинчи — ҳамма жойда ҳалолни талаб қилиш, ўттиз тўртинчи — салом одобини бажо келтириш, ўттиз бешинчи — оқиллар билан суҳбатлашиш, ўттиз еттинчи — шуқр қилиш, ўттиз саккизинчи — мазлумларга ёрдам қўлини чўзиш, ўттиз тўққизинчи — етим-есирлар, ёлғиз кишилар аҳволини сўраб туриш, қирқинчи фикрат (уй-фикр, андиша) ва ибрат кўрсатиш, қирқ биринчи — ихлос билан амал қилиш, қирқ иккинчи — амонатга хиёнат қилмаслик, қирқ учинчи — шайтоний нафса қарши душманлик кўрсатиш, қирқ тўртинчи — инсоф чизигидан чиқмаслик, қирқ бешинчи — ризо-розилик ҳиссини йўқомаслик, қирқ олтинчи — касалларни кўришга бориш, қирқ еттинчи — ножинс ва нокаслардан узоқ туриш, қирқ саккизинчи — доимий зикр билан банд бўлиш (худонинг номини тилга олиб туриш).

Аммо парҳез қилинадиган (яъни манъ этиладиган) ишлар қуйидагилардир: биринчи — (пирга) қарши бориш, иккинчи —

қабих сўз сўзлаш, учинчи — яхшиларнинг орқасидан гапириш, тўртинчи — (бировни) ортиқча мазаҳ қилиш, бешинчи — гап ташитиш, олтинчи — кўп кулиш, еттинчи — пайлага хилоф иш қилиш (аҳдни бузиш), саккизинчи — одамлар билан макр-ҳийла юзасидан муомала қилиш, тўққизинчи — ҳасад қилиш, ўнинчи — зулм ўтказиш, ўн биринчи — алдаш (гаммозлик қилиш), ўн иккинчи — бойлик ортиришга ружуъ, ўн учинчи — хирс қутқусига учиш, ўн тўртинчи — узоқ орзу-мақсадни кўзлаш, ўн бешинчи — одамлардан айб қидириш ва бетга чопарлик қилиш, ўн олтинчи — ёлгон қасам ичиш, ўн еттинчи — халқ молидан тамаъ қилиш, ўн саккизинчи — хиёнат қилиш, ўн тўққизинчи — бўҳтон-туҳмат қилиш ва кўрмаган нарсани кўрдим деб гувоҳлик бериш, йигирманчи — шароб ичиш, йигирма биринчи — судхўрлик қилиш, йигирма иккинчи — зино қилиш, йигирма учинчи — ёмон мазҳабли одамлар билан суҳбатлашиш. Кимки мазкур етмиш бир шартдан беҳабар бўлса, у фугувватдан бебаҳрадир.

Кошифий

2.5. Дўстлик, самимийлик, вафодорлик

«...Ахдга вафо қилинглар! Зеро, ахд (қийёмат куни) сўраладиган ишдир».

Исро, 34

«Эй, одам фарзандлари, мен сизларнинг ҳусну сувратларингиз ва мол-дунёларингизга боқмасман, балки дилларингиз ва қилган амалларингизга боқурман».

Ҳадиси қудсий

«Бандаларимнинг ибодатлари ичида менга суюмлироғи менинг йўлимда яхши амалларга тарғиб ҳамда ҳолис насиҳат қилишдир».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, мен учун ҳолис амал қил ва сўрагил. Мен сўровчилар истаган нарсаларининг афзалини бераман».

Ҳадиси қудсий

«Аллоҳ таоло айтадики, икки шерик бири иккинчисига хиёнат қилмаса, Мен уларнинг учинчисидурман, қачонки хиёнат қилса, уларнинг ўргаларидан чиқиб кетаман».

Ҳадис

«Амалларингизни Аллоҳ таоло учун ҳолис бажаринглар, чунки Аллоҳ таоло фақат ҳолис амалларнинггина қабул қилади».

Ҳадис

«Динингда ҳолис бўл (амалларни ихлос билан бажар), шунда озгина амал ҳам сенга кифоя қилади».

Ҳадис

«Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Аллоҳ таоло умматларимни фақат тўғри йўлда бирлаштиради».

Ҳадис

«Яхшиликни чиройли тюзли кишилардан кутинглар».

Ҳадис

«Ким кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин».

Ҳадис

«Икки мусулмон учрашганда қўл бериб кўришиб, худого ҳамду сано ва истиффор айтсалар, ҳар иккиларининг ҳам гуноҳлари мағфират қилинур».

Ҳадис

«Аллоҳга имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали бу одамлар билан дўстлашишдир».

Ҳадис

«Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бир аъзо оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабидир».

Ҳадис

«Кўп кулишдан сақланинг, чунки кулли қалбни ўлдирлади ва юзнинг нуруни ўчиради».

Ҳадис

«Одамларнинг руҳлари (одам яратилишидан олдин) бамисоли бир тўп лашкар бўлганлар. Улардан қай бирлари бир-бирлари билан кўришиб танишган бўлсалар, ўшаларнинг эгалари бу дунёда дўстлашувлар: Қай бирлари бир-биридан узоқлашган бўлсалар, уларнинг эгалари ҳам ўзаро йироқ муносабатда бўлувлар».

Ҳадис

«Изн уч мартагача сўралади. Агар изн берилса, кир, йўқса қайтавер!»

Ҳадис

«Осонлик вақтида Аллоҳни таниб, унга илтижо қилиб юринг, токи қийинчилик вақтингда у ҳам сени танисин».

Ҳадис

«Япайдиган жойингдаги ёмон кўшнидан Аллоҳдан паноҳ тилагин. Саҳродаги кўшни эса тез кўчиб кетувчидир».

Ҳадис

«Биродари ҳаққига ғойибона қилинган дуо рад этилмайди».

Ҳадис

«Киши ўз дўстининг лину диёнатига мослашиб кетади. Бинобарин, ким билан дўстлашаётганига қараб иш тутсин».

Ҳадис

«Қайси бир киши қишлоқдаги биродарини кўриш учун йўл олса, Аллоҳ таоло унинг йўлига бир фаришгани қойим қилиб қўяди. У йўловчидан: «Қаерга борурсан», — деб сўрайди. У: «Мана шу қишлоқдаги биродаримни кўргани борурман», — деб жавоб беради. Яна сўрайдики: «Сенга бирор берадиган неъмат борми?» У: «Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида дўст тутаман», — деб жавоб беради. Шунда фаришта: «Мен сенга Аллоҳ томонидан юборилган элтидирман. Сен биродарингни қанчалик яхши кўрсанг, Аллоҳ ҳам сени шунчалик яхши кўради», — деган сўзни сенга айтгани келдим, дейди».

Ҳадис

«Инсон кимни дўст тутса, (жаннатда ҳам) ўша билан бирга бўлади».

Ҳадис

«Аллоҳ йўлида бир-бирлари билан дўстлашувчи¹⁹, ўзаро суҳбатлашувчи, бир-бирларига хайру саховат қилувчи ва бир-бирларини зиёрат этувчи кишиларга Аллоҳнинг муҳаббати ҳақдир».

Ҳадис

«Икки мусулмон ўзаро учрашиб, қўл бериб сўрашган заҳоти ажралишиб кетмай турибоқ уларнинг гуноҳлари мағфираат қилинади».

Ҳадис

«Яхши улфат бамисоли аттордир. Агтордан бирор нарса олмасанг-да, унинг хушбўй ҳидларидан баҳраманд бўлиб турасан».

Ҳадис

«Мўминлар ўзаро дўстлашишда раҳму шафқатда ва меҳру оқибатда гўёки бир тананинг аъзоларидир. Унинг бирор аъзоси огривса, бошқа аъзолари ҳам бедорлик ва ҳарорат билан алам чекади».

Ҳадис

«Кимки имон ҳаловатини татиб кўришни истаса, биров билан фақат Аллоҳ учун дўстлашсин!»

Ҳадис

«Ваъда қарзидир».

Жавомибул калли

Кудри тоифаси сингари талайдиган, Кудри куши сингари учди-кетди²⁰.

Замахишарий

¹⁹ «Аллоҳ йўлида дўстлашиш» оят ва ҳадисларда тез-тез учрайдиган мавзу бўлиб, бунда кишининг мансаби, мому дунёси эмас, балки яхши хислатлари учун дўстлашиши назарда тутилади.

²⁰ Ававалига яхши гапириб одамнинг ичига келиб олиб, ўз ишини битирган, Кудри куши сингари тойиб бўладиган кишиларга нисбатан айтилидиган ибора.

Ўз бироларингни мушклан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан миққтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

Замахишарий

Огоҳ бўлингизки, карим ва хурмагли одамни йўқотиш эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.

Замахишарий

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб эшит ва хурмагини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбат ва майилинг йўқ бўлса ҳам.

Замахишарий

Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва бир-бирингизга эизенсиз, қачонки бошингизга бирор-бир хасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтда (дўстлик бошга оғир кун тушганда билинади, деган маънода).

Замахишарий

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш.

Навоий

Ҳар кўнгилниким вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Навоий

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

Навоий

Ҳар кимки сўзи ёлгон, ёлғони зоҳир бўлгач уёлгон. Ёлгонни чиндек айтувчи суҳанвар – кумушни олгун била рўкаш қилгувчи заргар.

Навоий

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл солади.

Низомий

Вафо жавонмардларнинг ишидир ва аҳду паймонни синдириш, аҳдга вафо қилмаслик нуқси виждоннинг нуқсидир.

Белни вафо белбоғила руст эт,
Қўлни вафо эмгагига чуст эт!

Кошифий

Дўстимки, душганимга дўстлик қиларкан, уни мен дўст ҳисобламайман. Заҳарга қўшилган шакардан эҳтиёт бўл, ўлакка илон устига қўнган пашшадан ўзингни торг.

Ибн Сино

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур

Аҳбобқа хуштур рафиқ ўлса киши,
Имдод ила ҳомийи тариқ ўлса киши,
Ислому элига жон била тарвиж қилиб,
Бир-бирга бу беш кун шафиқ ўлса киши.

Хулқунгни рост қилгил ҳар соригаки борсанг,
Аҳсанга дер бори эл гар яхши от чиқарсанг²¹.

Бобур

Тариқи фақр сулук аҳлига не хуш йўлдур,
Вале бу йўлда керактурур рафиқи шафиқ.
Тариқи фақр агар истасанг, бери келким,
Сулук аҳли демиш: «Аррафику сумма тариқ»²².

Бобур

²¹ Бу аслида муаллимдан иборат бўлиб, ундан "Ҳасан" номи чиқади. Бобур бу дунёда фақат яхшилик қилган инсонинггина номи қолади ва у яхши (ҳасан) инсон сифатида эга олинади мазмундаги гуманистик гояни илгари сурмоқда.

²² Бу китъа Бобурнинг тариқат йўлига кирмоқчилик умидида эканлигини ёрқин бир намунаси бўлиб хизмат қилади.

Дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир²³.

Бобур

Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур,
Аҳбобнинг ихтилоғи мақсудидур.
Ҳижрон чекиб аҳбобни ҳар ким кўрур,
Хуш давлати-ю толеи мақсудидур.

Бобур

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳр дурур будур анинг расмики,
Ойириб кишини азизидин хор айлар.

Бобур

Васлингга кўнгул қиёссиз толибдур,
Хажринг аро ихтиёрсиз қолибдур.
Муштоқлигим шарҳин дей олмасман,
Дийдорингга иштиёқ кўп қолибдур.

Бобур

Аҳбоб йиғилмоқни фароғат тутингиз!
Жамъиятингиз борини давлат тутингиз!
Чун гардиши чарх бу дурур, Тангри учун,
Бир-бирни неча кун ғанимаг тутингиз!

Бобур

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма!
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма!
Боргонни, кел эмди, ёр қилма, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф элиб ўқсутма!

Бобур

Дўстликни, гар, тиларсен, айласанг исбот қил,
Сўхбагингга асру кўп муштоқдурмен, бот қил!

Бобур

²³ Йзоҳ: Бобурнинг Лангар тоғларидан ўтиб, Гаржистондаги қалин қорларни кечиб йўл толовмай қийинчиликларда айтган форс тилидаги мақоли.

Якталабу якдилу якхүй²⁴ бўл,
Барча халойиқ била якрүй²⁵ бўл!²⁶

Бобур

Ғийбату ёлгон музий сўздин,
Эҳтироз эт, йироқ эггил ўздин.
Ҳар ямон қавлни ўздин дур эт,
Тилингда бир нимани мазкур эт!

Бобур

Аҳду қавлинг дурусту маҳкам қил,
Ваъда чун айладинг, вафо ҳам қил!²⁷

Бобур

Қулфагда билайлик, дўсту донони,
Қалқон бўлажак у синалган они.

Абу Шужур

Кимки давлатингда дўст бўлса агар,
Билгил, у дўст эмас, душмандан багтар.

Абу Шужур

Уруш – ботирни, жаҳл – донони, йўқчилик – дўстни
синайди.

Ал-Хоризий

Дўст-дўстга шундай кўзгуки, ундан тиникроғи йўқ.

Анварий

Икки кишидан сен яширма лардинг:
Бири табиб эрур, бири – ҳамлардинг.

Алтор

Тавба қилмоқ керак одагда бир бор,
Заҳар ютиб бўлмас икки қур зинҳор.

Абу Шужур

²⁴ Бир феъли.

²⁵ Бир юзли.

²⁶ *Изоҳ:* Комрон мирзоини Ҳумон мирзога йўлаган мактубидан.

²⁷ *Бобурнинг фарзандларига қилган ўғитларидан.*

Шу одам бўлур менга чин дўсту ёр –
Ки айбим юзимга деса ошкор.

Саъдий

Ҳамроҳини мушкул йўлда ташлаб кетган одам ҳеч ерда
қиловат топмайди.

Саъдий

Дўст дема гар нозу неъмаг устида,
Урса лоф: «Дўстимсан, азиз, меҳрибон».
Дўст улир – дўстига чўзади қўлин,
Дўсти бўлганида ночор, ногавон.

Саъдий

Дўст-ла сўзлашсанг ҳам бўлгил эҳтиёт,
Душман қулоғига етишмасин, боқ.
Девор ичра ҳар не десанг ҳушёр бўл,
Девор орқасида бўлмасин қулоқ.

Саъдий

Эмас мақтаган дўст, алдамчидир,
Маломатчилар сенга ёрдамчидир.
Ширин бўлса ҳам қанд касалга зарар,
Даво бўлмай аччиқ, тахир дорилар.

Саъдий

Кўча севгиси уйни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.

Саъдий

Мардлик билак кучида ва шамшир ўйнатиш санъатида
эмас, мардлик ўзни туга билишда ва адолатли бўлишдадир.

Саъдий

Ёлгон бевиқор қилур одамни,
Ёлгон шармисор қилур одамни.

Саъдий

Чинакам дўст айтган ҳар ўғит, масал
Сирги – заҳар эрур, томири – асал.

Хисрав

Яқин дўстинг сенга ёмон истаса,
Ундин юз ўтир ё бардош-ла сўзла.
У билан олишма, сўкма, тортишма,
Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.

Жомий

Йигитнинг куч-қуввати унинг ошна-оғайниларининг
кўллиги билан билинади.

Халқ мақоли

2.6. Саломлашиш одоби

«Эй, имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйлارга
то ин сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча
кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан)
эслатма олсангизлар.

Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангизлар, унда то
сизларга ин берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга
«қайтинглар» дейлса, қайтиб кетавeringлар! Шу сизлар учун
энг тоза (йўл)дир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни
билувчидир».

Нур, 27–28

«Саломлашиб юринглар, одамларга таом едиринглар, Аллоҳ
бурганидек ўзаро биродар бўлинглар».

Ҳадис

«Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда
ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур».

Ҳадис

«Отлиқ ўтирган, юриб кетаётган кўпчиликка салом берсин!
Саломга алик олса яхши, борди-ю алик олмаса салом
берувчига зарари йўқ».

Ҳадис

«Салом» Аллоҳнинг ердаги исмларидан биридир. Бир-
бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мусулмон
киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб салом берса, улар ҳам
алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп

снубга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга зарари йўқ.
Чунки улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни
фаришталар алик олишади».

Ҳадис

«Жаноб пайгамбаримиз қачонки ёш болалар олдидан ўтиб
қолсалар, улардан олдин салом бериб ўтар эдилар».

Ҳадис

«Қўл бериб сўрашиш билан саломлашиш мукаммал бўлади».

Ҳадис

«Учрашганлардан қайси бири биринчи бўлиб салом берса,
ўша одамга Аллоҳ ҳам, унинг Расули ҳам яқиндир».

Ҳадис

«Сизларга бир-бирингизга меҳр-оқибат уйғотадиган, хурмат
на эҳтиромларингизни мустаҳкам қиладиган бир ишни айтмайми?!
Ўзаро бир-бирингиз билан ошқора саломлашингиз».

Ҳадис

«Пайгамбаримиз ўзлари доимо бошқаларга биринчи бўлиб
салом берар эдилар».

Ҳадис

«Беморни кўргани борганда унинг пешонасига кўлни
қўйиб, ҳол-аҳвол сўраш зиёрат ҳисобланади. Қўл бериб
кўришишлик билан саломлашиш мукаммал бўлади».

Ҳадис

«Каломдан олдин салом (аввал салом, баъдаз калом)».

Жавомибул калим

«Одобнинг аввали саломдир».

Халқ мақоли

2.7. Ростгўйлик

«Аллоҳнинг наздида энг яхши гап рост гапдир».

Ҳадис

«Аччиқ бўлса-да ҳақ сўзни сўзланг».

Ҳадис

«Гарчи ўзингнинг зарарингга бўлса ҳам ҳақ сўзни сўзла».

Ҳадис

«Доимо тўғри сўз бўлинглар, чунки у жаннатда яхшилик билан биргадир».

Ҳадис

«Аллоҳга имон келтирдим», дегину, сўнг тўғри бўл!

Ҳадис

«Аллоҳ таолонинг наздида тўғри сўздан ортиқ садақа йўқдир».

Ҳадис

Эй дарвеш, тўғри сўзли, тўғри иш қиладиган, эзгу ахлоқли (бўл) ва ўзгаларга роҳат етказадиган бўлишга жидду-жаҳд қилгил. Токи сен ўзинг ўзингдан хотиржам (омон) бўлсанг ва ўзгалар ҳам сендан омонда (хотиржам) бўлсалар. Қаердаки амну омонлик бўлса, у ер жаннатдир ва қаердаки омонлик бўлмаса (нотинчлик) бўлса, у ер дўзахдир. Ахир одамнинг жаннатий ва жаннатда бўлишидан кўра ортиқ неъмат борми? Ва дўзахий бўлиш ва дўзахда бўлишдан кўра ортиқ захмат борми?

Насафий

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.

Замахишарий

Момақалдироқ, ёмғирнинг ёғиши ростгуй (ҳақгуй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир.

Замахишарий

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас.

Замахишарий

Сени касод-у инкисорга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, аммо «қўрқма», «зарари йўқ», «ишени йўқ», деб юклатувчилардан узоқроқда бўл.

Замахишарий

Агар тариқатнинг такбири нима деб сўрасалар, тўғри ва маъбул сўз айтиш дегин.

Кошифий

а) Ёлгоннинг зарарлари

«У кунда (хаётлик вақтларида қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!»

Мурсалот, 15

«(Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!»

Мутаффифун, 1

«Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир».

Мутаффифун 2—3

«Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш».

Ҳадис

«Кўрмаган тушини кўргандек гапириб бериш ёлгоннинг ёлгонидир».

Ҳадис

«Гуноҳларнинг катталари-Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, ёлгон қасам ичишдирки, Аллоҳ номи билан қасам ичишда чивин қанотидек ёлгон қўшса, ўша нарса қиёмат кунигача қалбида қора доғ бўлиб қолади».

Ҳадис

«Мен ҳам бир инсонман. Сизлар менинг олдимга хусумат билан ҳукм сўраб келиб турасизлар. Балки бирингиз иккинчигиздан ўз сўзини ўтказишга устароқ бўлар. Мен

эшитган гапимга биноан унинг фойдасига ҳукм қилиб юборишим мумкин. Бошқа бир мусулмон зарарига қўшган ноҳақ гапи дўзахнинг бир бўлак ўтидир. Хоҳласа шу ўтни қўпайтириб олсин, хоҳласа озайтирсин».

Ҳадис

«Ёлгон гапиришдан сақланинглр, чунки ёлгончилик имондан айиради».

Ҳадис

«Ростгўйликда хавфу хагар кўрсанглр ҳам, рост сўзланглр. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлгондан сақланинглр. Чунки бари бир ёлгоннинг охири вой».

Ҳадис

«Ёлгон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан кўзгалмай туриб, Аллоҳ таоло унга дўзахни вожиб қилиб қўяди».

Ҳадис

«Ёлгончиликдан сақланинглр, чунки у ёмонлик билан бирга дўзахда бўлади».

Ҳадис

«Кичининг эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши унинг ёлгончилигига далилдр».

Ҳадис

«Эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериш кишининг гуноҳкор бўлишига кифоя қилади».

Ҳадис

«Ҳиёнат ва ёлгончиликдан бошқа ҳар бир нуқсон мўминда бўлиши мумкин».

Ҳадис

«Кимки менинг номимдан тўқилган ҳадисни сохталитини билиб туриб ривоят қилса, демак, у ёлгончиларнинг ёлгончисидр».

Ҳадис

«Кўрган-билгани ҳақида гувоҳлик беришдан бош тортган мим ёлгон гувоҳлик берган билан баробардир».

Ҳадис

«Кимки менинг номимдан ёлгон ҳадис тўқиб тарқатса, мимнинг хоҳлаган еридан ўзига жой танлайверсин!»

Ҳадис

«Ҳийла-найранг ва алдамчилик(нинг жойи) дўзахладир».

Жавомитўул калим

«Одамларнинг энг ёмонларидан иккиозламачиларини (инли бошқа, дили бошқаларни) топасизлар. Улар одамларга тоҳ бу юз билан, бошқаларига бошқа юз билан келадилар».

Жавомитўул калим

Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талабу лавьоси ёлғону бўхтондир, яъни айтган сўзлари-ю ишлари уларига мувофиқдир.

Замахиариий

Шер билан Дуррож²⁸

(Ҳикоя)

Бир ўрмонда Шер билан Дуррож яшар экан. Шернинг кичкина боласи бўлиб, у ҳали юришни билмас экан. Онаси уни жуда яхши кўрар ва кумурсқа таламасин деб, доимо тишида олиб юрар экан. Кунлардан бир куни шер боласини тишлаб олиб юрганида Дуррож “тир” этиб, Шернинг боши устидан учиб ўтибди. Шер чўчиб кетибди ва боласини қаттиқ тишлаб олибди. Шер бу ишдан жуда хафа бўлибди. У боласининг яра бўлган жойини ялаб-ялаб қўйибди. Боласи тиңчилибди. Дуррож Шерни доим шундай чўчитилишни одаг қилибди. Ниҳоят Шер Дуррож билан дўстлашмоқчи бўлибди ва унга:

— Кел, шу ўрмонда бирга дўст бўлиб, тиңчгина яшайлик. “Сен сайраб, мени хурсанд қил. Бирор кимса сени хафа қилса, мен ҳамма вақт сенга ёрдам берай”, — дебди.
— Хўп, кел дўст бўламиз, — дебди Дуррож ҳам.

²⁸ Дуррож — булдуруқ, каптарсимонлар туркумига мансуб қуш.

Кунлардан бир куни Дуррож: “Мен тузоққа тушдим. Ёрдам бер! — деб қичқирибди. Шер ёрдам бериш учун югурибди. қараса, Дуррож уни алдабди. У ҳеч қанақа тузоққа тушмабди. Шер дўстидан хафа бўлибди. Унга қараб: “Ёлгон сўзламагин, ёлгончи эл олдида уялиб қолади”, — дебди. Аммо Дуррож Шернинг гапига қуроқ солмабди, алдашини қўймабди.

Кунлардан бир куни Дуррож ростдан овчи қўйган тузоққа тушиб қолибди. “Дод! Мени тутиб олдилар! Ёрдам бер!” — деб жон-жаҳди билан қичқирибди. Шер уни эшитиб, ёрдамга бормоқчи бўлибди-ю, кейин ўйлаб қолибди: “Хар галгидек бу гал ҳам мени алдаётгандир. Бормайман”.

Шундай қилиб Дуррож ёлгончилиги туфайли дўстидан ажралибди ва овчи тузоғига илинибди.

б) *Ҳаёли бўлиш*

«... Фаҳш ишларнинг ошқорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз...»

Анғом, 151

«Ҳаё имондандир».

Ҳадис

«Ҳаёнинг бутун вужуди яхшидир».

Ҳадис

«Ҳаё доим яхшилик келтиради».

Ҳадис

«Ҳаё билан камсуханлик имоннинг икки бўлак қисмидир. Уятсизлик ва сертаплик мунофиқликнинг икки бўлак қисмидир».

Ҳадис

«Зинокорлик фақирлик келтиради».

Ҳадис

«Бошқа одамларнинг хотинларига нисбатан ифбатли бўлинглар, шунда сизларнинг хотинларингизга нисбатан ҳам одамлар ифбатли бўлурлар».

Ҳадис

• Рашк — имондан, рашксизлик эса мунофиқлик келтирилади».

Ҳадис

• Фаҳш қайси нарсада бўлса, уни бузади. Ҳаё қай бир нарсада бўлса, унга зийнаг бахш этади».

Ҳадис

• Кимки зино қилса, унинг имони кетади. Тавба қилса, Аллоҳ таоло кечиради».

Ҳадис

• Кимки эри бир ёққа кетган аёл билан зино қилса, қисматда унга бир илон орқали азоб берилади».

Ҳадис

«Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Аллоҳ таолодан уқинмайди».

Ҳадис

«Зино қашшоқлик келтиради».

Жавомибул калим

Луқмони Ҳаким ўғитлари:

1. Бировнинг уйига кирганда кўз ва тилинга эҳтиёт бўл.
2. Тунда гапирсанг оҳиста ва мулойим гапир, кундузи гапирсанг ён-атрофинга эҳтиёт бўл.
3. Ўзингдан каттага ҳазил қилма.
4. Одамларга қараб керилма.
5. Бировни бировнинг олдида хижолат қилма.
6. Қошу кўзинг билан чақимчилик қилма.
7. Тилни сақла.
8. Гапирётганда кўлингни силкитма.

2.8. *Сабр ва шукри бўлишнинг ҳикматлари*

«Эй, имон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағри кенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, зора (охиратда) нажоғ топсангиз!»

Оли Имрон, 200

«Эй, имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».

Бақара, 153

«Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз унинг ҳузурига қайтувчилармиз», дейдилар».

Бақара, 156

«...Сабр қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».

Анфол, 46

«Албатта, кимки (азиятларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, албатта, бу пухта ишлардандир».

Шўро, 43

«(Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина (етур)...»

Тағобун, 11

«Эй, одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут, ўзим сени олий даражага кўтараман Истиғфор айтгил, мағфират қилай. Ҳарна сўрагил, мен уни берай. Менга тавба қил, қабул қилай. Молингдан салақа қил, токи молингга барақа берай. қариндошларингга яхшилик қил, умрингни узун қилай».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, мен яратган неъматларни еб-сб тишларинг малолланиб чарчаб кетди-ю, лекин шикоятимдан тишинг ҳеч чарчамайди».

Ҳадиси қудсий

«Бахиллик ҳамма жойда ёмонлангандир ва дунё неъматлари чексиз эмасдир. Ризқ излаб, жуда узоқ кетмоқ дуруст эмас, чунки ризқ бергувчи доим тирик ва қоймдир».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам-фарзанди, албатта, сен мени ёд этиб ва исъмагларимга шукр қилиб юрсанг, мен эҳсонимни яна зиёда қилавераман. Агар мени ёд этмай эсдан чиқарсанг ва исъмагларимга шукр қилмай, куфр қилсанг, бериб турган инъом ва эҳсонимни ҳам тўсиб қўяман».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, агар сента фақирлик етаётганини билсанг, солиҳ бандалар каби "Хуш келдингиз", дея қарши олинг».

Ҳадиси қудсий

«Эй, бандаларим, мен бандаларимдан бир мўмин кишини (бирон мусибат етказиб) имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойидан турганида хатодан (гуноҳлардан) онаси туққан кунидек, пок бўлиб туради».

Ҳадиси қудсий

«Эй, бандаларим, мен бир мўмин бандамни (бирон касаллик билан) мубтало (имтиҳон) қилсам ва меннинг (мубтало қилганимни) ўзини зиёрат этиб келувчиларга шикоят қилмаса, мен у бандамнинг асирлар қаторидан (жаҳаннам асирларими ёки касаллик асирлари қаториданми) халос қиламан».

Ҳадиси қудсий

«Эй бандаларим, мен бандаларимдан бирининг бадани, боласи ёки мол-дунёсига мусибат юборсам, у мусибатимни сабр билан кутиб олса, мен қиёмат кунига унинг амалларини очишдан ҳаё қиламан (Чунки унинг амаллари парозига сизмайди, амал дафтарини Мен ўз фаъли карамим билан пуқсонларини беркитаман) ва азоб бермайман».

Ҳадиси қудсий

«Эй, бандаларим, мен бир бандамнинг севиқли икки нарсасини -- икки кўзини йўқотиш билан имтиҳон қилсам, кейин у ўша баалога сабр қилса, унинг эвазига жаннатни бераман».

Ҳадиси қудсий

«Эй, инсон фарзанди! Хузуриңда ўзингга кифоя қилгудек нарса бўла туриб, тугёнга (ҳаддан охишга) олиб борадиган нарсани сўрайсан. Эй инсон фарзанди! На олга қаноат қиласан ва на кўпга тўясан. Эй инсон фарзанди! Тани жонинг соғ ҳолда тонг оттираётган бўлсанг, тинч, холиржам ва бир кунга етарли емишинг бўлгандан кейин қолган дунёга парво қилма!»

Ҳадис

«Қайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки кўракмроқ одамларни кўриб қолсангиз, дарҳол ўзингиздан камбағалроқ ва хунуқроқ одамлар ҳам борлигини эсланг».

Ҳадис

«Кимки ислом йўлидан борса, ўргача тирикчилик қилса ва унга қаноат қилса у омадли кишидир».

Ҳадис

«Оз бўлиб кифоя қилиб тургани, кўп бўлиб адаштириб юборганидан яхшидир».

Ҳадис

«Ўликка дод-вой солиб йиғлашлик — исломгача бўлган жоҳилият амалларидандир».

Ҳадис

«Кимки жаҳлу газзбини тўхтага олса, Аллоҳ таоло унга ажру савоб ато этур. Кимки мусибатларга сабр қилса, Аллоҳ таоло унинг эвазига ажр-мукофот беради».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло ёмон қўшнининг озорига сабр қиладиган одамни ёқтиради, модомики, у буни савоб умидида қилса. Шунда Аллоҳ таоло унинг ёмонлигидан ё тирик ҳолатини яхшилаб ёки жонини олиб, ундан халос қилади».

Ҳадис

«Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади».

Ҳадис

«Аллоҳ таолодан бандаларининг қийинчиликларига яраша молд ато қилинур. Шунингдек, сабр ҳам мусибатга яраша берилур».

Ҳадис

«Мусибат етганда сочини юлиб, юзини тирнаб ёки кўшимини йиртиб йиғлайдиганлардан безорман».

Ҳадис

«Қайси бир банда ўз ҳаётида Аллоҳдан келган ваъзаларни (шайду насихатларни) неъмат сифатида қабул қилиб, унга шукр қилса яхши, аммо аксинча, уларни қабул қилмаса, бу уни Аллоҳ таолога ҳужжат бўлиб қолади ва бу билан у гуноҳини кўпайтириб, Аллоҳ таолонинг газзабини ҳам зиёда қилади».

Ҳадис

«Қайси бир аёлнинг учта фарзанди ёшлигида оламдан ўтса, қиёмат кунни дўзахдан тўсиб турувчи парда бўлур».

Ҳадис

«Вазминлик, тежамкорлик, бамаъни хомушлик нийтамбарлик хуусиятининг йигирма тўртдан бир бўлагидир».

Ҳадис

«Қайси бир бандага зулм билан молнга хиёнат қилинса-ю, у унга сабр қилса, албатта, Аллоҳ таоло унинг иззат ва шарафини зиёда этади».

Ҳадис

«Жаннат қийинчиликлар билан, дўзах шаҳватлар билан ўралгандир».

Ҳадис

«Неъматга шукр қилиш унинг заволидан омон сақлайди».

Ҳадис

«Имоннинг энг юксак даражаси тўрт хил хуусиятдан иборатдир: 1) Аллоҳнинг ҳукмига сабрли бўлиш; 2) Тақдирга тан бериш; 3) Тавақкулни ихлос билан қилиш; 4) Парвардигорига бўйинсунуши».

Ҳадис

«Қийналиб нафл рўза тутгани билан Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилмайдиган кишининг савобидан рўзасиз бўлса-да, еган таомига шукр қилиб юрадиган кишининг савоби улуғдир».

Ҳадис

«Оғирлик ва ювошлик инсоннинг юлугидир. Уни тарк этишлик эса зиёнкорликдир».

Ҳадис

«Кимки сабр қилса, Аллоҳ таоло унинг ажрини кўпайтиради».

Ҳадис

«Еган таомига шукр қилиб юрувчи одам, сабр ила нафл рўза тутган одам билан баробардир».

Ҳадис

«Мусо алайҳиссалом сўрадиларки: «Эй, Раббим, Одам алайҳиссалом сenga қандай қилиб шукр қилди?» Аллоҳ таоло айтдики: «У ўзидаги неъматларни, мендан деб билди. Мана шунинг ўзи менга қилган шукри ҳисобланди».

Ҳадис

«Оз бўлса-да, берилган неъматнинг шукрини адо этиб юрганинг, кўп бўлиб шукрини қилолмаганингдан афзалдир».

Ҳадис

«Мусибат етганида юзларини юладиган, ёқасини йиртадиган ва ўзини қаргаб йиғлайдиганларни Аллоҳ лаънатласин».

Ҳадис

«Кимки Аллоҳ таолодан сўрамаса ҳам бошқалар томонидан молу дунё ато қилса уни олаверсин. Зеро, бу Аллоҳнинг унга етказган ризқу насибасидир».

Ҳадис

«Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шукр қилувчи, бировларнинг айбини кечирувчи, ўзи бировга

ўлим етказса, тавба қилувчи кишиларга хожиржамлик ва қилолг ато этилув».

Ҳадис

«Бировнинг молини ноҳақ олиш ёки қонини ноҳақ шукрида ёрдам берувчи одам ўзига дўзахни вожиб қилиб олган бўлади».

Ҳадис

«Кимки одамларга нисбатан ношукр бўлса, Аллоҳга нисбатан ҳам ношукр бўлув».

Ҳадис

«Бехосдан содир бўлган фожиали ўлим мўмин киши учун раҳмат, фосиқу фожир одам учун ҳасратдир».

Ҳадис

«Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ нарса берилмаган».

Ҳадис

Аллоҳ бандаларни мукофотлашга ҳам, азоблашга ҳам қодир. Савоб, неъмат, лутф буларнинг барчаси – Аллоҳнинг фазилатидан, иқоб (жазо) ва азоб бериш эса унинг оқидидандир. Имон Аллоҳнинг тавфиқи билан ва куфр, мнъсият эса Аллоҳнинг адаштиришидан бўлади.

Мотуридий

«Хурсандчиликни сабр билан кутиш ибодатдир».

Жавомиъул калим

Худо кўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасратларинг кучли еллари ўраб олса, дол-фарёду фиғонларинг фойда бермас.

Замахшарий

Ниш унмас биёбон, шўрхок тулпроқ ҳам,
Гулзорга айланур сабр қилса одам.

Гулханий

Ҳиммат эрмас улки, жаҳон олгасен,
Ҳиммат эрур буки, борин солгасен²⁶.

Бобур

Кўнгли тилаган муродиға етса киши,
Ё барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар бўлмаса оламда,
Бошни олиб бир сариға кетса киши.

Бобур

Нафс гавсанини ром қил ўзунга,
Қодир ул ҳар на сўз десанг сўзунга.

Бобур

Неча нафс илгида забун²⁷ бўлмоқ,
Саҳрай зумрай жунун²⁸ бўлмоқ.

Бобур

Нафсининг касбидур ҳавову ҳавас,
Рух алидадур булар ярамас.

Бобур

Нафс душмандурур, яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил!

Бобур

Давлат учун кўнгулни зор этма,
Иззат учун ўзунгни хор этма!

Бобур

Даркор эмасдур манга гавҳару дур,
Фақр аҳдиға бўлса нону сув ушбу басдур²⁹.

Бобур

²⁶ Комрон мирзо ака-укаларининг мулкқирликка ўта берилаётганларини танқид остига олиб, шу байтни маснавий жанрида ёзган мактубларидан бирида эслатиб ўтади. Қаранг: Комрон мирзо, Девон. 37-саҳифа.

²⁷ Асир бўлмоқ.
²⁸ Телба.

²⁹ Бобур умрининг охирида тоат-ибодатни бекам кусти бажо келтириб тариқат йўлини тунмоқликка киришган. Бу туркий-ҳинд тилида ёзилган фард ана шу аснода ёзилган кўринади.

Дилинг куймасин, ноумидлик билан,
Ёруғ кун тугилгай қаро кечадан.

Савдий

Шошиб қилинган ишнинг умри қисқа.

Савдий

Сабр билан юмуш битар, сабрсизлар ўз оёғидан кетар.

Савдий

Дилинг куймасин ноумидлик билан,
Ёруғ кун тугилгай қаро кечадан.

Савдий

Оч итга ўз луқма нонини бериб,
Ўзининг нафсини тиёлган инсон.
Қул бўла туриб ҳам кўп озодларни,
Ўзига қул қилиб олмоғи осон.

Жомий

Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битур,
Сабрсизлар ўз оёғидан йитур.

Халқ мақоли

Сув ва дарахт

(Масал)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир булоқ ва дарахт бўлган экан. Улар ёнма-ён экан. Булоқ эндиғина кўз очган, шўх-шўх қайнаб чиқётган сувлари кичкина ариқча ҳосил қилган экан. Ниҳол эса нозиккина, сал шамол турса, бутун танаси чайқалиб-чайқалиб кетаркан.

Орадан ойлар ўтибди. Булоқ суви кагга ариқни тўлдириб оқа бошлабди. Ниҳол ҳам кўкка буй чўзиб, сарвқомаат дарахтга айланибди. Бу ердан ўтган йўловчилар дарахтнинг соясида дам олиб, булоқнинг тиниқ сувидан ичишаркан. Кетаётганларида эса:

— Зап қомагдор дарахт бўлибди, — деб мақтаб кетишаркан. У Бу гаплардан дарахтнинг димоғи кўтарила бошлабди. У ҳатто сувни менсимай қўйибди.

— Агар бу ерда мен гуркираб турмаганимда, ёнингда ким ҳам тўхтарди? На соянг бор, на ҳуснинг, — дебди дарахт сувга.

Сув хафа бўлиб кетибди-ю, индамабди.

Кунлардан бир кун:

— Мен борманки — ҳаёт бор! — деб қолибди дарахт яна. Сув ортиқ чидолмабди ва ўз оқимини ўзгартириб юборибди. Шундан сўнг дарахт илдиэларига бир томчи ҳам сув келмай кўйибди.

Дарахт буни бир-икки ҳафта сезмай мағрур тураверибди. Аммо кўп ўтмай танасида қандайдир ўзгариш бўлаётганини, аъзои бадани бўғилиб бораётганини сеза бошлабди. Қараса, сув оқимини ўзгартирган экан.

— Наҳотки у менга қувват бериб турган бўлса? — ўйлабди дарахт. Унинг аҳоли тобора ёмонлашаверибди, япроқлари қовжираб, тўкила бошлабди. Охири у сувнинг зарурлигини, тирикликнинг кучи ҳамкорликда эканини тушунибди. Шундагина сув яна эски йўналиши бўйлаб оқа бошлабди.

Қиссадан ҳисса шуки: олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Ҳар бир неъматнинг қадрига етиш, шукроналик қилиш керак.

а) Қаноатли бўлиш

«Аллоҳ ҳузуридаги нарса (мукофотлар) ўйин-қулгидан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир. Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшироғидир».

Жумъа, 11

«Эй, одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва мендан ҳам мактов оласан. Бордию бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни устинга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший ҳайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйган ризқимдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, келиб турган ризқинга қаноат қилмасанг, дилингда орзу-ҳавасларни солиб қўяман, улар ҳеч тугамайди ва сен улардан абадий қутулолмайсан».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, кимки мен тақсим қилиб қўйган ризққа рози бўлса, унинг ҳузурига мол-дунёнинг ўзи у хоҳамаса ҳам келаверади».

Ҳадиси қудсий

«Бойликнинг яхшиси — нафсинг тўқлиғидир».

Ҳадис

«Мискинларни дўст тутиб, улар билан бирга ўтиринг, молу дунё ва илм юзасидан ўзингиздан паст одамларга боқинг, аммо бу жиҳатдан ўзингиздан юқори одамларга қараманг, акс ҳолда Аллоҳнинг сизга берган неъматларига шукр қилмаган бўласиз».

Ҳадис

«Мўмин кишининг шарафи кечалари ўқиган намози биландир. Иззати эса одамларнинг қўлидаги нарсадан умидвор бўлмаслиғидадир».

Ҳадис

«Бир кишилик таом икки кишига кифоя қилади. Икки кишилик овқат тўрт кишига, тўрт кишилиги эса саккиз кишига кифоя қилади».

Ҳадис

«Бу дунёда ўзингни бамисоли мусофир ёки ўтиб борувчи йўловчи каби ҳис эт!»

Ҳадис

«Омонатга олиб кийгандан кўра, қирқ ямоқли бўлса-да ўз кийимида юрган яхши».

Ҳадис

«Бойлик молу дунёнинг қўплиги билан эмас, балки нафсинг тўқлиги биландир».

Ҳадис

«Оз бўлиб кифоя қилиб тургани, кўп бўлиб йўлидан оздирганидан яхшидир».

Ҳадис

«Қаноат тугамайдыган бойлықидир».

Жавомъул қалим

Агар ифғат ва виқор соҳибларидан бўлмасанг, хору зорлик, таҳқир тубанликка мудом гирифторсан.

Замахширий

б) Ғазбни енгил

«(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазбларини ютадиган, одамларни (хаго ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар».

Оли Имрон, 134

«Кучлилик кураш тушиб йиқитиш эмас, балки ғазби келганда ўзини босиб олишдадир».

Ҳадис

«Рўза фақатгина ейиш-ичишдан сақланиш билан эмас, балки беҳуда, бемаъни ва ёмон сўзлардан сақланиш биландир. Агар бирор киши сени сўкса, сен унга: «Мен рўзадорман», деб узр айтгин».

Ҳадис

«Аллоҳнинг наздида савоб умидида ғазбни ютишдек улуг савоб йўқ».

Ҳадис

«Кимки ўз жаҳлу ғазбини қайтарса, Аллоҳ таоло ундан ўз азобини қайтаради...»

Ҳадис

«Кўпчилик одамларнинг юраги уларнинг пешонасидан кўра ҳам кичикроқ бўлади».

Замахширий

Юмшоқ кўнглилик

(Ҳикоя)

Қунлардан бир кун подшо заргарни чақиртириб унга каттагина ёқутни берди ва ундан узук тайёрлашни буюрибди.

Ордин вақт ўтгач, подшо заргарни чақиртирибди. Эшикдан келиб келган заргар терак япроғи каби титрар эди. Подшо ундан нима воқеа бўлганини сўради. Заргар жавоб қайтариб берди:

— Узукни тайёрлаб, энди унга ёқутни ўрнагаётган эдим, кунимдан тушиб, сандонга теғди ва тўртга бўлиниб кетди.

Катталиги ва ноёблиги жиҳатидан камлан-кам подшога бўлидиган бундай ёқутнинг сингани подшони қайғуга бўлмачди ва заргарга қараб:

— Майли, хафа бўлма, бориб ундан тўртга узук яса! — деди.

Подшо заргарни кечирди.

Қиссадан ҳисса: Киши аччиғи келганда ҳам ўзини тута билса, оқибати яхши бўлади.

а) Тамағирликдан сақланиш

«Мол(-мулк)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳиқариidan бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш (ўзлаштириш) миқсадида уни ҳокимларга ҳавола қилмангиз».

Бақара, 188

«Эй, одам фарзанди, дунё йиғишни касб қилиб олар жансан, қиёматда ҳисоб беришингни, мол-дунёни қаердан олиб қаерга сарф қилганингдан сўралишингни ҳам эслаб қўй!»

Ҳадиси қудсий

«Жаброил алайҳиссалом келиб, менга шундай дедилар: Хоҳлаганингча яша, барибир ўлгувчидирсан. Хоҳлаган кишингни сев, барибир ундан айрилгувчидурсан. Хоҳлаган амалларингни қил, барибир ўшанга яраша жазо олувчидирсан. Ёилгинки, мўъмин кишининг шарафи кечалари бедорлиги ва иззати эса одамлардан тамаъ қилмасликдадир».

Ҳадис

«Эй, одам фарзанди, мен сендан эртага қиладиган ибодатни бу кун талаб қилмайман, бас, сен ҳам эртага керак бўладиган रिққни бугун талаб қилмагин!»

Ҳадиси қудсий

«Кимни биз бирор амалга сайлаб қўйган бўлсак ва унга шу амалдан ризқу насиба етиб турган бўлса, шундан зиёда олган нарсаси хиёнатдир».

Ҳадис

«Дунёдан юз ўгирсанг, Аллоҳ таоло сени ёқтиради, одамлар қўлидаги нарсалардан юз ўгирсанг, одамлар сени ёқтиради».

Ҳадис

«Аллоҳдан доимий хулққа айлангириб қўядиган ва ноўрин жойда ишлатиладиган тамағирликдан паноҳ тиланглар».

Ҳадис

«Одамлардан торганиб юринглар, гарчи бирор мисвоқ учун ишлатиладиган чўпни ҳам сўрамасликка ҳаракат қилинглар».

Ҳадис

«Бойларнинг уйга камроқ киришлар, акс ҳолда Аллоҳнинг сизларга берган неъматларини писанд қилмаган бўласизлар».

Ҳадис

«Чақирилган жойгагина боринг!»

Ҳадис

«Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши динсизликдир».

Ҳадис

«Қайси бир банд тиламчилик эшигини очиб қўйса, Аллоҳ таоло унга фақирлик эшигини очиб қўяди».

Ҳадис

«Пора берувчи ҳам, уни олувчи ҳам дўзахга маҳкумдир».

Ҳадис

«Тамағирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматни ҳам кетказди».

Ҳадис

«Одамларнинг қўлидаги нарсадан умид қилманглар. Фақирликдан сақланглар, у нақд фақирликдир».

Ҳадис

«Ҳожатнинг битмай қолавериши, бировдан сўраб ўзини қилгандан яхшидир».

Ҳадис

«Пора берувчини ҳам, уни олувчини ҳам, иккаласининг орасида турувчини ҳам Аллоҳ таоло лаънатласин!»

Ҳадис

«Тиламчилик нима эканини биланларингда эди, бирор кишидан ҳеч нарсани сўрамас эдингиз».

Ҳадис

«Инсонга бир водий тўла молу дунё берилса, у иккинчи водийнинг ҳам берилишини хоҳлайди. Иккинчисидан кейин унингчисини ва ҳоказо унинг нафси тўймайди. Инсоннинг қорни (кўзи)ни фақат тупроқ тўйдиреди. Кимки тавба қилса, Аллоҳ таоло уни кечиради».

Ҳадис

«Ҳар бирларингиз ҳар қандай ҳожатларингизни Парвардигордан сўрайверинглар, ҳатто пойфазалингизнинг иши узилса, ип сўрашда ҳам».

Ҳадис

«Киши садақа-эҳсон ва силаи раҳмлиқ эшигини очса, Аллоҳ таоло унинг молу дунёсига барака ато этади. Агар у тиламчилик эшигини очгудек бўлса, Аллоҳ таоло унинг фақирлигини зиёда қилади».

Ҳадис

«Кимки бойиш мақсадида одамлардан тамағирлик қилса, лисмак, жаҳаннам ўтидан ўзи учун насиба тайёрлаган бўлади. Уни кўпайтириш ёки озайтириш қанчалик тама қилишига боғлиқдир».

Ҳадис

«Кимки менга тиламчилик қилмайман, деб кафиллик берса, мен унинг жаннатга киришига кафиллик бераман».

Ҳадис

Пора фақат ноҳақдиг-у зolimларга ёрдам бергучидир.

Замахшарий

Ўзинга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол — бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўраганини эмас, бошқачароғини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлаб оласан.

Замахшарий

Ислоом динида икки «шин» (ш) ҳарфи катта айблардандир, бири — ҳокимларга ришват (пора) бериш ҳам, олиш ҳам, иккинчиси айбларни шафоат қилиш. Гап шуки, Пайғамбар (с.а.в.)дан: «Лаъаналлоху ар-рошй ва-л-мурташйй», яъни «Ришват (пора) олувчига ҳам, берувчига ҳам, Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин», деган ҳадиси шариф ворид бўлгандур.

Замахшарий

г) Камтарлик

«Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозе билан юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда «Саломатлик бўлсин», деб жавоб қиладиган кишилардир».

Фурқон, б3

«Куллардек овқатланаман ва куллардек ўтираман».

Ҳадис

«Сизларга кимлар жаннат аҳли бўлиши тўғрисида хабар берайми? Улар заиф бечоралар ёки Аллоҳга қасамёд қилсалар, албатта устидан чиқадиганлар. Дузах аҳлидан хабар берсам, улар қаттиқ хусумат қилувчи, мутакаббир одамлардир».

Ҳадис

«Оддий кийим кийиш ҳам имондандир».

Ҳадис

«Гуноҳидан тавба қилувчи киши гуноҳсиз одам билан биробардир».

Ҳадис

«Ҳикмат ун қисмдир. Булардан тўққизтаси ўзини хилватга олишда бўлса, биттаси хомушликдадир».

Ҳадис

«Нўсонсиз бўлагуриб камтарин, ўзини ўта мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган мушаридан эҳсон қилувчи, ифратли, илму ҳикмат аҳли билан араллашиб юрадиган, мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтар олиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишиларга инқиқлар яхши!»

Ҳадис

«Кишининг Аллоҳдан кўрқиши унинг олим эканлигига далолат қилади, ўзига ўзи (оргиқча) баҳо бериши эса, унинг жоҳиллигидан дарак беради».

Ҳадис

«Сизларнинг ҳаммаларингиз Одам алайҳиссалом фарзандисизлар. Одам алайҳиссалом эса тупроқдан яратилгандир. Вақти келиб одамлар ота-боболари билан фахрланадилар. Бу ишларидан қайтсалар яхши, қайтмасалар Аллоҳнинг наздида қадрлари тезакўнғиз қадридан ҳам паст ҳисобланур».

Ҳадис

«Банда қилган гуноҳидан надомат чекиб афсусланган заҳоти Аллоҳ таоло у истиғфор айтмасдан турибоқ гуноҳини кечиб юборади».

Ҳадис

«Бошига тушган мусибатларини, ўзидаги касалликларни ва қилган хайру эҳсонини яшириш яхшилик ҳизиналаридандир».

Ҳадис

2.9. Ҳалол меҳнат ва касб-кор фазилавлари

«Дарҳақиқат, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва ишпаққагда (бўлиш учун) яратдик».

Балад, 4

«Эй, одам фарзанди, дунёдаги жами нарсалар уч тоифага бўлинади: бири менга хосдир; иккинчиси мен билан сенинг ўртамаздадир; яна бири сенгадир. Сендан бўладигани дуодир, би мендан бўладигани ижобат қилмоқдир. Бас, ҳаром эмасанг, дуоинг тўсилиб қолмас».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса сел каби мўл-кўл келур. Ҳар кимнинг эмиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, қачонки сенга дунё мўл-кўл кела бошласа, уни исроф қилмасдан яхши йўлларга сарф қил. Ҳалимни эслаб, ҳаромдан сақлан».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, қачонки сенга бирор мусибат ёки офат етса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок ҳолда турганинда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан».

Ҳадиси қудсий

«Ҳалол ризқ ишташ ҳар бир мусулмон учун вожибдир».

Ҳадис

«Касбнинг энг яхшиси, кишининг ўз қўли билан бижарадиган иши ва ҳалол савдодир».

Ҳадис

«Етимларнинг моллари билан савдогарлик қилиб (уларнинг молларини ҳам зиёдлаштириб) турунглр. Ҳар хил садақа на закотлар бериш билан моллари тугаб қолмасин!»

Ҳадис

«Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб ейдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади».

Ҳадис

«Кимки Аллоҳ учун ўзини камлар тугса, у мартабасини ва обрўсини зиёда қилур».

Ҳадис

«Одам ўз обрўсини сақлаши сабабли унга садақа ёзилади».

Жавомибул калим

«Пинҳона садақа Парвардигорнинг газабини сўндиради».

Жавомибул калим

«Сўзларнинг яхширо-и зикрдур ва ишларнинг яхшироғи намоздур. Хислатларнинг яхшироғи ҳилмдур».

Хосжа Аҳрор

Бойликдан керилмоқ – ақлдан нари,
Чунки у ўткинчи бўлур сингари.

Жомий

Батьзи ҳолларда фатво истовчи киши фатво берувчи муфтийдан кўра ҳам олимроқ бўлади.

Замахишарий

Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг боши дегандек, (яъни онадан туғилган кунки каби гуноҳсиздир) унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айблн бўлмайди.

Замахишарий

Агар тариқатнинг мустаҳаби – мақбул ва маъқул удуқлари нечта, деб сўрасалар, буни ҳам олтига деб айт: биринчи – кишиларга очиқ юз билан муносабат кўрсатиш, иккинчи – таомни ёлғиз емаслик, учинчи – қанчалик оғир, азобли бўлмасин, юзни буриштирмасдан ўтириш, тўртинчи – барчага баравар хайр-аҳсон кўрсатиш, бешинчи – ҳамма ерда хурмаг-эҳтиромни сақлаш, олтинчи – ўзининг ва пирлари, устозларининг номусини сақлаш...

Кошифий

«Деҳқончилик қилинлар, чунки у баракали касбдир. Уни кўриқловчи соқчиларни кўпайтиринлар!»

Ҳадис

«Кўй боқинлар, чунки у баракадир».

Ҳадис

«Кийимларингизни чиройли қилинлар, отуловларингизни яроқли тутиунлар! Одамларга юздаги ҳолдек намуна бўлинлар!»

Ҳадис

«Умнатларим учун энг қаттиқ кўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, серуйқулик, дангасалик ва суст эътиқодда бўлишдир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло сенга молу давлат берган бўлса, у кўриниб турсин: чунки у ўзининг берган неъматни бандасида чиройли бўлиб кўриниб туришини яхши кўради, фақирликни ва ўзини фақир кўрсатишни ёмон кўради».

Ҳадис

«Қайси бирингизга Аллоҳ таоло бир касб сабабли ризқ етказиб турган бўлса, то ўша касбнинг ўзи ўзгармагунча ташламанг».

Ҳадис

«Касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан қиладиган касбдир».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, мен сендан ғам-ташвишдан, хафалиқдан, ожизликдан, дангасалиқдан, бахилликдан, кўрқоқликдан, қарздорлик ва хорликдан паноҳ тилайман».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, Сендан покиза ҳаётни, ўрга ҳолда вафот этишликни ва охираг хижолатсизлигини сўрайман».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, мен сендан ҳидоят, тақво, ўрта ҳол ишшилик ва одамларга ҳожатманд бўлмасликни сўрайман».

Ҳадис

«Огоҳ бўлингки, савдогарларнинг яхшиси савдо-сотик ишларида хушмуомала бўлади. Ёмони эса кўпол муомалали бўлади».

Ҳадис

«Қарз олувчи башарти қарзни гуноҳ иш учун олмаган бўлса, қарзини узгунча Аллоҳ таоло у билан биргадир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло ўз бандалари ичида ғайратлисини ёқтиради...»

Ҳадис

«Гилямчилик қуйидаги уч тоифа кишиларга жоиздир: 1) хун тўловчига; 2) оғир қарздорга; 3) фақир у қашшоқ кишига».

Ҳадис

«Тадбиркорликдек ақл йўқ, тамасизликдек тақво йўқ, ихши хулқдек олий насаб йўқ».

Ҳадис

«Савдо-сотикда кўп қасам ичишдан сақтанинлар. Зеро, у олдин кўпайтириб, сўнг барбод қилади».

Ҳадис

«Амаллар ичида Аллоҳ таолога ёқимлироғи оз-оз бўлса-да дивом этадиганидир».

Ҳадис

«Ўзаро савдолашувчилар то ажралишгунча ихтиёрлидирлар (савдони бузиш ҳуқуқига эгадирлар). Ҳар иккиси тўғри сўзлаб, мол айбини ошқора айтиб савдо қилсалар, савдолари баракали бўлур. Агар ёлғон гапириб, мол айбини яширсалар, савдо баракаси йўқолур».

Ҳадис

«Ризқнинг ўндан тўққиз қисми савдода, ўндан бир қисми эса чорвачиликдадир».

Ҳадис

«Ростуёй ишончли савдогарлар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шахидлар билан бирга бўлувлар».

Ҳадис

«Қўрқоқ савдогар фойдалан маҳрум, қўрқмас савдогар омадлидир».

Ҳадис

«Уч хил сифат бордирки, ким уларни Аллоҳга ишончли ҳолда савоб умидида қилса, Аллоҳ унга ёрдам бериши ва барака нозил қилишига лойиқ бўлади: 1. Қулни озодликка чиқаришга ҳаракат қилиш. 2. Аллоҳга ишонган ва ундан савоб умид қилган ҳолда оила қуриш. 3. Қўриқ ерни ўзлаштириш».

Ҳадис

«Ҳаққингни хоҳ мукаммал, хоҳ камми билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол».

Ҳадис

«Сизларнинг яшиларингиз ўз олган қарзларини чиройли адо этадиганларингиздир».

Ҳадис

«Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муққасидан кетиб эгалласа, қиймат кунни дўзахдан бошқа нарсасга эришмайди».

Ҳадис

«Тонгги уйку ризқни қирқади».

Ҳадис

«Болаларингни сузишга ва ўқ отишга ўртагинлар. Қиз фарзандларингизни уйда тикиш-бичиш ишлари билан шуғуллангани яхши».

Ҳадис

«Арқон олиб тоққа чиқиб ўтин териб келиб, уни сотиб еб ни садақа қилган одам, тиламчилик билан кун кечиргандан икшидир».

Ҳадис

«Кимки биз бирор амалга тайин этиб қўйганимиздан кейин у нима миқдорда ва ундан ортиқ нарсани биздан яшириб улаштирмоқчи бўлса, қиймат кунни шу олган нарсаси билан қийнатчи бўлиб туради».

Ҳадис

«Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайдир».

Ҳадис

«Бирор касбу ҳунар орқасидан ризқу насибага эга бўлиб ишлаётган одам шу касбини ўзгартирмасин!»

Ҳадис

«Бекорчилик қалб ва баданни тошбағир қилади».

Жавомибул калим

«Тонг саҳарда ухлаб ётиш ризқни қирқади».

Жавомибул калим

«Ҳалол ризқ талаб қилмоқ бошқа фарзлардан (намоз, рўза кабилардан) кейинги фарздир».

Жавомибул калим

«Ўртача тирикчилик баъзи тижоратдан кўра ҳам икшироқдир».

Жавомибул калим

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржам ва тинч, бировга қийнатку ёмонлик қиладиган киши эса халоқатга гирифтордир.

Замахирий

Ўзингга мерос қолдирилган мол-мулкдан узоқда бўл, чунки у мол-мулкнинг гуноҳи-ю, барча машаққатлари сенга келади.

Замахирий

Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга гушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришдан авлодир (хайрлидир).

Замхирий

Кимки тилаб ганжини пайдо қилур,
Ранж чекар ганж таманно қилур³⁰.

Бобур

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Наҳл тарин онгла қуруғон ўтун.

Навоий

Бахтга меҳнат тўғри йўл солгай,
Бошқа йўл бахт сари бормагай.

Абу Шукр

Қурби келмаган ишга уринган --
Насибасиз, бахтдан суринган.

Хисрав

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

Рудакий

...Бахт сотилмас ва кимки агар
Тер тўқишга бўлса молик, --
Шунда толе бўлур жилвагар,
Шунда шодлик қилур ошнолик.

Мирза Шафий

Кимда йўқдир қалба оташ, кимда йўқдир эҳтирос,
Мен уни сувсиз, қуруқ дарёга қилгайман қиёс:
Барча дарёлар шошар, уммонни кўзлаб, ҳар қачон,
У қочар уммон қолиб, гўёки саҳролар томон.

Мирза Шафий

Боши билан шўнғиб кирмаса ҳар дам,
Сув остидан дурни топарми одам?

Жомий

Ҳалоллик

(*Ҳикоя*)

Ўтган замонда бир деҳқоннинг камбағал ошнаси бор экан. Кунлардан бир кун у деҳқондан бир таноб ерини сотишини илтимос қилибди. Деҳқон ернинг бир чеккасидан ажратиб, камбағал ошнасига сотибди. У ер сотиб олганидан жуда суюнибди. Бошқа бир ошнасидан кўш ҳўкиз олиб келиб, ерни бир марта ҳайдаб чиқибди. Ерни иккинчи марта қайтаганида, бир нарса омов тишига тегибди. Деҳқон парво қилмай ҳайдай берибди. Қайтиб ўша ерга келганида, омов тиши яна ҳалиги нарсага урилибди. Камбағал деҳқон: “Илгари бу ерда дарахт бўлган, унинг тўнкаси қолиб кетган, шекилли, -- деб ўйлади--да, кетмон олиб келиб, омов тишига қадалган нарсани қавлай бошлади. Ниҳоят у ердан хумча чиқибди. Уни очиб қараса, ичи тўла тилла эмиш. Деҳқон ернинг қолган қисмини ҳайдаб, уруғини сепибди. Сўнг ҳўкизларини эгасига топширибди. Ўзи уйига ҳам бормай, хумчадаги тиллани кўтариб, тўғри ер сотган деҳқон ошнасининг уйига борибди. У ошнасига:

-- Сиздан олган еримни ҳайдаётган эдим, мана шу хумчани олиб олдим. Тилла сизники бўлса керак деб, уни сизга олиб келдим, дебди. Деҳқон камбағалга:

-- Мен сизга ерни сотганман. Унда нимаики бўлса, ҳаммаси сизники бўлади, мен ернинг ичида тилла борлигини билмаганман. Сизга худо берибди. Бола-чақангиз билан маза қилиб энг, деб хумчани олмабди.

Камбағал деҳқон: “Бу бошқа кишининг моли. Уни олсам ўғри бўлиб қоламан, деб ўйлаб яна хумчани бой деҳқонга улаштибди. Улар иккаласи ҳеч келиша олмабди. Ниҳоят, намози аср ўқилаётган масжидга борадиган, у ерда одамлардан сураб, бу ишни ҳал қиладиган бўлишибди. Одамлар: “Бўлмаса тиллаларни қишлоқдаги етим-есир ва бева-бечораларга бўлиб беришлар”, деб маслаҳат беришибди. Бунга деҳқон ҳам, камбағал ҳам рози бўлибди. Шундай қилиб, улар тиллани қишлоқдаги етим-есирларга, камбағал, бева-бечораларга бўлиб беришибди.

Камбағал деҳқон эса, ўз меҳнати билан ҳалол кун кўриб, муроду мақсадига етибди.

³⁰ *Комрон миззонинг Ҳилоюн миззога йўллаган мактубидан.*

Гул ўстира олмаган бола (Ҳикоя)

Қадим замонда бир мамлакатга донишманд ва бахтли бир подшо ҳукмронлик қилган экан. Унинг кайфиятини факат қарилгу, бепарзандлик бузар экан, холос. Кунлардан бир кунги подшо: “Мамлакатдаги энг виждонли болани топиб уни ўзимга ўғил қилиб олсам”, деб ўйлабди. У ҳамма болаларга гул уруғи улашишни буюрибди-да:

— Кимки шу уруғдан энг чиройли гул етиштирса, у менинг ўғлим ёки қизим бўлади, — деб эълон қилибди.
Ҳамма болалар уруғни экиб, эргалаб ва кечқурун суғоришибди.

Қобил деган бола ҳам уруғни экиб, роса парварииш қилибди. Лекин ўн кун, ўн беш кун, бир ой ўтса ҳамки, гултувакка экилган уруғ қилт этмасмиш. “Бу қанақаси бўлди?” — деб ҳайрон бўлибди қобил ва онасидан сўрабди:

— Нега мен эккан уруғ униб чиқмаяпти? Онаси ҳам шундан ташвишланиб юрган экан:

— Тупроғини янгилаб кўр-чи, — дебди.

Қобил гултувакдаги тупроқни алмаштирибди. Бу сафар ҳам уруғ кўкармабди.

Подшо гулларни кўрадиган кун етиб келибди. Кўлгига болалар яسانيшиб, тувакда ўзлари ўстирган гулларни кўтариб, йўлга чиқишибди. Уларнинг ҳаммаси валиаҳд, шахзода бўлиш орзусида экан. Ҳўш, кейин нима бўлибди, денг? Негадир подшо гулларга қараб, ҳамма болаларнинг олдида утиб кетаверибди. Унинг чеҳрасида шодликнинг учкунни ҳам кўринмабди.

Иттифоқо у бир уйнинг олдида бўш гултувак кўтариб йиғлаб турган Қобилни кўриб қолибди. Подшо ўша болани чақириб келишни буюрибди.

— Нима учун сен бўш гултувак ушлаб турибсан? — деб сўрабди у.

Қобил пиқ-пиқ йиғлаб, кунлардан бир кунги бировнинг боғидан эгасига билдирмасдан олма узганини, шу айби учун бўлса керак, қанча уринса ҳам уруғни ундира олмаганини гапириб берибди.

Бу гапни эшитган подшо Қобилни кўтариб олибди-да:

— Мана менинг пок виждонли ўғлим, — дебди. Одамлар орасида говур-гувур бошланибди.

Подшо нима учун гултувағи бўш болани ўғил қилиб

шунда Подшо тушунтириб берибди:

— Ҳа, ҳалойиқ, мен болаларга улашган гул уруғлари интирилган эди.

Шундан кейин одамлар подшонинг фикрини қўллашибди. Ранг-баранг гуллар кўтариб турган болаларнинг яри уялганларидан қип-қизариб кетибди. Чунки уларнинг мисли бошқа гул уруғи топиб эккан эканлар.

а) Ҳаромдан сақланиш

• Ҳонадонга ижозат сўраб киришлик кўз туфайлидир». *Ҳадис*

• Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар бунни билмайдилар. Кимки шубҳали нарсалардан сақланса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок сақлаган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши ҳам мумкин. Гўёки чўпон кабики, у кўнларини захарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси шохарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билгинки, ҳар бир подшоҳнинг кўриқхонаси бўлгани каби Аллоҳнинг ҳам тикиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жисалида бир парча гўшт бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасал ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у инсон қалбидир». *Ҳадис*

• Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам равшан бўлди. Қайси нарса сени шубҳалантирса, уни қўйиб, шубҳасизига ўтавер». *Ҳадис*

• Ҳеч ерда соя йўқ кунни (қиймат кунни) етти хил одамларга Аллоҳ таоло ўз Аршининг соясидан жой беради. 1. Қалби масжид билан боғлиқ бўлган киши. 2. Мансабдор, чиройли бетона аёл зинога чақирганда рад этиб: «Аллоҳдан кўрқаман», — дейдиган одам. 3–4. Аллоҳ йўлида дўст тутинганлар. 5. Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсаларидан ўзини сақловчи одам. 6. Аллоҳнинг йўлида посбонлик қилган одам. 7. Аллоҳдан кўрқиб, кўз ёши тўқадиган одам». *Ҳадис*

«Ҳаром билан ўсиб-унган ҳар бир тана дўзахга лойиқдир».
Ҳадис

б) Дунёвий ишларни пухта қилиш

«Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради».

Ҳадис

«Уч хил одам бордирки, Аллоҳ таоло уларни хуш кўрмайди ва қилган дуоларини ижобат қилмайди: 1. Харобага айланган уйда ўтириб паноҳ тилловчи. 2. Йўл ўртасига ўтиб олиб саломатлик сўровчи. 3. От-уловларни бўш қўйиб юбориб, сўнг Аллоҳдан уни сақлашни сўраган одамнинг».

Ҳадис

«Уч хил кишининг қилган дуолари ижобат бўлмайди: 1. Хулқи ёмон хотинини талоқ қилмаган эр. 2. Бировга гувоҳ-исботсиз қарз берган одам. 3. Эсиласт, аҳмоқ одамларга молу дунёсини бериб қўювчи одам, ваҳоланки Аллоҳ таоло Куръони каримда: «Эси пастрларга молларингизни бермангизлар» деган».

Ҳадис

«Молу дунёндан учдан бирини садақа қилишинг мумкин, лекин шу ҳам кўп. Зеро, меросхўрларингни одамларга муҳтож қилиб, камбағал ҳолда қолдириб ўтганингдан кўра, бой ҳолда қолдириб кетганинг яхшидир. Шунини биллиб қўйки, Аллоҳнинг ризолиги йўлида ҳар бир қилган нафақанг учун ҳатто хотининг оғзига солиб қўйган лўқма учун ҳам ажр олурсан».

Ҳадис

«Бола-чақа кўп бўлиб, моддий маблағнинг оз бўлиши катта балодир».

Ҳадис

«От билан пойга чопмоқ мубоҳдир».

Ҳадис

«Сафар қилинглар, соғлом бўласизлар».

Ҳадис

«Сафар қилинглар, соғлом ва ризқу насибали бўласизлар».
Ҳадис

«Уловингни боғлаб қўйиб, сўнг таваккал қилгин!»

Ҳадис

«Васиятга аригулик бирор нарсаи бўлган мусулмон икки неча ўтказмасдан васиятномасини ёзиб қўйсин».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло берган неъматни яширмай ўзида кўрсатишлик унга шукр қилишлик демакдир».

Ҳадис

«Кимки шошилмай, сабру қаноат билан иш қилса, қилган ишни тўғри чиқади ёки шунга яқин бўлади. Шошилган одамнинг иши хато чиқади ёки шунга яқин бўлади».

Ҳадис

Фарзандларингизни ўз замонасига муносиб қилиб тарбия қилинглар. Зеро, улар ўз замоналари учун яратилгандирлар.

Али ибн Аби Толиб

Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин ҳар қандай ишни комил ният-у, қаттиқ ихтос билан қилиш мумкин.

Замахшарий

Хунарманду касиблар кўпдир, бироқ моҳиру қобилиятлиси олдир, (яъни уста кўпу, устаси олдир).

Замахшарий

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилингга роҳат бахш этиб, шараф ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

Замахшарий

Агар тариқатнинг асли нечта (белгидан иборат) деб сўрасалар, учта (белги) деб айт, яъни: дам (нафас), қадам ва қирам. Агар буларнинг ҳар қайсиси нима маънони билдиради,

деб сўрасалар, жавоб бериб айтким: дам (нафас) — айтилиши лозим бўлмаган нарсалар ҳақида дам урмаслик (яъни сўзламаслик); қадам — қилиниши ман этилган ишларга қадам урмаслик, қарам — иш билан шуғулланиш ва керакли ишни қилиш ҳам иш пайтида қалб тоагини қанда қилмаслик. Кимки бу уч асл (талаб)дан бирортасини бажармаса ва ёки билмаса, у тариқатдан баҳраманд эмасдир.

Кошифий

2. 10. Келажакка умидли бўлиш

«Нимаики яхшилик қилган бўлсалар, (унинг савобидан) маҳрум бўлмайдилар. Аллоҳ тақводорларни (яхши) билувчидир».

Оли Имрон, 115

«Садақа бермасдан) яхши гап (қилиш) ва бера олмагани учун) кечирим сўраш) кетидан озор етказиладиган садақадан яхшироқдир. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир».

Бақара, 263

«Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салават (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят толгувчилардир».

(Бақара, 157)

«Аллоҳ таолонинг фазлу карамини сўранглар. Чунки у сўралишни ёқтиради. Ибодатнинг афзали хурсандчиликни қутутишидир».

Ҳадис

«Турли нарсалардан ирим қилиш, яъни шумланиш ширқдир (яъни, энг қатта гуноҳлардандир)».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло айтдики: «Бандам менга нисбатан нима гумон қилса, мен худди ўша гумонидек муомала қилурман. Шунинг учун менга нисбатан хоҳлаганича гумон қилаверсин!»

Ҳадис

2. 11. Ёмон хулқларнинг қораланиши

«Эй, имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар билан емангиз! Узаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ энгиларга раҳм-шафқатлидир.

Кимда-ким шу (қотиллик)ни адолат ва зулм юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда куйдирамиз. Бу (эса) Аллоҳга осондир».

Нисо, 29–30

«Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри-маъруф ва инҳий мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот толгувчилардир».

Оли Имрон, 104

«Қиёмат кундаги одамларнинг ёмони беҳаёлиги сабабли ингирдан четда қолдирилган одамдир».

Ҳадис

«Сизларнинг ёмонларингиз яхшилигидан умид қилинмай-диган, ёмонлигидан қутулиб бўлмайдиганларингиздир».

Ҳадис

«Уч нарсадан умматларим ҳеч қутулмайдилар: 1) ҳасад-ўйлик; 2) бадгумонлик; 3) ёмонликни ирим қилиш (шумланиш). Сизларга улардан қутулиш йўлини айттайми?! Қачонки бирон кишидан гумон қилсанг, шу гумонингга кўра бирор нарсадан шумлансанг, унга парво қилмай кетавер!»

Ҳадис

«Уч хил ишларни умматларим ҳеч тарқ қила олмайдилар: 1. Зоту насаби билан фахрланиш. 2. Ўликка дод-вой солиб йиғлаш. 3. Юлдузлар билан фол очиш».

Ҳадис

Ҳеч ким ҳеч кимдан ортқ эмас. Ортиқлик фақат дину диненатда ва солиҳ амаллар билан бўлиши мумкин. Беҳаё сўловчи, бахил, кўрқоқ одам учун бошқа ёмон сифатлар иккинчи даражалидир.

Ҳадис

а) Ёлгончилик

«(Эй, Мухаммад), қачон мунофиқлар сизнинг олдингизни келсалар: «Гувоҳлик берамизки, сиз, шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз», дерлар. Аллоҳ, дарҳақиқат, сиз Ўзининг пайғамбари эканлигингизни билур, яна Аллоҳ, у мунофиқларнинг, шак-шубҳасиз, ёлгончи эканликларига ҳам гувоҳлик берур. 2. Улар ўзларининг (мусулмон эканликлари ҳақида ичган ёлгон) қасамларини қалқон қилишиб олиб, (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар! Уларнинг қилгувчи бўлган амаллари нақадар ёмондир! 3. Бунга сабаб уларнинг (тилларида) имон келтириб, сўнгра (дилларида) кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди».

Мунофиқун, 1—3

«Ривоятнинг ёмони ёлгон гапдир».

Ҳадис

«Ёлгон қасам молнинг камайиши ва барақасининг кетишига ҳамда унинг ривож топмаслигига сабаб бўлади».

Жавомибул калим

«Ёлгон гувоҳлик берувчи одам қиёмат кунида тили оловни ялаган ҳолатида тирилтирилади».

Жавомибул калим

Агар бўхтон (ёлгон)чи гудурлаганда сен ҳаммадан кўра ҳам кўп эшитувчисан (Эй, ғофил инсон), ҳақ гап сўйланса сен гўё эшитмагандай бўласан.

Замахширий

б) Мутакаббирлик

«Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни сўймас».

Луқмон, 18

«...Аллоҳ ҳар қандай кибрли ва мақтанчоқ кимсани сўймайгай».

Ҳадид, 23

«Кимки Раҳмон зикридан (Куръон насихатларидан) кўр бўлиб олса (юз ўтирса), Биз унга шайтонни яқин қилиб юрмиз, бас, у унга ҳамроҳдир».

Зухруф, 36

«Аллоҳ таоло айтдики: «Улуғлик ва катталик менинг либосимдир. Кимки бу сифатларимни Мен билан талашса, Мен уни дўзахга дучор қилгайман».

Ҳадис

«Жоҳилият ишларидан тўрт нарсани умматларим ҳеч тарк қолмайдилар: 1. Ўз насаби билан фахрланиш. 2. Ўзгалар насабини ерга уриш. 3. Юлдузлардан тақдирини сўраш. 4. Дод боғлиб йирғлаш».

Ҳадис

«Ҳар бир нарсанинг авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тутиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шухрат ни манмансирашга ўтса, уни комил одам ҳисобламаанглар».

Ҳадис

«Бармоқ билан кўрсатиладиган даражада шухратга эга бўлиш ёмондир. Аммо Аллоҳ сақлаган бўлса зарари йўқдир».

Ҳадис

«Кибр юзасидан иштон (шим)ни узайтириб кийишдан кибрнинг Аллоҳ таоло кибрни ёмон кўради. Агар сизни бирор киши ҳақоратласа ва сизда йўқ айблар билан айбласа, уни ушла бор айблар билан ҳам айбламаанг, уни қўяверинг, шунда тўғроҳи унга, савоби сизга бўлур. Ҳеч кимни ҳақоратламаанг!»

Ҳадис

«Уч тоифа кишиларнинг ҳолларини мендан сўрамай қўя қолинглар: 1. Аллоҳнинг гўё кийимдек кийиб олган кибр сифатини талашган мутакаббир одам, 2. Аллоҳнинг гўё кийимдек кийиб олган куч-қудрат сифатини талашадиган одам. 3. Аллоҳ таолонинг қудратига шак келтириб, раҳматидан ноумид бўладиган киши».

Ҳадис

«Инсон гарчи ўзи одамларнинг бирор ишига ярамаган бўлса ҳам, ўзини осмондаги сурайё юлдузи олдидан тушгандек тугишни ёқтиради».

Ҳадис

«Менинг у нарсам бор, бу нарсам бор, деб мақтанганишни ёқтирмайман».

Ҳадис

«Кимки одамлар ўзига нисбатан ҳурмати учун тик туришларини хоҳласа, унинг жойи жаҳаннам бўлур».

Ҳадис

«Кимки қул ва чўриларининг кўллиги билан фахрланса, Аллоҳ таоло уни хорликка маҳкум этур».

Ҳадис

«Кимки ўзини катта тутиб, юриш-туришида кибру ҳаволи бўлса, охиратда Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлур».

Ҳадис

«Кимки бировнинг айбини топиб устидан кулган бўлса, ўзи ҳам шу айбга мубтало бўлмагунча дунедан ўтмайди».

Ҳадис

«Кимки шухрат топиш нияти билан ясашиб кийим кийса, то уни ечмагунча Аллоҳ таолонинг раҳмаг назаридан узоқда бўлур».

Ҳадис

«Фахрланиш — насл-насабнинг офатидир».

Жавомиъул калим

«Мақтанчоқлик — зарифлик (ақллилик) офатидир».

Жавомиъул калим

Ҳеч шубҳа йўқки, такаллуфдан аноният (манманлик) ҳиди келади, футувватнинг қуввати эса нафсни енгиш, манманлик ва такаббурликни тарк этишдан ҳосил бўлади. Худбинлик — худопарастлик эмас, балки худпарастликдир:

Фоний бўлганлар бақо фарзандидир,
Ўзни севган бутпарастдир, бандидир.

Кошифий

Насткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фырланиши, чанқоқ киши сув саробини кўриб алдангани кибодир.

Замахширий

Мутакаббир одамнинг давоси димоғидаги такаббурликни муқотиш билан ва кибру ҳавога ундовчи шайтонни бурун тириновидан кеткизиш билан бўлади³¹.

Замахширий

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саною мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.

Замахширий

Мажнунтол ва Терак

(Масал)

Кишилар Мажнунтол олдига ҳалеб келавертанидан Мирзатеракнинг гаши келиб такаббурлик билан:

— Ёнимга савлатимдан хайқиб, унча-мунча одам кела олмайди. Сенга хайронман, олдиндан одам аримайди, ё сени назар-писанд қилишмайдимиз? Бунинг устига кўшиққа солишганларига бало борми? — деди.

Сен, — жавоб берди унга Мажнунтол. — Кибру ҳаво билан осмонга қараб интиласан. Соянг ҳам ўзингга яраша. Мен бўлсам, ўзимни вояга етказган замин билан қаттиқ боғланиб, унга таъзимда бўламан. Ёнимга кишиларнинг кўшлаб келиши, балким, ана шу камтаринлигимдандир. Сен кибрни касб қилиб олиб, манманликка берилмаганингда эди, бунчалик эътибордан қолмаган, оёқ остига тушмаган бўлар эдинг.

Қиссадан ҳисса: Манманлик ақлсизлик аломатидир. Кибрланиш инсонни ҳалокатга олиб боради.

³¹ Бу ҳол шундайки, мутакаббир кишини ҳақорат қилиш, хўраш билан бўлур, чунки шайтон унинг бури олдига такаббурликка унояр ва уни (шайтонни) қувлаб чақарши билра бу кулафатдан қутулур ва шифо топар, бишарти такаббурлиги кетмаса, унда ҳалок бўлиши муқаррар.

в) Ҳасадгўйлик

«Ҳасадчи ҳасаднинг ёвузлигидан (паноҳ тилайман, деб айтинг, эй, Муҳаммад)».

Фалак, 3

«Аччиқ сабир (алоо) асални бузгани каби ҳасад имонни бузади».

Ҳадис

«Олдинги умматлардан сизларга етиб келган қасадлик — ҳасадгўйлик ва гиллу ғашликдир. Ваҳоланки, ҳасад сочининг эмас, балки диннинг офатидир. Муҳаммаднинг руҳига молик зот номи билан қасамд этаманки, то мўмин бўлмагунларингизча жаннатга кирмайсизлар. То бир-бирларингизга ўзаро муҳаббатли бўлмагунларингизча мўмин бўлмайсизлар. Нима қилсаларингиз дўстлашиб кетишларингизни айтимай? Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар».

Ҳадис

«Бир-бирларингиз билан ўзаро ҳасадгўйлик бузгу адоватда бўлманглар».

Ҳадис

«Ўт ўтинни қандай ёндирса, дилдаги гиллу ғашлик ва ҳасадгўйлик савобларни ҳам шундай ёндиради».

Ҳадис

«Ҳасадгўйлик, чақимчилик ва фолбинлик қилувчилар мандан эмаслар, мен ҳам улардан эмасман».

Ҳадис

Кўзга оғриқ тургандай ақлда ҳам бор ҳасад,
Унутмангки, ҳасаддан идрок ҳам бўлур қасод.

Жомий

г) Исрофгарчилик

«Хотинларнинг баракалироғи сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир».

Ҳадис

«Нонни эъвозланглар».

Ҳадис

«Никоҳ тўйида бир кун зиёфат бериш суннатдир. Икки кунлиги фазлдир, лекин учинчи кунга ўтса риёкорлик ва муҷажкурсиндир».

Ҳадис

«Ёнгллар, ичингллар, садақа қилингллар, аммо исрофгарчилик ва фаҳрга ўтмангллар».

Ҳадис

«Истихора қилган одам ноумид қолмайди, маслаҳат билан иши қилган одам афеус қилмайди, тежамкор одам эса фақирлик кўрмайди».

Ҳадис

«Кимки ҳаётида тежамкор бўлса, зинҳор қашшоқликка тушмайди».

Ҳадис

«Исрофгарчилик сахийлик офатидир».

Жавомибул калим

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш кифронга «неъматдир», Уйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.

Замаҳшарий

д) Бахиллик

«... (Қорун³²нинг қавми унга деди:) "Ҳовлиқмагин! Чунки Аллоҳ ҳовлиқувчиларни суймас! Аллоҳ сенга аго этган нарса билан охирагин истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (оламларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама. Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас. (У:) «Мен унга (бойликка) фақат ўзимдаги билим сабаблигина эришдим», — деди».

Қасас, 76–78

³² Қорун — Мусо алайҳиссалом қавмидан чиққан энг бой ва бахил киши.

«Яширилган хазина қиёмат кунда оловдир».

Ҳадис

«Берган нарсасини қайтариб оладиган киши гўё итнинг сарқитини яна қайта сявириши билан баробардир».

Ҳадис

«Мўмин кишида қуйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик».

Ҳадис

«Одамларнинг ёмони Аллоҳ номини ўртага қўйиб бирор нарса сўралса ҳам бермайдиган кишидир».

Ҳадис

«Кишидаги энг ёмон хислат ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир».

Ҳадис

«Ҳаққимни ҳеч қолдирмай ҳаммадан ундириб оламан, дейдиган одам билингки, ўта бахилдир».

Ҳадис

«Банданинг молу дунёга қўйган ҳирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажовузидан кўра зарарлироқдир. Зеро, бу билан у ўз дину шарафига путур етказлади».

Ҳадис

«Мусулмончиликни ҳеч нарса қизганчиқликчалик бузмайди».

Ҳадис

«Дунё муҳаббатини тарк қилиш қалбу баданга ҳузур бағишлайди ва дунёга ҳирс қўйиш ташвишу ғамни кўпайтиради».

Жавомибул калим

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялқови пасткашидир.

Замахишарий

Гўшдан ҳаддан ортиқ даражада тановул қилдики, ҳатто ичсини мой босиб ёрилиб кетди (кўп овқат емиш турли шайхларга сабабдир маъносида).

Замахишарий

Айни атрофидан кушлар учиб-қўнадиган жойи бўлмаган унга ёмғир ҳам барака бермайди, унинг эгаси ҳам эркинлик бўлмайди, у жой фақирликка гирифтордир.

Замахишарий

Бир одам беҳосдан хасиснинг таомидан тановул қилса, у (хасис) юрак оғригига мубтало бўлур, башарти у касални бирор фақир киши келиб зиёрат қилса, хавфдан бош оғриги шифо бўлур.

Замахишарий

Икки нарса бир дарахнинг бугоғидир, яъни иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тиланганга) берасан, аммо кейин уни миннаг қилса, иккинчиси, ўзининг инъом-эҳсонини аяб, хасислик қилса, чунончи Аллоҳ таоло инъида миннаг билан бир нарса бериш ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади.

Замахишарий

Аллоҳ таоло ато қилган неъматларнинг лаззати кудрат ҳолвасидан тотлироқдир. Аммо миннагли ош эса заққум (жаҳаннам дарахти) мевасидан ҳам аччиқроқдир.

Замахишарий

с) Хиёнат

«...Дарҳақиқат, Аллоҳ хоинларни яхши кўрмағай».

Анфол, 58

«Бировнинг уйига берухсат эшик ёки тешикдан мўралаган оламнинг кўзи ўйиб олинишга лойиқдир».

Ҳадис

«Кимки бировнинг ёзаётган ёки бировдан келган хагини берухсат ўқишга интилса, гўёки у дўзахга интилган бўлади».

Ҳадис

«Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур. Кимки ҳақиқатни билиб туриб, нотўғри маслаҳат берса, демак, унга хиёнат қилибди».

Ҳадис

«Молининг айбини айтмай яшириб сотган одамга Аллоҳнинг газаби ва фаришталарнинг лаънати ёғилиб туради».

Ҳадис

«Ким хиёнат қилувчи бўлса, у ислом аҳлидан эмас».

Ҳадис

«Бу дунёда икки юзламачи бўлган одамнинг қиёматда оловдан ясалган икки тили бўлади».

Ҳадис

«Хиёнаткорлик жаҳаннам чўғидандир».

Жасомиъул калим

Агар тариқатнинг наҳйиси, яъни манъ қилинган ишлари нечта деб сўрасалар, олтига деб айтгин: аввал нафс ҳавасларини тарк этиш, иккинчи – бойликни тарк этиш, учинчи – ёлгонни тарк этиш, тўртинчи – зиннони тарк этиш, олтинчи – хиёнатни тарк этиш.

Кошифий

ж) Гийбат

«Эй, мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг тўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир».

Ҳужурот, 12

Бир мусулмон кишини гийбат қилаётганда унинг обрўсини ҳимоя этишга қодир бўлатуриб, буни қилмаса Аллоҳ таоло уни бу дунёдан ҳам, у дунёдан ҳам хор этур.

Ҳадис

«...Кимки одамларни гийбат қилишдан тилини тийса, Аллоҳ таоло ҳам унинг айбу нуқсонларини фош қилмайди».

Ҳадис

з) Чақимчилик

«Одамларнинг сирларини билиб олиб, ташмачилик қилувчи чақимчининг насли пок эканлигида шубҳа бордир».

Ҳадис

«Чақимчилар жаннатга кирмайди».

Ҳадис

«Сизларга ёмонларингиз ким эканини хабарини берайми?!

Чақимчилик қилиб юрувчи, дўстлар ўрталарини бузувчи, иншиларга зулм қилувчи ва машаққат келтирувчи кишидир».

Ҳадис

Ч **Чақимчилик**

(*Ҳикоя*)

Бани Исроил қавмига қаҳатчилик ва очарчилик келди. Шунда Мусо алайҳиссалом уч марта ёмғир сўраб, одамлар билан чўлларга чиқиб, дуо ва ибодатлар қилдилар. Аммо ёмғир ёлмади. Шунда Мусо алайҳиссалом:

– Парвардигоро, бандаларинг уч марта ёмғир сўраб даргоҳингга илтижо қилдилар. Аммо нега уларнинг дуоларини қабул қилмадинг, – деб сўради. Шунда нидо бўлдики:

– Мен ичида чақимчи бор қавмининг дуосини қабул қилмайман. Мусо алайҳиссалом:

– Парвардигоро менга ўша чақимчини айтгин, тезла уни чақириб орамиздан чиқариб ташлаб, дуоларимизни қабул этилишига эришсак, – дедилар. Аллоҳдан нидо келдики:

– Мен сизларни чақимчиликдан қайтариб туриб, ўзим чақимчилик қиламанми? Сизлар тавба қилинглар, – деб амр қилди. Мусо алайҳиссалом ўз қавми билан тавба қилдилар. Кейин ёмғир ёғди.

и) Сехр-жоду, фолбиллик

«(Улар), яна Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон

кофир эмас эди, лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Марут номили фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. (Икки фаришта): "Биз фақатгина синов (воситасимиз, бизга ишониб) кофир бўлиб қолма", — деб (огоҳлангирмагунча) ҳеч кимга (сеҳрни) ўргатмас эдилар. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар. Лекин, улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар. (Хуллас,) ўзларига фойдасиз, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар. (Аллоҳнинг китобини сеҳрга) алмашганларга охирагга насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насибаларини) қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!»

Баҳара, 102

«Мусо деди: «Сизларга ҳақиқат келганда (уни инкорита) сўз қиласизларми?! Сеҳрми шу?! Сеҳрларнинг омади юришмайди-ку!»

Юнус, 77

«Аллоҳга суяниш ўрнига бошқа сеҳру жоду, туморларга ихлос қилган кишини Аллоҳ таоло ўз ҳолига ташлаб қўяди».

Ҳадис

Ш. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ

3.1. Диндан қабиҳ ниятларда фойдаланувчилар

«Қачонки ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилар қўлига ўтказилса, қиёматни кутаверинг».

Ҳадис

Диний мутаассиблар диндан фойдаланган ҳолда кишиларга ҳужум қиладиган қатта йўлдаги қароқчилардир.

Ҳазолий

Зугум билан айтилган сўз шу даражага етказадик, қадимий хонадонларни вайрон қилиб юборадим³³.

Бобур

³³ Зунун Арғуннинг ўғли Шаҳоббекнинг Бобура кўрсатган қайсарлик ва тескари ҳаракатлари натижасида уттиз-қирқ йилда тўланган рўзгорининг барбод бўганилигига келтирилган форс тилидаги ҳикмат.

3.2. Жиход ҳақида

«Мусулмонларнинг афзали қўлидан ва тилидан мусулмонларга озор етмайдиганидир. Муъминларнинг афзали эса хушхулқлироғидир. Муҳожирларнинг афзали эса Аллоҳ қилган нарсалардан ўзини узоқ тутувчидир. Жиходнинг афзали Аллоҳ йўлида ўз нафси ва хоҳишига қарши қилинадиган жангдир».

Ҳадис

«Умнатларимнинг саёҳати Аллоҳ йўлидаги жиҳодларидир».

Ҳадис

«Бозорларимизга хориждан мол олиб келувчи одам гўё Аллоҳ йўлидаги мужоҳид кабидир. Бозорларимиздаги нарсаларни уйда яшириб сақловчи одам гўё Аллоҳнинг китобидаги худосиз кабидир».

Ҳадис

«Ҳар бир яхши ва фожир амир билан бирга жиҳод қилиш сизларга вожибдир, гарчи у гуноҳи кабира амаллар қиладиган бўлса ҳам. Ҳар бир яхши ва ёмон мусулмон орқасида унга иқтидо қилиб намоз ўқиш вожибдир, гарчи у гуноҳи кабира қиладиган бўлса ҳам. Яхши ёки фожир ҳолда ўтган мусулмонга ҳам жаноза ўқиш вожибдир, гарчи у гуноҳи кабираларни қилган бўлса ҳам».

Ҳадис

«Жиход тўрт хилдир: 1. Амри маъруф (яхши ишларга буюриш). 2. Наҳйи мункар (гуноҳ, ёмон ишлардан қайтариш). 3. Ўзининг зарарига бўлса ҳам роет сўзлаш. 4. Фосиқ кишининг мисҳара қилишига чидаб туриш».

Ҳадис

«Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат ила қоиму, кундузлари рўза тутиб юрувчилар билан бирбардир».

Ҳадис

«Ҳалоллик талаб қилиш ҳам жиҳоддир».

Жавомибул калим

«Аёлнинг жиҳоди эрига чиройли муомала қилишигидир»
Жавомибул калим

«Ҳаж – ҳар бир куч–қувватсиз одамнинг жиҳодидир»
Жавомибул калим

Тариқатнинг мақомоти (босқичлари) неча деб сўрасалар, тўрт юзу қирқ тўртга деб айт. Аммо унинг жами тўрт мақомда мужассамдир.

Аввал тавбаким, у икки нав бўлади: бири – гуноҳдан зоҳирдан тавба қилиш, иккинчиси – худбинликдан ботинан тавба қилиш. Яъни:

*Ёмонликдан хазар қилмоқ авомнинг тавбасидир,
Уздан ўзигин поклаш хослар тавбасидир.*

Иккинчиси – хавф, яъни кўрқув. Гуноҳдан, ғайри шаръий ишлардан кўрқиш, Аллоҳгазабидан, риёзатнинг азобларидан кўрқиш. Ана шу хавфу хатардан кўрқмай, эсон-омон голиб чиққан, дунё бандларидан қутулишга қудрати етадиган одам ўзини тариқатга мансуб, деб билиши мумкин.

Учинчиси – жиҳод, яъни нафс билан жанг олиб бориш:
*Ташқи душман бўлди яқсон, эй шаҳим,
Ичкарида лек қолди зўр ғаним.*

*Ул ғанимни аҳл ила енгмоқ қийин,
Ул қуёнмас, шердир ичда яширин.*

Тўртинчиси – сабр. Сабр мақсад эшигининг калитидир. Агар тариқат аҳкоми (ҳукмлари) неча деб сўрасалар, олгита деб айт: аввал – маърифат, иккинчи – саховат, учинчи – таваккул, тўртинчи – тафаккур, бешинчи – сийқ, олтинчи – яқин (шак-шубҳасиз ишонч).

Кошифий

3.3. Шаҳидлик ҳақида

«Кимки сув тошқини ёки ёнгининг олдини олса, унга шаҳид бўлганнинг савоби берилур».

Ҳадис

«Кимки шаҳидлик мартабасига етишни Аллоҳдан астойдил сўраса, у ўз тўшагида жон берса ҳам, Аллоҳ таоло унга шаҳидлар даражасини ато қилур».

Ҳадис

«Ғарибнинг (ватанидан йироқдаги кимса) ўлими шайхидликдир (Аллоҳ йулидаги ўлимдир)».

Жавомибул калим

«Мушриklar, аҳли ҳарб (мамлакат билан душманлик ва уруш ҳолатида бўлган давлат одамлари) ёки боғийлар (давлатга қарши бош кўтарган бағоватчилар), йўлгўсарлар томонидан ўлдирилган киши шаҳид ҳисобланади. У ювилмасдан кафанга ўралиб, жаноза намози ўқилади... Шаҳиднинг қони ювилмайди ва либоси ечилмайди... Давлатга қарши ёгилар ёки йўлгўсарлар ўлдирилса, уларга жаноза намози ўқилмайди, чунки ҳазрат Али боғийларга жаноза намозини ўқимаган эдилар».

«Ҳидоя»дан

3.4. Ўз жонига қасд қилишнинг гуноҳи

«...Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга рижм-шафқатлидир».

Нисо, 29

«Ким ўзини бир темир парчаси билан ўлдирса, қиймат куннида жаҳаннам ўтида темир парчаси қўлида, абадий равишида у билан ўзини ўлдириб азобланиб ётади. Ким заҳар ичиб ўзини ўлдирса, доимий равишда заҳарланиб жаҳаннам ўтида азобланади. Ким ўзини тоғдан ташлаб юборса, доимий равишда жаҳаннам ўтида ўзини тоғдан ташлаб ўлдириб азобланади».

Ҳадис

«Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини»³⁴.

Бобур

«Ҳар ким ўзини ярадор қилиб, шу сабабли ҳаётдан кўз юмса (ўзини ярадор қилиб ўлдирса), унинг бу қилмиши бу дунёда ҳадар бўлиб, ҳеч қандай эътиборга эга эмас, аммо охираатда осий ва гуноҳкор ҳисобланади. Имом Абу Юсуф фикрича, бундай одам ювилиб кўмилади, аммо унга жаноза

³⁴ *Изоҳ: Бобури Ҳиндистонда овқатдан заҳарлашганда ўлим ҳолатидан соғайиб кетган, шу мақолни келтиради.*

намози ўқилмайди (яъни шу йўсинда боғийлар каби уни иҳонат қилинади — паст назар билан қаралади).

«Ҳидоя»дан

3.5. Безуноҳ кишини ўлдиришининг жазоси

«Айтинг (эй, Муҳаммад,): «Келинлар, Раббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: — У зотга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз, Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз, фахш ишларнинг ошқорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ тақоқлаган (жон)ни ноҳақ қатл қилмангиз! Ақл юргизишларингиз учун (Аллоҳ) ҳукм қилгани шу(лар)дир».

Анъом, 151

«Улар Аллоҳ билан бирга бошқа «илоҳ»га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни қилса, гуноҳ (уқубат)га учрар».

Фурқон, 68

«Ана ўша (биринчи қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукми битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабилар. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тириштирган кабилар». Уларга расулларимиз ҳужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир».

Моида, 32

«Икки мусулмон қўлларида қилчлари билан тўқнашсалар (урушсалар), бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам, мақтул ҳам дузаҳга маҳкумдир».

Ҳадис

«Қайси бир мусулмон иккинчи бир мусулмон биродари бошига тиг кўтарса, Аллоҳ таоланинг фаришталари то ўша тигни қайтариб ўрнига қўймагунча лаънат айтиб турурлар».

Ҳадис

«Гуноҳи кабиралар: Аллоҳга ширк келтирмоқлик, инсон жонини ноҳақ тўқмоқлик, ота-онага оқ бўлмақлик ва ёлғон гуноҳлик бермоқлик».

Ҳадис

«Имон қотилликнинг кишанидир».

Жавомиъул калим

Мўминнинг қони ҳаром (уни ўлдириш мумкин эмас) бўлганидек, унинг молу мулки ҳам ҳаромдир (уни ўғирлаш ёки унга хиёнат қилиш мумкин эмас).

Жавомиъул калим

«Мусулмонга бошқа мусулмоннинг қони, обрўси ва мол-мулки ҳаромдир (яъни унинг жонига қасд қилиши, обрўсини молу мулкига тажовуз қилиши мумкин эмас)».

Жавомиъул калим

«Қиёмат кунинда одамлар ўртасида чиқариладиган биринчи ҳукм қонлар (қотиллик) хусусида бўлади».

Жавомиъул калим

3.6. Зулмининг қораллиши

«Албатта, зотимлар толе топмаслар».

Анъом, 21, 135

«Зулм қилганларга сўянмангиз, токи сизларга (дузаҳдан) олов етмасин!...»

Ҳуд, 113

«Хар ким бирор хатолик ёки гуноҳ ишга қўл урса-ю, сўнгра унда бегуноҳ одамни айбласа, албатта, бўхтон ва аниқ гуноҳни (бўйнида) кўтарган бўлур».

Нисо, 112

«Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳилларилян ошадиган кимсалар(ни айблаб жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир».

Шўро, 43

«Эй, мўминлар, (сизлардан) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавми масҳара қилмасин! Эҳтимолки, (масҳара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (Сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масҳара қилмасинлар)! Эҳтимолки, (масҳара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизни лақаблар билан атаманглар! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар зolimлардир».

Ҳужурот, II

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур. (У) эслагма олурсизлар, деб сизларга насиҳат қилур».

Наҳл, 90

«Эй, одам фарзандлари, мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим ва уни сизларнинг ўрталарингизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар».

Ҳадиси қудсий

«Мазлумларнинг дуосидан кўрқ, чунки уларнинг дуолари мустажабдир».

Ҳадис

«Мазлумнинг қарғишидан сақланинглар, гарчи у кофир бўлса ҳам. Унинг дуоси билан Аллоҳнинг даргоҳи ўртасида парда йўқ».

Ҳадис

«Фақирлик, қашшоқлик, зулм қилиш ва зулм қилинишдан Аллоҳ таолодан паноҳ тиланглар».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор, мен сендан қашшоқликдан, етишмовчиликдан, хорликдан, бировга зулм қилиш ёки зулм қилинишдан паноҳ тилайман».

Ҳадис

«Қачонки қози зулм қилмаса, Аллоҳ таоло у билан биргадир. Зулмга ўгиши биланоқ у Аллоҳдан узоқлашиб, Шайтонни йўлда қолдириб кетади».

Ҳадис

«Кишилар молини ноҳақ ейишга ўрганган одамлар қиёмат кунни дўзахга маҳкумдирлар».

Ҳадис

«Сизлардан олдинги қавмлар нима учун ҳалок қилинган? Улар хурматли одам ўғрилиқ қилса кечирганлар, аммо заиф ва бечораҳол одамни эса жазолаганлар».

Ҳадис

«Биродарларингизга, хоҳ у зolim бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг. Сўрадилар: «Мазлумга-ку ёрдам берамиз, зolimга қандай ёрдам берамиз?» Жавоб бердиларки: «Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамингиз бўлади».

Ҳадис

«Эй, одамлар! Аллоҳдан кўрқинглар! Аллоҳга қасамки, қайси бир мўмин бошқа бир мўминга зулм қилса, қиёмат кунни Аллоҳ таоло мазлумга ундан қасос олиб берур».

Ҳадис

«Одамларнинг юзларига уришдан сақланинглар».

Ҳадис

«Чақирилган жойга боринглар, ҳадяни қайтарманглар ва мусулмонларни урманглар».

Ҳадис

«Мусулмонларнинг яхшиси унинг қўли ва тилидан бошқалар озор топмайдиғанидир».

Ҳадис

«Кечирилмайдиган, кечириладиган ва унутилмайдиган гуноҳлар бор. Кечирилмайдиган гуноҳ – бу Аллоҳга ширк келтиришдир. Кечириладигани эса Аллоҳ таоло билан

банданинг ўртасида бўладиган маъсият (гуноҳ) ишлар Унутилмайдиган гуноҳ бандаларнинг бир-бирларига қилган зулм ва хиёнатларидир (бу гуноҳни то мазлум кечмагунча Аллоҳ ҳам кечмайди)».

Ҳадис

«Эй, Аллоҳнинг бандалари! Аллоҳ таоло қийинчиликни ҳеч кимга раво кўрмайди. Аммо зулм билан қарз олган одам уқубат ва ҳалокатга маҳкумдир».

Ҳадис

«Дилзорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳкум».

Ҳадис

«Қулинга дарра уришга қодир бўлсанг, билгинки, Аллоҳ сендан ҳам қудратлироқдир».

Ҳадис

«Агар сизларнинг тилсиз ҳайвонларга қилган зулмларингиз кечириладиган бўлса, демак, жуда кўп гуноҳларингиз кечирилган бўлар эди».

Ҳадис

«Агар қиёматда қасос олиш бўлмаганда эди, сени шу мисвок билан бир урар эдим».

Ҳадис

«Кимки мусулмонларнинг йўлларига азият туғдирса, унга уларнинг лаънати ёғилур».

Ҳадис

«Кимки бирор мусулмонга озор берса, гўё у Менга озор берган бўлади; Менга озор берган Аллоҳ таолога озор берган бўлади».

Ҳадис

«Кимки бирор нарсани ноҳақ йўл билан олмоқни лаъво қилса, ундай одам бизлардан эмас, у дўзахдан ўзига жой танлайверсин».

Ҳадис

«Кимки золимга бировларнинг ҳаққини ноҳақ олишига ёрдам берса, у Аллоҳнинг ва Пайгамбарининг аҳду паймонини булган бўлади».

Ҳадис

«Кимки бир ерни зулм билан ноҳақдан эгаллаб олса, қиёмат куни Аллоҳ таолони ўзига ғазабли ҳолда учрагур».

Ҳадис

«Кимки саримсоқ ёки хом пиёз еган бўлса, биздан ва мисжиддан узоқлашсин, то ҳиди кетгунча уйда ўтирсин».

Ҳадис

«Кимки бировнинг мол-мулкини зўрлик билан тортиб олса, у ислом аҳлидан эмас».

Ҳадис

«Бировларга зарар етказган одамнинг зарарини Аллоҳ таоло ўзига қайтарур, бировларга қийинчилик келтирган одам бошига ҳам машаққатли кунларни солур».

Ҳадис

«Золимнинг золимлигини билиб туриб, ёрдам бериш учун у билан бирга юрувчи одам исломдан чиқиб қолади».

Ҳадис

«Ким бировга ёмонлик қилса, шу дунёнинг ўзидаёқ жазосини кўради».

Ҳадис

«Уч хил дуо шубҳасиз мустажобдир: мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси, отанинг фарзанд ҳаққига қилган дуоси».

Жавомибул калим

«Бойнинг (мол, мулк беришда) пайсалга солиши зулмдир».

Жавомибул калим

«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, у биродарини ёрдамсиз қолдирмайди ва унга зулм қилмайди».

Жавомибул калим

Барча ишлардан огоҳ бўлгувчи Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан қочириб унутма, ҳар бир тасарруфингда одил бўлиб, бировга зулм қилма.

Замакхирий

3.7. Тавба қилишнинг фазилатлари

«Илло, кимки тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўйор. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир».

Фурқон, 70

«Кимки тавба қилиб эзгу (ишларни) қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур».

Фурқон, 70

«Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади».

Нисо, 110

«Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир».

Нисо, 17

«(Эй, инсонлар,) Рабингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир».

Исро, 26

«Пушаймонлик тавбадир».

Жавомибул калим

«Пушаймонлик гуноҳнинг каффоратидир».

Жавомибул калим

IV. ФИТНАЛАР ҲАКИДА

«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш дийёр (жаҳаннам) бордир».

Раъд, 25

«Одамларга нарсаларни камайтириб берманглар ва ер юзида бузгунчилик тарқатиб юрманглар».

Шуаро, 183

«Уч хил тоифа бордирки, қиёмат куни мен уларга душмандурман, ваҳоланки кимга хусуматда бўлсам, унга хусуматим қаттиқ бўлади: 1. Кимки менинг номим билан бирор нарса бериб, сўнг унга хиёнат қилса. 2. Хур одамни қул деб сотиб, пулини еб юборса. 3. Мардикорни ишлатиб, ҳаққини тўлиқ бермаса».

Ҳадис

«Одамларнинг яхшиси – менинг асримда яшовчилардир, сўнг улардан кейингиларидир. Улардан кейингилари ҳам яхшидир. Ундан кейин шундай қавмлар келадики, уларнинг қасамлари ва гуноҳлари бир-биридан ўтади. Яъни ёлғон гувоҳлик ва беҳуда қасам кўпаяди».

Ҳадис

«Нимаики сени шубҳалангирса, уни қўйиб, шубҳасизига ўтавер».

Ҳадис

«Мендан кейин умматларимни фитна-фасод гўё қоронғи кечадек ўраб олади. Ундан киши мўмин ҳолда тонг олтириб, кофир ҳолда тунайти. Одамлар озгина молу дунё учун динларини соғадилар».

Ҳадис

«Менга нисбатан ўзини ўтга ураётган парвона ва чигирткалар кабирисизлар. Мен сизларни ўтга тушишдан

сақлаш учун белбоғларингдан ушлаб қанчалик тортмайин, сизлар қўлимдан чиқиб кетиб, ўзларингни ўтга ташлайверасизлар».

Ҳадис

Кўпинча фисқу фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблайди, ҳолбуки унинг нотўғри эканлиги равшан бўлур.

Замахширий

4.1. Фитнанинг қораланиши

«Фитна қотилликдан ҳам ёмонроқдир».

Бақара, 191

«(Фосиқлар) Аллоҳ аҳдини унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва ер (юзи)да бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Улар, албатта, зиён кўрувчилардир».

Бақара, 27

«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзиде бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир».

Равд, 25

«Эй, мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг туштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир».

Ҳужурот, 12

«Биз ўша охираат диёрини ер юзиде зулм ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун яратурмиз. Оқибат эса, тақволи кишиларникидир!»

Ҳасас, 83

«Эй одам фарзанди, агар мендан уялмасанг, ҳар не хоҳласанг қил!»

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, мен сенга хотиржамликни раво кўраман ва айбларингни яшириб тураман. Ваҳоланки, сенга ҳеч қандай ҳожатим йўқ. Сен бўлсанг, менга муҳтож бўла туриб, фақат гуноҳ ишларни қилишга мойилсан».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, қачонгача солиҳ бандаларим билан бирга ўтириб, ўзинг улардай бўлмайсан? Борди-ю бирга ўтириб қолсанг ҳам, улар сафига кўшилмайсан, қачон сен нажот топасан?»

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, яхши эшитиб олгинки, бандаларимдан ҳеч бири ўзининг зулми, мақр-ҳийласи, чақимчилиги, тажовузкорлиги ва ғаразу ҳасадидан одамларни тинч қўймагунича, ўзи ҳам менинг азобларимдан тинч ва омонда бўлмайди».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, эшитгин, кимки бир мискинга жабр қилса, мен уни чумоли қиёфасида қиёматда хору зор қилиб тирилтираман».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзандлари, сизлар бу дунёда қабрларингизда бўладиган муддатингиз миқдорича касб қилинг, чунки қабрлар амаларингизга яраша жойларингиздур. Кейинги қолдирилган нарсаларингиз савоб умидида, кейин орқамдан боради, деб умид қилган ҳали бўлмаган баъзи савоб ишларга уни бўлишини кутиб турманглар, ҳали берилмаган ризқларингизни олгандек хурсанд бўлманглар ва гуноҳларингизни билинмай қолади (унутилади) деб ўйламанглар».

Ҳадиси қудсий

Аввалги пайгамбарларнинг сўзларидан одамларда қолгани:
«Уялмасанг, хоҳлаган ишни қилавер!»

Ҳадис

«Чақимчилик нима, биласизларми? У одамлар орасини бузиш ниятида бир-бирларига гап ташимокдир».

Ҳадис

«Ҳалокаатга олиб борувчи етита гуноҳдан сақланинглар: 1. Аллоҳ таолога ширк келтирмоқ. 2. Сехр ишлари билан шуғулланмоқ. 3. Бировни ноҳақ ўлдирмоқ. 4. Судхўрлик. 5. Етимларнинг молини емоқ. 6. Ёв билан бўлаётган жандан қочмоқ. 7. Эрли, мўъмина, ифбатли аёлларни фоҳиша, деб ҳақоратламамоқ».

Ҳадис

«Қачонки, хаёлингдан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк қил!»

Ҳадис

«Агар гуноҳ иш махфий қилинса, фақат эгасигагина зарар қилади. Ошқора қилинса-ю уни ўз вақтида қайтариб қўйилмаса, ҳаммага зарар қилади».

Ҳадис

«Бировларнинг обрўсини тўкиш — судхўрликдан ҳам кагга гуноҳдир».

Ҳадис

«Хиёнаткорлик — жаҳаннам телаликларидир».

Ҳадис

«Мўмин кишини ҳақорат қилиш — гуноҳ. У билан жанг қилмоқ эса куфрдир».

Ҳадис

«Мўминнинг ҳаққини емоқлик — унинг қонини тўкмоқ билан баробардир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло фаҳш ишларни қилувчи ва беҳаё сўзларни гапирувчи кишини ёмон кўради».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло уч нарсани қилишингиздан рози бўлади ва уч нарсани қилишингиздан рози бўлмайди.

Рози бўладиганлари: 1) Унинг ўзигагина ибодат қилиш ва бирор нарсани унга шерик қилмаслик; 2) Аллоҳнинг шариат аҳкомларини бажаришда бирлашиш ва турли гуруҳларга бўлиниб кетмаслик; 3) Аллоҳнинг сизларга сайлаб қўйган ҳокимига насихатгүй ва маслаҳатгүй бўлишингиз.

Рози бўлмайдиганлари: 1) миш-миш тарқатиш; 2) кўп савол бериш; 3) мол-дунёни исроф қилиш».

Ҳадис

«Қиёмат куни Аллоҳ олдида одамларнинг ёмони бу дунёда одамлар унинг ёмонлигидан ҳазар қилганларидир».

Ҳадис

«Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинглар».

Ҳадис

«Саккиз тоифа кишилар қиёмат куни Аллоҳ таолонинг махлуқлари ичида энг ёмонроғи ҳисобланурлар: 1. Ёлгончилар. 2. Мутакаббirlар. 3. Қалбларида мўмин биродарларига нисбатан бугзу адоват сақлаган ҳолда, уларни кўрганида мулозамат қилувчилар. 3. Аллоҳ ва Расули даъватини секин, Шайтоннинг буйруғини эса тез бажарувчилар. 4. Ноҳақ бўлса-да, қасам билан дунёдан тама қиладиган кишилар. 5. Чақимчилар. 6. Дустларни бир-биридан айриришга ҳаракат қилиб юрувчилар. 7. Гуноҳсиз пок одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар. Бунинг ҳаммасига Аллоҳ таолонинг ғазаби ёғилур».

Ҳадис

«Имомларингизнинг яхшилари шундай кишиларки, сизлар уларни, улар сизларни яхши кўриб, ўзаро дуо қилишиб юрадиганларингиздир. Имомларингизнинг ёмонлари эса, сизлар уларга, улар сизларга нисбатан бугзу адоватда бўлиб, бир-бирларингизни қарғашиб юрадиганларингиздир».

Ҳадис

«Мўмин кишини ҳақоратловчи одамнинг ўзи ҳалокаатга учрайди».

Ҳадис

«Муслмон кишини ҳақоратлаш гуноҳ, уни ўлдириш эси кўфрдир».

Ҳадис

«Муслмон кишини ҳақоратлаш гуноҳ, уни ўлдириш кўфр ва унинг моли билан қонининг ҳаромлиги баробардир».

Ҳадис

«Бирор кишидан: «Одамлар тамоман бузилиб кетди», деган гапни эшитсангиз, билингики, ўша одамнинг ўзи кўпроқ бузилгандир».

Ҳадис

«Умнатларининг ёмонлари нозу неъмаг ичида туғилиб, турфа таомлардан ейдилар. Кийимларнинг ранг-барангини киядилар. Уловларнинг турлисини минадилар. Вайсақни бўладилар».

Ҳадис

«Яшрин шаҳват ва риёкорлик ширкдир».

Ҳадис

«Икки саф (лашкарлар) орасида тожу тахт таллашиб ҳалок бўлган одамнинг ўлими ёмон ўлимдир».

Ҳадис

«Аёл кишининг ёлғиз ҳолда ўқиган намози масжидда ўқиган намозининг савобидан 25 марта кўдир».

Ҳадис

«Одамларни чалғитиб, ноҳақ йўлга бошловчи имомлар Дажжолдан³⁵ ҳам хавфлидирлар».

Ҳадис

«Ҳар бир муслмоннинг моли, обрўси ва қони бошқа муслмон учун ҳаромдир. Муслмон биродарини ҳақорат қилиши билан унинг ёмонлиги билинур».

Ҳадис

³⁵ Дажжол – ислом тавълимотига кўра, охирамонда чиқиб, кишиларни йўдан оздирадиган махлуқ.

«Фисқ-фасод ишларини ошқора қилувчилардан бошқа умматларининг ҳар бирлари офият ва хотиржамликдандилар. Гуноҳни ошқора қилиш деб, киши кечаси бирор гуноҳ иш қилиб тонг оттиргач, мақтаниб мен кечаси ундай иш қилдим, бундай иш қилдим, дейишига айтилади. Ваҳоланки, Аллоҳ ноло унинг айбини парда билан яшириб турган эди. Гуноҳдорнинг ўзи бу пардани очган бўлади».

Ҳадис

«Дилингда бирор шубҳа пайдо бўлса дарҳол уни тарк қил». Ҳадис

«Одамлар кетаётган тўғри йўлларида то ўзаро жанжал чиқармагунларича адашиб кетмайдилар».

Ҳадис

«Кимки бизнинг бу динга доир ишимизда ўзича янгилик жорий қилса, у рад қилинади».

Ҳадис

«Кимки ноҳақ адоват ва хусумаг қилаётган кишиларга ёрдам берса, то бу ишдан тавба қилмагунича у Аллоҳ таолонинг ғазабида бўлур».

Ҳадис

«Кимки биронинг ёки ўз ходимининг оиласида моҳаро ва низо чиқишига сабабчи бўлса, у ислом аҳлидан эмас».

Ҳадис

«Кимки мўмин кишини «кофирсан» деб ҳақоратласа, гўё унинг қонини тўкканчалик гуноҳ қилган бўлади».

Ҳадис

«Биронинг молини ноҳақ ўзлаштириш ёки қонини ноҳақ тўкиш ишларига ёрдам берувчи одам ўзига дўзахни **ВОЖИБ** қилиб олган бўлади».

Ҳадис

«Кимки одамлар ўртасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам аҳли исломдан эмас».

Ҳадис

«Кимки Аллоҳга ва охираг кунига имон-ишончи бўлса,
бирор мусулмоннинг кўнглига изтироб ёки қўрқини
солмасин!»

Ҳадис

«Одамларнинг молларига ва жонларига қасд қилмайдиган
одам ҳақиқий мўминдир. Ҳато ва гуноҳларидан ўзини узоқ
тутадиган одам ҳақиқий муҳожирдир».

Ҳадис

«Ҳар бир ноаниқлик ҳаромдир. Аллоҳнинг динида
ноаниқлик йўқ».

Жавомибул калим

Фисқу фасод қилувчилар ва фожиралар кўпайса, Аллоҳ
таоло вабо юборади.

Замаҳшарий

Ёмон фикр соҳиблари ҳам куфр неъмаг қилувчилар ҳам
ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг мағфиратидан
йироқдирлар.

Замаҳшарий

Мен рўздорман дейсан-у, аммо ўзинг бўлса, биродаринг
гўштини ейсан.

Замаҳшарий

Фосиқдин ҳаё тилама,
Золимдан вафо тилама.

Навоий

Ҳар сўзки эшитса, деса бўлмас,
Сўз борки айтса, деса бўлмас.

Бобур

Мубтадилдин³⁶ хавориқи одог³⁷,
Зоҳир ўлса билинг недур анга от.

³⁶ Бидъатчи

³⁷ Гайри оддий нарсалар

Бордур ул макр ёҳуд истидрож³⁶,
Шаҳрдин айлангиз они ихрож³⁷.

Бобур

Ҳар неким шаръ хилофидур ул,
Тийгил андинки эмастур ул йўл.

Бобур

Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма,
чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқ.

Бобур

Нега ҳасадгўйлар доим нимадандир хафа юрадилар? Чунки
уларни нафақат ўз шахсий муваффақиятсизликлари, балки
ўзгаларнинг ютуғи ҳам азобга солади.

Абул Фараж

Беодоблик фақат қилмишда эмас, сўзда ҳам бўлади.

Абул Фараж

Яхшилар ёнидан ўтмас ҳеч қачон,
Душманни тақамай унга бир бўҳтон.

Саъдий

Нодон киши лашкар ногорасига ўхшайди: овози баланду
ичи бўм-бўш ва гариб.

Саъдий

4.2. Фирқаларга бўлимасликка чақирув

Ҳаммангиз Аллоҳнинг «арқони»ни (Куръонини) маҳкам
тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган
пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб
қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини
туфайли биродарларга айландингиз. Дузаҳ ёқасида
турганингизда, сизларни ундан кутқарди. Шояд ҳақ йўлни
топгайсизлар, деб, Аллоҳ Ўз оягларини сизларга шундай баён
қилади.

³⁶ Кўзбўямаччилик

³⁷ Чикариб юбормоқ

Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир.

Изоҳ: Бу ердаги «сизлардан» сўздан араб тили қоидаси бўйича икки хил маъно олиши мумкин. Яъни сизлардан бир жамоат чиқиб, яхшиликка даъват қилиш, амри маъруф, наҳйи мункар ишлари билан шуғуллансин, деб ҳам тушуниши мумкин. Бу тафсирга кўри, амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланиш фарзи кифоя саналиб, умматнинг ҳаммаси эмас, балки маълум бир қисми уламолар шуғулланса, шунинг ўзи кифоя қилиб, бошқаларнинг зиммасидан бу вазифа соҳит бўлади. Яъна, Имом Бағавий (ваф. 516 х.) каби бу оятдан "Сизлар ҳаммангиз маъкур ишларни қиладиган уммат бўлингиз", деган маънони олиши ҳам мумкин. Муфассилларнинг аксарияти шу иккинчи тафсирни қўллаб-қувватлаганлар. Ханафий маъзаби уламолари ҳам шу иккинчи тафсирга биноан, амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланишни фарзи айн, яъни ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарздор, деб билганлар. Жумладан, Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари ҳам «Тавилолту аҳли-сунна» номи тафсири китобларида "Моид" сурасининг 79-оятлари ва бир неча ҳадиси шарифлардан далил келтириб, амри маъруф, наҳйи мункар ишларини қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн қилинган, деб таъкидлаганлар.

Хужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофга берилган қимсаларга ўшшамангиз! Ана ушаларга улкан азоб бордир.

Оли Имрон, 103—105

«Сизларга васиятим шуки, саҳобаларимга, сўнг улардан кейингиларга эргашинглар. Ундан сўнг ёлгончилик кенг тарқалади. Ҳатто, одамлар сўралмаса ҳам қасам ичиб, ёлгон гувоҳликка ўтаверадилар. Огоҳ бўлгинки, қайси бир эркак бир (бетона) аёл билан хилватда бўлса, уларнинг учинчиси Шайтондир. Доимо кўпчилик билан бирга бўлинглар. Бўлиниб кетишдан сақланинглар. Шайтон ёлғиз одам билан биргадир. Икки кишидан эса узоқлашур. Кимки жаннатнинг ўртасига тушишни хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин. Кимки ўзининг яхши ишидан қувонса, ёмон ишидан хафа бўлса, демак, у ҳақиқий мўминдир».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло менинг умматимни ногўфри йўлга, залолатга жўлмамайди».

Ҳадиси шариф

«Жамоат бўлмай якка ҳолда яшаш даври ўтиб кетди».

Ҳадис

«Менга не бўладики, сизларни турли гуруҳларга бўлинган ҳолда кўрмоқдаман».

Ҳадис

Модомики, Қуръон Аллоҳ назидан нозил бўлган экан, демак унда ихтилофлар бўлиши мумкин эмас. Ҳар хил фирқалардаги кишиларнинг қур'он оятларини тушунишдаги ихтилофларга сабаб Қуръон эмас, балки уларнинг оятларни тушунмаслигидадир.

Мотуридий

Ихтилофларнинг асосий сабаби қуйидагилардир:

- 1) инсон табиатининг лаззатли нарсаларга мойиллиги;
- 2) муайян одатларга ўргангани;
- 3) бир одамга тақлид қилиши;
- 4) талабда қусурли бўлиши;
- 5) ўз ақлига кўп суяниб, ҳикмати рубубияни унга кўра тушуниши.

Мотуридий

«Аллоҳнинг қўли (кудрати) жамоат устидадир».

Жавомибул калим

«Жамоат (кўпчилик билан бир томонда бўлиш) саодатдир ва парокандалик (кўпчиликдан ажралиб қолиш) азобдир (бахтсизликдир)».

Жавомибул калим

Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар.

Халқ мақоли

Бирлашган ёвни қайтарар.

Халқ мақоли

Бирлашган тоғни талқон қилар.

Халқ мақоли

Куч — бирликда, адолат — жамоатда

Халқ мақоли

4.3. Тинчликка раҳна солувчилар

«Эй, одам фарзанди, бирор гуноҳ ишга қўл урмасдан бурун ҳамаша бўлуши жазо ва азобларимни эсла».

Ҳадиси қудсий

«Эй, одам фарзанди, бирор заиф инсонга зулм ва зўравонлик қилишга нафсинг сени чорласа, ундан бурун ҳамаша ўзингдан кўра қудратлироқ зот борлигини эсла. Уш зот сени ҳалиги заиф инсондан зўрроқ қилиб қўйгани каби, хоҳласа уни ҳам сендан зўрроқ қилиб қўйиши мумкин».

Ҳадиси қудсий

«Эй, бандаларим, бу дунёда зулм қилишни қўйинглар, шу сизларга охираг азобидан енгилроқдир».

Ҳадиси қудсий

«Огоҳ бўлингки, ҳар бир хиёнагчи қиёмат куни хиёнати миқдориде (танилиш учун) байроқ кўтариб юрур».

Ҳадис

«Тинчлик ва хотиржамлик икки улугъ неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар».

Ҳадис

«Халқ соясидан фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни Аллоҳ таоло дўзахга маҳкум этур».

Ҳадис

«Кимки бизларга қарши тиф кўтарса, у аҳли исломдан эмас».

Ҳадис

Жангу жадал аҳллари гоҳ шодлигу, гоҳ хафаликда бўладилар.

Замахшиарий

Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик, қайғу ҳасрагугу фақирлик бўлур.

Замахшиарий

Тандир

(Ҳисоя)

Алишер Навоийнинг кекса кўшниси бўлар эди. У киши умр бўйи ишлаб, биргина том ёптириб олган экан, холос. Кунлардан бир кун кўшни Навоийнинг хузурига келибди-да:

— Ҳазрат, ўзингизга аёнки, мен анча-мунча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса, эртага омонатни топширадиганга ўхшайман. Сизга айтадиган бир илтимосим бор, хўп десангиз, ийтай, — дебди.

— Бажонидил, — дебди шоир.

— Илтимосим шулки, — сўзида давом эттибди у, — мен бу дунёдан кўз юмган кун ўғлим кулбани сотадиган кўринади. Нима бўлса ҳам уни сотишга йўл қўймасангиз. Ахир “Ватан галоси — кафан галоси”, деб бекор айтишмаган. Мендан кейин ўғлимнинг бундай уйни тиклаб олишига ҳеч ҳам ишонмайман. Кулбасиз кўчаларда қолиб, нобуд бўлади.

Отагон шундай дебди-да, кўзига жикқа ёш олибди. Навоий: — Айтганингиз бўлади, менга ишонинг, — деб юллатибди.

Кўшни уйига келиб ўғлини ёнига чақирибди-да:

— Болам, — дебди унга қараб, — мабодо куним битиб, қазо қилсам, уйни асло сога кўрма, кейин тиклай олмай ҳалок бўласан. Борди-ю, жудаям сотгинг келса, Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб, кейин бу ишга қўл ур. Ишончим комил, ҳазрат сенга тўғри йўл кўрсатадилар.

Ота оламдан ўтибди. Ўғил уйни сотиш тараддудига тушиб қолибди. “Отам уйни сотадиган бўлсанг, Навоийнинг олдидан бир ўт, — деган эди, қани борай-чи, ҳазрат қандай йўл кўрсатаркин?” — дебди-да, шоирнинг хузурига келибди. Навоийга мақсадини айтибди. Шунда Навоий:

— Яхши. Аммо тандиринг бироз эскироқ кўринади. Бузиб янғисини қур. Уйнинг нархи икки баробар ортади, — дебди.

Ўғил уйига келиб, тандирига қараса, ҳақиқатан ҳам тандир жуда эски, бир томони кулаб тушган эмиш. “Навоий тўғри айтди, бунга бузиб, яхшисини қурсам, уйнинг нархи икки баробар ошади”, — дебди-да, тандирни бузибди. Кўшни қишлоқда тандирчи бор экан, ўшаниккага жўнабди. Тандирфурушдан тандир сотиб олибди-да, орқага қайтибди.

Йўлда кетаётиб, ниҳоятда чарчабди. “Бир оз нафасимни ростлаб олай”, — деб бир дўнгликка ўтирмоқчи бўлган экан, тандир ерга қаттиқроқ тегиб, синиб кетибди. Ўғил орқани қайтиб, ҳалиги устадан яна битта тандир сотиб олибди. Унинг етай деганда, уни ҳам синдириб қўйибди. Бир иложини қилиб, учинчи тандирни уйига олиб келибди-да, эскисининг ўрнига қура бошлабди. Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб туриб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Унинг жаҳли чиқиб: “Навоий нега мени бунчалик оворагарчиликка солиб қўйди”, — дебди-да, шoirниқига йўл олибди. Навоий супади ўтириб олиб, шеър битиш билан банд экан.

— Ҳазрат, — дебди у, — тандирни қуролмадим. Майли арзонроққа кетса ҳам, уйни тандирсиз сота бераман.

— Ҳовлиқмай, сўзимни эшит, — дебди Навоий, — кўрдингми, биргина тандирни эглаб қуролмайсан, аммо уйни сотмоқчи бўласан. “Бели оғримагanning нон ейишини кўр”, деб бекорга айтишмаган. Уйни сотиб қўйиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетишни ўйламадингми?

Бор, хунар ўрган, ишла, уй ҳам ёнда қолади, тирикчилик ҳам яхши ўтади.

Навоийнинг доно сўзларига тан берган ўғил уйни сотмабди, бир хунарни ўрганиб, яхши кун кечира бошлабди.

Қиссалдан ҳисса: минг машаққатлар билан қурилган тинчлик биносини йўқ қилишга уринаётганлар ўзлари уни қайта тиклашга қодир бўла олармиканлар? Шу ҳақда ўйлаб кўрсалар тўғри йўлни топиб олган бўлар эдилар.

4.4. Динда гулув (чужур кетиш)нинг зарари

«Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани тақлиф этмайди. Унинг касб этгани (яхшилиги) — ўзига, ва орттиргани (ёмон амали) ҳам ўзигадир.

«Эй, Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, бизни қойиما! Эй, Раббимиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортган машаққатни бизнинг зиммамизга ортма! Эй, Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама! Бизларни афв эт ва кечир ҳамда бизларга раҳм қил! Сен бизнинг хоҳамизсан...»⁴⁰

Бақара, 286

⁴⁰ Ушбу ояйда Аллоҳ таоло ўз бандаларига қандай дуо қилиш кераклигини ўргатади.

...Ҳеч бир жонни тоқатидан ташқарисига тақлиф (амр) қилмаймиз...»

Анъом, 152

«Динда ҳаддан ташқари гулув кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда гулув кетганлари сабабли ҳалок бўлганлар».

Ҳадис

«Яхшилик нафсинг таскин топиб, дилинг ором оладиган ишдир. Ёмонлик ёки гуноҳ эса унинг аксидир, гарчи муфтийлар фатво берсалар ҳам ўз қалбингизга қараб иш тутинг».

Ҳадис

«Муфтийлар фатво берсалар ҳам, ўз виждонинг билан иш қил».

Ҳадис

«Эй, Билол, билгинки: «Кимки менинг вафотимдан кейин унутилиб кетган суннатимни қайта жорий қилса, унга амал қилувчиларга қанча савоб берилса, унга ҳам шунча савоб ёзилур. Бу уларнинг савоблари ҳисобига эмас. Яна кимки, Аллоҳ ҳам, Расули ҳам рози бўлмайдиган нотўғри бильъатни жорий қилса, унга амал қилувчиларга қанча гуноҳ ёзилса, унга ҳам шунча гуноҳ ёзилур. Бу уларнинг гуноҳлари ҳисобига эмас».

Ҳадис

«Йўлнинг яхшиси унга эргашиладиганидир».

Ҳадис

«Кимки Аллоҳ номидан қасамёд қилса, Аллоҳ уни ёлгончи қилади».

Ҳадис

Мўмин учун менинг наздимда одамларнинг ичида ҳавас қилса арзийдигани намозларда енгил ҳарақатли, намоздан насибадор, ибодати чиройли, бир ўзи ёлғиз қолганда ҳам ибодат қилувчи, одамлар ичида шухрат топмаган, тирикчилиги ўртача бўлиб, унга қаноат қиладиган ва вафоти

ҳам барвақтроқ бўлиб, унинг орқасидан йиғлаб қолувчилари ва мероси ҳам оз бўлганидир».

Ҳадис

«Сочи оқарган мусулмон мўйсафидни, Курьонни ёд олиб, унинг маъноларига беҳуда чуқур кетмаган ва уни тарк ҳам қилмаган қориларни ва одил подшоҳни ҳурмат қилиш Аллоҳни улуғлаш билан баробардир».

Ҳадис

«Бу дин жуда мустаҳкам диндир. Унда ўрга ҳол ва юмшоқлик билан бораверинглар!»

Ҳадис

«Мен ҳам бир инсонман. Мендан диний масалани сўрасанглар, сўзимни олинглар. Дунёвий ишларга келганда мен ҳам сизлар каби бир инсонман».

Ҳадис

«Мен одамларнинг қалбларини очиб кириш ёки уларнинг қоринларини ёриб кўриш учун буюрилмаганман».

Ҳадис

«Сизлар дунёвий ишларни мендан кўра яхшироқ билувчисизлар».

Ҳадис

«Аллоҳ таоло сенга берган неъматларини ўзинга ҳам сарфлагин!»

Ҳадис

«Жоҳилият давридаги ичган қасамларингизга вафо қилинглар. Исломи дини қасамнинг кучини зиёда қилди. Аммо исломда янгидан қасам жорий қилманглар».

Ҳадис

«Сизларга ибодатнинг енгилроғи ва бажарилиши ҳам осонроғидан хабар берсам, у хомушлик ва хушкулқликдир».

Ҳадис

«Эй, одамлар! Сизлар ибодатда ўзларингизга кўп қийинчиликларни олманглар. Сизлар чарчасизлар, аммо Аллоҳ таоло зинҳор чарчамайди».

Ҳадис

«Имконият ва тоқатларингга яраша амалда бўлинглар. Сизлар чарчасизлар, лекин Аллоҳ таоло зинҳор чарчамайди».

Ҳадис

«Ибодатнинг яхшиси енгилроғидир».

Ҳадис

«Сизларнинг яхшиларингиз дунё ишини деб охираг ишини, охирагни деб дунё ишини тарк қилмайдиган ва одамларга малоллигини туширмайдиганларидир».

Ҳадис

«Кечалари бедорлик билан ибодат қилгани ва кундузлари рўзадор юргани билан бошқа номақбул ишлардан сақланмаса, бедорлик, очлик ва ташналикдан бошқа насибани кўлга кирита олмайди».

Ҳадис

«Расулуллоҳ Абу Хурайрага қараб: «Мени кунора зиёрат қилгин, шунда ўртамиздаги муҳаббат зиёда бўлади» деганлар».

Ҳадис

«Тарки дунё қилиш қалбни ва баданни тинчлантиради. Дунёга рағбат ва муҳаббат қўйиш эса ғам-ташвишни кўпайтиради. Ишсизлик инсонни тошбағир қилади».

Ҳадис

«Тўғри бўлиб, бир-бирларингиз билан ўзаро яқинлашиб, ушбу хушхабарни эшитиб олинглар: «Ҳеч бирларингизни бу дунёдаги қилган амаллар жаннатга олиб киролмайди. Ҳатто мени ҳам. Балки Аллоҳ таолонинг ўз раҳмат ва мафирати билангина охираг неъматларига эришурмиз».

Ҳадис

«Биланларингизни бошқаларга ҳам билдиринглар. Динни осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб юборманглар. Одамларни суюнтирадиган гаплардан гапиринглар, уларни турли таҳдидлар билан кўрқитиб бездириб қўйманглар. Ҳазабингиз хуруж қилса сукут сақланглар!»

Ҳадис

«Ҳар бир ишда ўртаҳоллик лозим. Ҳатто динда ҳам бирор киши ортиқча зоҳидлик қилса, охири ўзи мағлуб бўлади.»

Ҳадис

«Одамларнинг ўз масжидлари билан фахрланиб юришлари қиёмат аломатларидандир.»

Ҳадис

Наҳйи қил, ҳар неки мункар бўлса,
Ҳар не янглиғки муяссар бўлса⁴¹.

Бобур

Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтига бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай, камчилик (нуқсон) ҳисобланади.

Замашиарий

Сув йўллари ирмоқлари билан бўлгани каби шариатнинг тўғри қонун-қоидалари пайғамбар алайҳиссалом таълимотлари биландир.

4.5. Турли фитналарга аладиниб қолмаслик

«Эй, мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмасликларингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингизлар!»

Ҳужурот, б

⁴¹ Итоҳ: Аллоҳ буюрган яхши амалларни бажармоқ, инкор қилинган ҳар бир ишдан ўзни узоқ тутмоқ.

«Бирор кишидан: «Одамлар тамоман бузилиб кетди», деган гапни эшитсангиз, билингки, ўша одамнинг ўзи кўпроқ бузилгандир.»

Ҳадис

«Бирор киши бор айбингни айтиб сени ҳақоратласа, сен уни бор айби билан ҳам ҳақоратлама. Шунда бунинг савоби сенга, гуноҳи унга бўлур.»

Ҳадис

«Мендан ривоят қилинган бирор ҳадисни эшитганларингизда дилларингизга таниш, баданларингизга таъсир қиладиган ва ақлларингизга сиғадиган бўлса, демак у менинг айтган ҳадисимдир. Аммо эшитган ҳадисларингиз бунинг акси бўлса, демак, у менинг айтган ҳадисим эмас.»

Ҳадис

«Қачонки мусулмонлар ўртасида фитнес-фасод кучайса, ёғочдан қилич қилиб ол!»

Ҳадис

«Аҳмоқдан узоқлашинг.»

Ҳадис

«Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Аллоҳ таоло унга эга қилиб қўйиб, сўнг сизларни кузатувчи ва нима иш қилишларингни кўриб турувчидир.»

Ҳадис

«Аллоҳ таоло умматларимни залолат устида бирлаштирмайди. Аллоҳ кўпчиликка ёрдам беради. Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади.»

Ҳадис

«Бахтли одам фитнес-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир.»

Ҳадис

Умматларим ҳеч қачон залолат устида бирлашмайдилар. Қачонки одамлар ўртасида ихтилофни сезсаларинг, кўпчилик томонга ўтиб олинглар.

Ҳадис

«Аллоҳдан яхши гумонда бўлиш унга яхши ибодат қилиши билан тенгдир».

Ҳадис

«Қалб — доимо ўзгариб туриши сабабли қалб деб аталган. Гўёки у саҳродаги бир шохчага илиниб қолиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилаётган барг кабилдир».

Ҳадис

«Динларингиздан биринчи бўлиб йўқотадиган нарсаси омонатдорликдир».

Ҳадис

«Кўчада ўтиришдан сақланинглар! Агар кўчада ўтирсангни кўчанинг ҳаққини адо этинглар! Яъни кўзларингизни номаҳрамга ташламасдан, бировларга азият бермасдан, саломга алик олиб, амри маъруф ва наҳйи мункар қилиб ўтиринглар».

Ҳадис

«Гумондан сақланинглар! Зеро, у ёлғон гапдан иборат. Бир-бирларингизни текшириб жосуслик қилманглар. Мол-дунё учун мусобақа қилманглар. Ўрталарингизда ҳасад, адоват ва аразлаш бўлмасин. Аллоҳнинг ўзари бировдар бандалари бўлинглар. Биров қўйган совчи устига, то улар ўзари битишгунча ёки тарк қилишгунча, совчи юборманглар».

Ҳадис

«Ўз айбини тузатиш билан овора бўлиб, одамлардаги айбларни қидирмайдиган, ортиқча молу дунёсидан сарф қиладиган, ортиқча сўзлашдан сақланадиган ва суннатга амал қилиб, бидъатларга ўтиб кетмаган кишилар қандай яхши!»

Ҳадис

«Ҳар бир мусулмон кишига садақа қилиш вожибдир. Агар садақага нарсаси тополмаса қўли билан ишлаб ўзига ва садақага нарсаси топсин. Унга ҳам қурби етмаса, муҳтожларга ёрдам берсин. Уни ҳам қилолмаса, одамларни яхши амалларга булурсин. Уни ҳам қилолмаса, ёмонликлардан сақлансин, шу билан ҳам садақа қилганининг савобини топаверади».

Ҳадис

«Ҳақиқий мўмин таъна қилувчи, лаънат айтувчи, ҳақоратловчи ёки лақма бўлмайди».

Ҳадис

«Одамлар билан муроса-ю мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланур».

Ҳадис

«Ўзи билимсиз бўлагуриб турли низо ва муҳокама ишларида қатнашиб юрадиган одам то бу ишдан қайтмагунча Аллоҳнинг газабида бўлур».

Ҳадис

«Жанг ҳийладир (душманни алдаб, доғда қолдиришдир)».

Жавомӣбул калим

«Тогнинг энг тепасига (чўққисига) чиққан киши ундан йиқилишдан гоҳ кўп огоҳ бўлмоғи лозим».

Замахиарий

«Агар сента биродаринг хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру хийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракаат қил».

Замахиарий

«Низо қилиш ҳақида сента фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан».

Замахиарий

«Қанча одамлар-у қавмлар борки, сизга гўё ип каби эшилиб мулозамаат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб, фасод чиқаришга ишлатиладилар, ғафлатга тушиб шундайларга сира алданманглар».

Замахиарий

Душманники бу даҳр забардаст қилур,
Нахват майдин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

Бобур

Тарк қилма одобу суннатлар,
Хар не миқдорки, тарк этсанг агар.
Онча нуқсон санга бўлғай воқиб,
Қилмағайсен амалингни зойб.

Бобур

Душман не демас, тушга не кирмас⁴².

Бобур

Инонмағил дўстингга, сомон тиқар пўстингга⁴³.

Бобур

Ғофил бўлма давлатга, ўзни солма меҳнатга,
Тангри берура албатга, давлаг иста, ҳиммат тут!
Хуш турур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр⁴⁴,
Бўлса васел беағёр⁴⁵ давлату саодаг тут!

Бобур

4.6. Душман билан муомалада огоҳ бўлишнинг заруриги

«Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлгон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш».

Ҳадис

«Кишилар ичида Аллоҳ таолога ёқимсизроғи – ашаддий душманлик қилувчи одам».

Ҳадис

«Дўстингизни енгилроқ севингки, бир кун у душман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингизга ҳам енгилроқ адолат қилингки, бир кун у дўст бўлиб қолиши мумкин».

Ҳадис

⁴² Бобур Кобулни олганидан кейин Кобул вилоятини яқинларига тақсим қилиб беради. Тақсимотда андижонликларга кўнроқ иззат-ақрам келтирилганидан навоилар орасида гўйбат сўзлар ҳам тарқалган эди. Бу мақол шу муносабат билан келтирилади.

⁴³ Изоҳ: Султон Аҳмад Танбал фитна йўли билан қалбар Алини Хўжандан Аҳсига чақириб, алдаб банд қилиб, унинг вилоятларига юриш қилади. Бу мақол шу муносабат билан айтылган.

⁴⁴ Дайёр – яшовчи

⁴⁵ Ғайрининг кўнлиги

«Ёв томонидан бирор киши ўз жонига омонлик сўраб келса, уни ўлдирмангиз».

Ҳадис

«Эй, Парвардигор! Мен Сендан қарздор бўлиш, душманга мағлуб бўлиш ва ғанимлар масхарасидан паноҳ тилайман».

Ҳадис

«Бирор киши гапирган пайтида у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, демак, шу гап омонатдир».

Ҳадис

«Уруш ҳийла ва макрдан иборатдир».

Ҳадис

«Беш хил зарарли жониворларни (ҳамма жойда) ўлдиршиш мумкин: илон, ола қарға, сичқон, қопағон ит, калхаг».

Ҳадис

Агар ёмон йўлдошга эришсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғуси-ю заҳматида кутуласан.

Замахширий

Ўзингни сахий, мард ва ҳиммати билан кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан кўрқ, токи бир кун ўзларининг хасиликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар.

Замахширий

Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жоиз эрмас ва бу иш надомагдин ўзга нагжижа бермас.

Навоий

Мевага мағз ўлса бўлур пўст ҳам,

Кимсага ҳам душман эрур дўст ҳам.

Навоий

Итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдир.

Навоий

Кучинг етар экан, оловни шу он ўчир.
Агар аланга олса, жаҳонни куйдиради.
Душманни ўқ билан уришга қодир экансан,
Унинг камон керишига йўл қўйма!⁴⁶

Бобур

Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди⁴⁷.

Бобур

Душмандан яширганингни дўстинга ҳам айтма, зеро дўстликнинг абадийлигига кафиллик йўқ.

Абул Фараж

Нуқсонингни дўстан сўраб юрма, у айтмайди. Яхшиси душманларинг нима дейишини бил.

Саъдий

Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгину тиканга тикан.

Саъдий

Ғаним сўзига кириш — ҳатолик, аммо унга тесқари иш тутмоқ учун уни тингламоқ даркор. Бу чинакам ҳақ йўлди.
Саъдий

Ғанимнинг ёлғонига, лаганбардорнинг ширин суҳанига учма; биринчиси айёрлик тўрини ташлаган, иккинчиси эса ёвуз жиғилдонини очиб турибди.

Саъдий

Душманга аламинг сўзлама асло,
Қувониб демасин: «Алҳамдулилло!»

Саъдий

Бепарволик минг турли ситамларнинг сабабчисиدير.

Жомий Саъдий

⁴⁶ *Изоҳ:* Бобурнинг хон دادаси ҳузурда Тошкентдалик вақтида Шайбонийхонга қарши қатъий кураш олиб боришга қарор қилганигига келтирилган форс тилидаги рубоини

⁴⁷ *Изоҳ:* Бобур Кобулни қўлга киритган, Кобул аилоятини ўз яқинлари, кўпроқ анджелишчиларга бўлиб берган эди. Бу ҳол навқарлар орасида гийбат гапларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Бобур мазкур мақолани шу аснода келтиради.

НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абу Али ибн Сино (тахминан 980—1037) — ўрта аср Шарқнинг қомусий олими.

Абу Шукур — X асрнинг форс-тожик шоири.

Абул Фараж (897 — 967) — араб шоири ва олими.

Ал-Хоризий (1054 — 1128) — араб олими, шоир.

Анварий, Авҳадиддин (туғилган йили номаълум — 1191) — тожик шоири.

Аттор, Фаридиддин Муҳаммад ибн Иброҳим (1119 — 1234) — форс-тожик шоири.

Бобур, Заҳириддин Муҳаммад (1483—1530) — ўзбек ёзувчиси, давлат арбоби, сарқардаси.

Гулханий, Муҳаммад Шариф (XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг боши) — ўзбек ва тожик шоири.

Жомий, Абдурахмон Нуриддин ибн Аҳмад (1414—1492) — тожик шоири ва олими.

Кошифий, Хусайн Воиз (тахм. 1442/46—1505) — Марказий Осиёдан чиққан, Навоий билан ижодий ҳамкорлик қилган, воизлик санъати намояндаси ва назарийчиси, мутафаккир, илоҳийгчи олим.

Мирза Шафий (Вазех) (1796 — 1852) — озарбайжон шоири.

Мотуридий, Абу Мансур (тахм. 870—944) мутакаллим, сунний эътиқодидаги икки йirik калом мактабининг бири бўлмиш Мотуридия мактабининг асосчиси.

Навоий, Алишер (1441 — 1501) — ўзбек шоири, олим ва давлат арбоби.

Насафий, Азизиддин (туғ. йили номаълум — 1263 й.) — шоир, тасаввуф фалсафасининг йirik вакили. Шайх Нажмиддин Кубро таълимоти ва Муҳйиддин ибн Арабий тариқатини ўзаро боғлаган кубравия машоийхларидан бири.

Низомий, Илс Юсуф ўгли (тах. 1141 — тах. 1203) — озарбайжон халқпарвар шоири.
 Охундов, Мирза Фатали (1812 — 1878) — озарбайжон ёзувчиси ва жамоат арбоби.
 Рудакий, Абулҳасан (туғ. йили номаълум — 941) — форс-тожик шоири.
 Румий, Жалолиддин (1207 — 1273) — форс-тожик шоири.
 Саъдий, Муслиҳиддин (1203 ва 1210 й. ораси — 1292) — форс ва тожик шоири.
 Хисрав, Носир (1004 — тахминан 1073 йиллар) — форс-тожик шоири ва файласуфи.
 Ҳаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад (1057—1111) — йиринк мусулмон мутафаккири.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
I. Ислоннинг маърифатпарварлик моҳияти	6
1.1. Ислои — бағрикенглик дини	6
а) Кечиримlilik	11
б) Қўл остидаги ходимларга яхши муносабатда бўлиш	12
1.2. Меҳр-мурувват, эзгулик — ҳаёт манбаи	12
а) Хайру саховат	27
б) Етимларга яхшилик қилиш	32
в) Тилга эътибор — элга эътибор	34
г) Адолатли бўлишга чақирув	40
д) Омондорлик	43
е) Яхши ният	45
ж) Марҳумларни ёд этиш	47
з) Гуноҳдан тийилиш	49
1.3. Оғир-вазмин бўлиш фазилати	50
1.4. Саломатлик — туман бойлик	51
а) Поклик имондандир	56
1.5. Умрни ганимаг билиш	57
а) Қарияларни қадрлаш	59
б) Қариндошлар билан силаи раҳмда бўлиш	60
в) Яхши кўнгилчилик	62
г) Инсонлар орасини ислоҳ қилиш	63
1.6. Илм-маърифат ва олимлик фазилатлари	65
а) Илмга амал ҳақида	73
1.7. Жаҳолатнинг қораланиши	75

II. Одоб-ахлоқ ва юксак инсоний фазилаатлар	79
2.1. Ота-онага ҳурмат	83
2.2. Аёлни эъзозлаш	87
2.3. Раҳбарга итоат	89
2.4. Ваганпарварлик ва ваганга муҳаббат ҳақида	92
2.5. Дўстлик, самимийлик, вафодорлик	97
2.6. Саломлашиш одоби	106
2.7. Ростгўйлик	107
а) Ёлгоннинг зарарлари	109
б) Ҳаёли бўлиш	112
2.8. Сабр ва шукрли бўлишнинг ҳикматлари	113
а) Қаноатли бўлиш	122
б) Ғазабни енгил	124
в) Тамағирликдан сақланиш	125
г) Камтарлик	128
2.9. Ҳалол меҳнат ва касб-кор фазилаатлари	131
а) Ҳаромдан сақланиш	139
б) Дунёвий ишларни пухта қилиш	140
2.10. Келажакка умидли бўлиш	142
2.11. Ёмон хулқларнинг қораланиши	143
а) Ёлгончилик	144
б) Мутакаббирлик	144
в) Ҳасадгўйлик	148
г) Исрофгарчилик	148
д) Бахиллик	149
е) Хиёнат	151
ж) Қийбат	152
з) Чاقимчилик	153
и) Сехр-жоду, фолбиллик	153
III. Диний экстремизм	154
3.1. Диндан қабих ниятларда фойдаланувчилар	154
3.2. Жиҳод ҳақида	155
3.3. Шаҳидлик ҳақида	156
3.4. Ўз жонига қасд қилишнинг гуноҳи	157
3.5. Бегуноҳ кишини ўлдиришнинг жазоси	158
3.6. Зулмнинг қораланиши	159
3.7. Тавба қилишнинг фазилаатлари	164
IV. Фитналар ҳақида	165
4.1. Фитнанинг қораланиши	166
4.2. Фирқаларга бўлинмасликка чақирув	173
4.3. Тинчликка раҳна солувчилар	176
4.4. Динда гулув (чўқур кетиш)нинг зарари	178
4.5. Турли фитналарга алданиб қолмаслик	182
4.6. Душман билан муомалада огоҳ бўлишнинг зарурлиги	186
Номлар кўрсаткичи	189

**Маърифат —
тинчлик асоси**

**«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент—2007**

**Мухаррир Б.Эралиев
Мусахҳих У Инсонбоева
Бадий муҳаррир М.Аслонов
Техник муҳаррир Н.Сорокина
Саҳифаловчи С.Жўраева, М.Мусаев**

**Босишга руҳсат этилди 25.09.2007. Бичими 84x108 1/32. Офсет
босма усулида босилди. Шартли б.т. 9,66. Нашр т. 9,5.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 81. Баҳоси шартнома асосида.
Шартнома № 09—15—07**

**«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмаҳонасида chop этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий кўчаси, 11.**

М 34 **Маърифат** – тинчлик асоси (Куръон, ҳадис ҳимми буюк алломаларимиз асарларидан соф ислом таълимотининг эзу моҳияти, диний экстремизм ни терроризмга қарши кураш масалаларига онли иқтибослар тўплами)/**Гузувчи** Д.Раҳимжонов, Масъул муҳаррир З.Исломов. -Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2007. – 196 б.

ББК 66.4(0)
86.38
66.3(5У)